


# Федерико Гарсиа Лорка

ШЕЪРЛАР ВА ДОСТОН



# Энг қайғули шодлик

Испанчадан  
ШАВКАТ РАҲМОН  
таржимаси

ШКЕНТ

Фур Фулом номидаги  
Абиёт ва санъат нашриёти

89

34.4Исп.

П 77

*Тузувчи Ш. Раҳмон*

П 4703000000—167  
П 352 (04)—89 Доп.—89

© Гафур Гулом номда-  
ги Адабиёт ва санъат  
нашриёти, 1989  
(тарж.)

ISBN 5—635—00129—7

Ҳар гал Испанияни ўйлаганимда гул йиғисини шетрда янгротган шоирлар, овози оини уйғотган ҳофизлар-ла бир малак сиймо гул исмидай, бир пари капалак исмидай назокатли Боабдил сўзи хаёлимдан кетмайди. Тарихни сўйлатсак, еттинчи аср бошларидаёқ жанубий Франция қасабаларигача ислом лашкарлари-ла кириб борган, Испанияда Вестгот қироллигини синдириб, мусулмон давлатига тамал тошини қўйган араб саркардалари Мусо ибн Нусайра ва Тариқ ибн Зиёд хотирга тушади. Кейинчалик гоҳ уммавий халифалиги, гоҳ алморавидлар, гоҳ алмоҳадлар салтанати деб аталган Андалусия давлати 1492 йили қирол Фердинанд ва қиролчица Изабелла ихтиёрига ўтди. Саккиз юз йил Оврупони ҳайратга солган давлатнинг энг сўнги қироли Али Абдуллоҳ Боабдилдир...

Америкадаги Эдинбург дорулфунунининг исломшунос олими У. Монтгомери Уўўт айтишича: «Араб маданияти ўзидан-да қадимийроқ, юксакроқ маданиятларнинг энг яхши фазилатларини ўзлаштириб, янги мусулмон маданиятига асос солди. Исломгача бўлган насроний маданияти Испания маданиятининг кейинги ривожига ҳеч қандай таъсир кўрсатмади. Аҳолининг кўнчилиги мусулмон динига кириб, вақт ўтиши билан араблашиб кетди». Чинданам, Андалусия ибн Рушд, ибн Туфайл, ибн Халдун, ибн Хазм, Муҳиддин ибн ал Арабий каби не-не буюк зотлари эмизган диде, Ҳозиргача Қурдоба, Фарнота, Севилла қасабаларида афсонавий қасрлар, маҳобатли мачитлар, маъмурий бинолар араб маданиятидан хотирадир.

Хулосаласак, Андалусия маданияти шарқу гарб-нинг энг гўзал фазилатларини эмиб улгайган, Испаниянинг жаҳонга машҳур сиймоларини эмизиб улгай-тирган бир маданиятдир. Андалусиянинг мана шундай ёруғ юзли сиймоларидан, ҳаёт ва мамот оралигида ярадор қушдай потирлаган руҳ сувратларидан иборат асарларини бадний ижод саҳнасига бир даста гулдай отган Федерико Гарсиа Лоркадир.

Асримизнинг йигирмаичи йилларида Оврупо ада-биётида, хусусан, шеъриятида турли безовта оқимлар пайдо бўлди. Бу оқимлар жадаллашиб кетган спёсий-ижтимоий тўлқинларнинг бадний ижоддаги кўриниш-ларидир. Бу даврда Испаниядаги адабий давраларда Оврупонинг бошқа адабиётларида муқимлашган сюрре-ализм, ултраизм, креасонизм, герметизм каби ҳаёт билан адабиёт бирлигини тан олмайдиган, санъат санъат учун деган ижодий субут атрофида баҳслар қизиди. Лорка мана шу йилларда фаол ижод қилдиким, буни мустаҳкам ижодий субут шарофати деб билмоқ лозимдир: «Яхшиямки, санъат санъат учун деган гоя-нинг мэгзи пуч, аке ҳолда бундан-да шафқатсиз гоя бўлмасди. Бу сохта санъатнинг ўзигагина дахлдор соф санъатга бирортаям виждонли одам ишонмайди. Энд-диятли давримизда ижодкор халқ кулса кулиб, йиғласа йиғламоғи, ўз бинафшаларидан воз кечмоғи, белигача ботқоққа ботиб бўлсаям бинафша излаётганларга кўмаклашмоғи шарт». Бундай ижодий субут ижодкор-нинг янги-янги ифода шаклларини излашига сираям монелик қилмайди, балки ҳар қандай шаклга соғлом ижтимоий руҳ бермоғи тайин.

Лорка қатнашган адабий даврада мажозийлик бир-ламчи унсур сифатида тан олиниб, ифода воситасигина ҳисобланиб қолмаган. Мажозийлик Лорка ва бошқа муштарийларнинг рост ва хаёлий дунё бирлигини ифо-далаган дунёқарашидан, борлиққа мупосабатидан келиб чиққан ижодий субутдир. Кейинчалик бу давра-

дан испан ва жаҳон адабиётида «27-йил авлоди» деб аталган буюк ижодкорлар — Хорхе Гильен, Педро Салинас, Гарсиа Лорка, Рафаэл Альберти, Херардо Диего, Эмилио Прадос, Луис Сернуда, Дамасо Алонсо, Мануэл Альтолагирре ва ёши улугроқ Хуан Рамон Хименес ажралиб чиқди.

Лорка ҳам ёзма, ҳам оғзаки маданиятнинг ижобий фазилатларини ўз ижодида омухта қилган. Ёзма маданият, яъни Сервантес, Лопе де Вега, Луис де Гонгорадан жисмлар ва туйғуларнинг тартибсиз дупёсини уйғунлашган дунё сифатида тасаввурлашни ўрганган бўлса, оғзаки маданият, яъни испан халқ қўшиқларидан табиатнинг ҳар бир унсурини жонлаштириш хусусиятини ўзлаштиргандир. Бундан ташқари испан халқ қўшиқларига хос бўлмиш яна бир хусусият — ранглар ва ўсимликлар тамсилдан жудаям унумли фойдаланган. Ранглар: халқ қўшиқларида сиёҳранг — мотам; бишафшаранг — жудолик, хотира, садоқат; кўкранг — мангулик, ҳақиқат, адолат, сабот; яшилранг — омад, ҳиссиёт; оқранг — ўлим, мангулик, эътиқод, озодлик; кулранг — қайғу; сариқранг — қуёш, буғдой, қувват, илҳом, шуҳрат; қизил — қаҳр, қон ранги, изтироб, эҳтирос, гурур рамзидир. Ўсимликлар: заранг — соф ишқ; гулхайри — алам, маҳкумлик, хиёнат; терак — мағрурлик; бодом — назокат, бевақт ўлим; сабур — оғриқ, қизғалдоқ, таскин, оний умр, бекор тўкилган қон; қушқўнмас — азоб, сарв — қабристон дарахти, қайғу, мотам рамзи; чиннигул — завқ-шавқ; ёсмин ёки суман — садоқат, назокат рамзидир. Лорка ижодида табиатнинг ҳар бир унсури ҳаёт ва мамот оралиғида титраб турган дардчил юракка ҳамдардлик қилади, руҳиятига мослашади. Инсон изтиробининг бу қадар юксалтирилиши шоир дунёқарашида одамийликнинг нечоғлигидан далолат.

Лорканинг 1921 йили Мадридда нашр этилган биринчи «Шеърлар китоби» қурама шакллар, оҳанглар,

кайфиятлардан иборатдирким, Хуан Рамон Хименес, Антонио Мачадо, Рубен Дарно каби улур шоирлар ижодидаги айрим җазилатлар таъсирида ёзилган шеърлар, маънаумалар шоирнинг шаклланиш жараёнидан нишонлардир. Лорканинг айрича овози «Канте хондо достони», «Қўшиқлар», «Лўли романсероси» китобларидагина очилган. Сохти зиддиятли «Канте хондо достони» ва сохти эркин «Қўшиқлар», «Лўли романсероси» китобларидаги уйғушлик, бутунлик «Шоир Нью-Йўркда» китобидаги шеърларда йўқ, айниқса, «Лўли романсероси», «Шоир Нью-Йўркда» китобига бутунлай қарама-қаршидир. Агар «Лўли романсероси»да шоир тасвирланган воқеа, ҳодиса, ғожиаларнинг фақат гувоҳидай намоён бўлиб, жабрланган кимсаларга ҳамдардлик билдирувчи бир муштарий сифатида лўлилар дунёсига пайванд қилинган бўлса, «Шоир Нью-Йўркда» китобидаги шеърларда шоир асосий қаҳрамон, биз унинг кўзи билан вақтнинг қулига айланиб қолган одамлар ва машиналар манзарасини кўрамыз. Нью-Йўрк шоир учун қачонлардир барча тирик мавжудот эмин-эркин нафас олган, бироқ вақт исканжасида ёмонлик, ригъ тимсолига айланиб қолган замин. Шоир эса бу заминда бор-йўғи дарду аламларга муносабатини билдирувчи ярадор юрак соҳибидир.

Уттизинчи йилларда энг илғор мамлакатлар қаторида Испания ҳам ўн миллионлаб бегуноҳнинг бошига етган фашизм довулида қолди. Азалдан ҳофизлар, шоирларга суюкли махзап бўлмиш Андалусия қасабаларида шумнийат фитна қадамидан ўлат бошлапгандай, булбулларнинг сарбаст овозларига, ошиқ ва маъшуқаларнинг хўрсиниқларига ўрганган кечаларда кун кўзини очгунга қадар ёбонлардаги қабристонларга қурбон ташиган юк машиналарининг бўғиқ овозлари... Бу Ғарнотада генерал Франко бошчилигидаги фашистлар ҳокимияти энг шимариб ишга тушганидан бир далолат. 1936 йилнинг августида Ғарнота яқинидаги Айнда-

мар, яъни Кўзёш булоғи деб аталмиш хилват бир ёбонда, тулғи ёбонда Лорка отилди.

Хуан Кобо таниқли ирланд олими, испаншунос Ян Гибсоннинг «Ғарнота, 1936 й. Федерико Гарсиа Лорканинг ўндирилиши» деган китобига ёзган сўзбошисида Мексикада чиқадиган «Препса» газетаси мухбирига генерал Франко айтган сўзларни келтирган: «Чет элларда ғарноталик бир шоир ҳақида шов-шув кўпайди. Нечоғлик истеъдодли экани ва тирик қолганида бу қадар овоза бўлиши ҳам номаълум бу шоир номини қизиллар мафкураси кўтариб юрибди. Бироқ Ғарнотадаги безовта кунларда қўзғолончи унсурларга қўшилиб кетган бу шоирнинг ҳалок бўлганини тан оламиз. Ҳарбий ҳаракатлар пайтида бундай ҳодисалар бўлиб туради. Ғарнота қамал қилинганида республикачиларнинг бефаросат ҳукумати шаҳар аҳолисига қурол-аслаҳа тарқатгани туфайли қуроли тўқнашувлар содир бўлганлиги маълум. Ҳалиги ғарноталик шоир ҳам шундай тўқнашувлар пайтида ҳалок бўлган. Қисқаси, бир умрга эслаб қолнинг, ҳеч қандай шоирни отганимиз йўқ».

Аммо ойна этак билан ёниб бўлармиди. Гарчи генерал Франко 1975 йилгача, яъни вафотигача Лорка тасодифан ҳалок бўлган деган гаплари билан жаҳон жамоатчилигини чалғитган бўлсаям, Ян Гибсон каби фидойи тадқиқотчиларнинг меҳнати туфайли Лорка фашистлар ҳукуматининг «қора рўйхати»га тушганлиги ошқора бўлди. Шоирнинг номи 1975 йилдан кейингина, яъни Испанияни демократик ҳукумат бошқара бошлаганидагина рўйирост тикланди.

Бундан ўн йил аввал дастлабки таржималарим «Сайланма» номи билан нашр этилгани мен учун нечоғли қувончли бўлганини айтмай қўяқолай. Аммо бу қувончнинг умри қисқа экан. Тез орада, ўйлаб қарасам, Лорканимас, Лорканинг таржимонларини таржима қилганим аёвлашди. Рус мутаржимлари, шубҳасиз,

энг сўнгги имкониятларини пшлатиб меҳнат қилган бўлсаларам, Лорка шеърларининг асл қиёфасини кўриш иштиёқида ёнавердим. Кейинчалик етти-саккиз ой испан тилидан дарс олдим, анча пайт мустақил шуғулландим, испан тилининг табиатига бир оз кўникканимдан кейингина лугат ёрдамида таржима қила бошладим. Бир неча йилга чўзилган бу иш давомида Лорканинг москвалик таржимонларидан Анатолий Гелескул, Павел Грушко, Наталья Малиновская, испаншунослардан Людмила Синянская, Юрий Грейдинглар билан дўстлашдимки, бу хайрихоҳ кишиларнинг кўмаклари бир умр ёдимда. 1986 йил май ойида москвалик испаншунос олим Николай Томашевский ва ленинградлик испаншунос Александра Косс билан бирга Испанияга бориб, буюк испан ёзувчиси Валье Инклан ижодига бағишланган конгрессда қатнашдим. Мадридда совет адабиётининг таржимони Хосе Фернапдес, кейинроқ барселоналик русшунос Элена Видал ва бошқа бир қанча қаламкашлар билан танишдим. Бу мулоқотлар Лорка ижоди, умуман испан адабиётига мени янаям боғлаб қўйди. Бу боғлиқлик печоғлик жиддийлигини ҳали йиллар кўрсатар.





## БИР ҲЗБОШИМЧА ШИЛЛИҚҚУРТНИНГ САЁХАТИ

Тонг ҳавоси чақалоқ  
нафасидай майиндир.  
Дарахтлар қўллариини  
чўза бошлар заминга.  
Босиб келар далани  
ҳарир туман тўлқини.  
Ўргимчаклар ҳавода  
ипак тўрлар тўқийди.  
Тиниқ, мовий кўзгуда  
ялтқиллайди сўқмоқлар.  
Теракзор бир сайҳонда  
ариқ куйлар ўйноқлаб.  
Тор сўқмоқлик анбўи,  
фаросатсиз, ғирт оми,  
мўмингина шиллиққурт  
кузатади дунёни.  
Атроф жимжит,  
хўрсиниб,  
бир қарар-да кулбага,  
сўқмоқнинг охириини  
кўрайин деб, судралар.  
Иўл юрару мўл юрар,  
охир етар бир жойга —  
чирмоблар газандани  
ўраб ўсган маконга.  
Ўтирарди серрайиб  
икки бақа бир тошда,  
буришган таналарини  
тоблаб тонгги қуёшга.

«Янгича бу нагмалар —  
валдирайди бир бақа —  
арзимас ҳеч нарсага».  
«Эгачи,— дер бақрайиб,  
вужудини росаям  
яра босган кўр бақа.—  
Қизлигимда биз айтган  
қўшиқларни худойим  
бир кун охир эшитиб,  
ёрлақар деб юардим.  
Умрим битди. Англадим  
ғўр ёшлиқнинг хатосин —  
худодан қайтдим, қўшиқ  
айтмай қўйдим ҳаттоки...»

Тинмай сакраб майсада  
сурбетларча масхара  
қилган бир ёш бақадан  
икки бақа мўлтираб  
сўрар эди садақа.

Шиллиққурт қоп-қоронғи  
ўрмонда тўхтаб қолар.  
Бақирай дер. Бўғилган.  
Бақалар ўраб олар.

«Капалакми, нима у?»,  
деб сўрайди кўр бақа,  
«Мугузи бор. Капалак  
бўлмас ҳечам мундақа.  
Мана, қара, мугузли,  
бу шиллиқдир, қаердан  
желаянсан, айт, ўзинг?»

«Кулбам унча увоқмас,  
қайтай десам қўрқаман».  
«Шиллиқ зоти азадан  
юраксиз», дер кўр бақа.

«Нағма-пағма қиларсан»,  
деб бақалар чувиллар.  
«Йўқ, йўқ,— дейди бечора,—  
айтмаганман умримда».  
«Ибодат қиласанми?»  
«Ўргатмаган ҳеч кимса»  
«Мангу ҳаёт борми, айт?»  
«Мангу ҳаёт... бу нима?»  
«Буми,  
икки ёни гул,  
турли нозу неъматли,  
суви тивик дарёда  
мангу яшаш демакдир».

«Йўғ-э, энам бир маҳад,  
агар ўлсанг, энг баланд  
дарахтларнинг баргида  
ўрмалайсан деганди».

«Энангам даҳрий экан,  
айтдик сенга ростини.  
Ишонмасанг, зўрлаймиз,  
кессак билан бостириб».

«Вой, негаям кулбамдан  
чикдим,— деб йиғлар шиллиқ,—  
мангу ҳаёт бор, тўғри,  
хато қилдим мен, шўрлик».

Мамнун бўлиб бақалар  
ўйчан тарқар ҳарёнга.  
Қўрқиб кетган шиллиққурт  
яширинар ўрмонда.

Тиланчи бақалар ҳам  
Сфинкс каби қотар.  
«Эгачи,— деб қурбақа,—

оҳиста бир уф тортар —  
мангу ҳаёт бор гапми?»  
«Бе, ёлгон»,— дер кўр бақа.  
«Нега энди бор дея  
айтдик апов аҳмоққа?»  
«Чунки... ўзим ҳайронман,—  
кўр бақа дер хўрсиниб.—  
Агар айтсам тўгрисин,  
ғалати бўп кетаман  
зовурдан ёш бақалар  
эрта-кечин худога  
ноза қилса вақиллаб».

Шиллиқ эса бу маҳал  
қайтар эди сўқмоқдан.  
Терак авжида мавжли  
сукупат оларди дам.  
Ногоҳ йўлда чумоли  
гуруҳига келар дуч.  
У ён, бу ён суриниб,  
уймаланиб, бўлиб гуж,  
судрашарди чалажон,  
боши қуйи солиниб,  
мўйловлари шалпайиб  
қолган бир чумолини.  
«Тўхтайлар,— дейди шиллиқ —  
бўлмаг бунча бераҳм.  
Нега бу бечорани  
қийнаб азоб берасиз?  
Чинданам айби бўлса,  
бирон гап айтай холис.  
Нима гуноҳ қилувдинг,  
ўзинг айтгин, чумоли?!»

Жон берётган чумоли  
шивирлайди қийналиб —  
«Юлдузларни кўргандим».

«Юлдузлар? Бу нимадир?»—  
Вожиллаб чумолилар,  
жимликни тагин бузар.

Шиллиқ бир зум довдираб,  
қайта сўрар: «Юлдузлар?»  
«Ишонилар,— дер чумоли,—  
юлдузларни кўрдим чин.  
Чиқдим балад-баладга,  
тераkning қир учига.  
Кўриб минглаб шуълани,  
айтган сўзим оқ бўлди,  
очилди кўр кўзларим,  
қаро багрим оқ бўлди».

Шиллиқ сўрар анқайиб,  
«Юлдузлар нима ўзи?»  
«Юлдузлар бошимизда  
ёғду сочган шуъладир».  
Чумолилар қутурар:  
«Нега бизлар кўрмаймиз?»  
Тан олади шиллиқ ҳам:  
«Кўзларим азал ожиз.  
Зўрға-зўрға кўраман  
майсаларни, қуртларни».

Чумолилар дўқ урар,  
айлантириб муртларин:  
«Ўлдирамиз. Ялқовсан.  
Ғаламис, ярамассан.  
Меҳнат қилишинг керак  
осмонга қарамасдан».

«Юлдузларни кўрдим, рост»,—  
дер чалажон чумоли.  
«Қўйилар,— дейди шиллиқ,—  
шундоғам танг аҳволи.

Жон беряпти шекилли,  
сўйлашга йўқ мажолли».

Ари ўтар ҳавони  
кесганча қанотида.  
Нафас олар чумоли  
чексиз шом ҳавосидан.  
Шивирлайди: «Арижон,  
келдингми мени излаб?  
Юлдузларга жисмимни  
олиб кетгин. Юлдузлар».

Жон берар. Чумолилар  
қочиб кетар ўликдан.

Шиллиқ оғир хўрсивиб,  
ўрмалар ўз йўлида.  
Кўз ўнгида мангулик  
очилгандай шу лаҳза.  
«Сўқмоқ чексиз, аҳтимод,  
юлдузларга туташган.—  
Сўйлайди,— юлдузларга  
етмак маҳол, бесамар,  
қўполман, яшайин соз,  
юлдузларни эсламай».

Борлиқда ҳарир туман,  
кун нури ҳам ҳориган.  
Қўнғироқлар черковга  
чорлаб қолди олисдан.  
Боқибегам шиллиққурт,  
енгилтак ҳам анойи,  
бир тупкадан анқайиб  
куватади атрофни.

## САНТ-ЯГО

(Содда манзума)

Бугун тузда ўтди Сант-Яго  
осмоннинг шан йўлкаларидан.  
Айтиб берди буни болалар  
сойнинг ипак оқимларига.

Қай манзилга боради чексиз  
сўқмоқлардан осмон сайёҳи?  
Гижинглаган ошпоқ тулпорда  
борар тонгни кутиб олгани.

Яйраб-яйраб ўйнанг, болалар,  
кулгингизни сочинг шамолга!

Пориллаган либосларига  
юлдузларни гулдай қадаган  
икки юз дов жўмарди билан  
Сант-Ягонн кўрибди кампир;  
чиройлимиш Сант-Яго оти,  
икки шохли ойнинг ўзимш!

Уйқусида ногоҳ сукунат  
тўлқинлари аро ғарқ бўлган  
қанотларнинг ёруғ шитирин  
эшитганин сўйлади кампир.  
Нима учун жим бўлди дарё?  
Елиб борар жўмард малаклар.

Яйраб-яйраб ўйнанг, болалар,  
кулгингизни сочинг шамолга!



Ой озади бугун кечаси.  
Қулоқ солинг, қандай сас келар?  
Саратонлар чириллар нега,  
нега итлар ҳура бошладилар?

— Эна, кўрсат, қани ўша йўл?  
Кўрмайпман уни, энажон!  
— Сен ихшироқ қара, тасмадай  
ялтираган шуъла биланглар,  
ана, оппоқ доғ юмалади.  
Кўряпсанми?  
— Кўрдим, энажон.  
— Эна, қани ўзи Сант-Яго?  
— Ана, борар мулозимлар-ла,  
қўшпари бор дубулгасида,  
сипарида ёнар ёқутлар,  
қуёш унинг кифтига қўнди,  
ой ётибди оёқларида.

Туни билан водийда эсар  
туманлардан тўқилган эртак.

Яйраб-яйраб ўйнанг, болалар,  
кулгингизни сочинг шамолга!

## II

Қишлоқнинг бир четида ғариб  
кулбасида қийшиқ урчуғи,  
икки қора мушуги билан  
яшайдиган кампиршо ялиқ  
оқшомлари остонасида  
пайпоқ тўқиб ўтирар экан,  
узук-юлуқ, титроқ овозда  
қоп-қорайган барглар сасига

жўр бўлганча, қўшни хотинлар  
ҳам мишиқчи болакайларга  
қачонлардир бошидан ўтган  
воқеани ҳикоя қилар.

Бир кун, худди шундай оқшомда,  
шундай сокин, бир дим оқшомда  
Сант-Ягони кўрганмиш кампир —  
борармиш у осмон йўлида.  
— Эна, қандай кийинганди у?—  
Икки бола сўрайди бирдан.

— Барқут кўйлак кийгадди, яна  
қўлда зумрад ҳасса-таёғи.  
Остонамга яқинлашган чоқ  
қанотларин ёзиб юборди  
ухлаётган кабутарларим,  
оёқларин ялади итим,  
қишдаги ой сингари бирам  
дилкаш эди осмон сайёҳи.

— Ияма деди сизга у, эна?—  
Икки овоз сўрайди бирдан.

— Ута туриб жилмайди менга,  
юрагимга қадади юлдуз.  
— Қайга қўйдинг ўша юлдузни?—  
деб сўрайди бошқа шум бола.

— Балки сўниб қолгандир юлдуз,  
бу эртак-ку,— дейди бошқалар.  
— Болаларим, юлдуз сўнмаган,  
юрагимда асрадим уни.

— Юракдаги юлдуз, қанақа бўлар?  
— Қандай бўлар, осмондагидай.

— Кейин, эна! Кейин не бұлди?  
Уша сайёх кетди қаёққа?

— Кейин кетди олис тоғларга,  
обкетди ит, каптарларимни  
лек богимни тўлдирди суман  
ҳам очилган атиргулларга,  
ҳали яшил, мўрт новдаларда  
узум пишди, саҳарда эса  
омборимдан олтин дон топдим.  
Жуда сахий эди бу сайёх!

— Эна, келган экан омадинг!—  
Икки бола хулоса қилар.

Мудраб қолди ҳорғин болалар,  
далаларга чўқар сукунат.  
Тушингизга туманли роҳдан  
Сант-Яго кирсин, болалар?

Ез кечаси, ёп-ёруғ кеча!  
Елиб борар кўкда Сант-Яго!

Юракдаги бор-йўқ дардимни  
сочвораман ойдин йўлларга,  
токим тивик дарё сувига  
чўқтирворсин уни болалар,  
токим шамоқ узоқ-узоққа  
юлдузли тун оралаб ёйсин.

## ИЮЛЬ КУНИ МАНЗУМАСИ

Фавраларнинг бўйнида  
ялтирар қўнгироқлар.

— Йўл бўлсин, қор, қуёшдан  
тўралган қизалоқ, айт?

— Дасторгуллар тергани  
боргум яшил сайҳонга.

— Ҳадемай шом бўлади,  
йўл хатарли, осонмас.

— Ишқим шупча кучаюр,  
қанча оғир бўлса йўл.

— Қор, қуёш қизалоғи,  
қуёшдан эҳтиёт бўл!

— Сочларимнинг тархига  
жойлаб қўйдим қуёшни.

— Кимсан ўзинг, оппоқ қиз,  
келарсан қай ошёндан?

— Ошёним бўлур меҳр  
ҳам марварид булоқлар...

Фавраларнинг бўйнида  
ялтирар қўнгироқлар.

— Еришибди дудогинг  
илоҳий бир зиёдан.

— Улганида ҳам тирик  
севгим ёққан ситора.

— Бир кўрай-чи, қўйнингда  
нимани сен яширдинг?

— Улганида ҳам тирик  
севгим берган шамширдир.

— Недир қора кўзингда  
ёниб турган улуғвор?

— Бир умрга ўртаган  
гам-ҳасрат суврати бор.

— Нега энди рўмолинг  
ўлимдан-да қорароқ?

— Оҳ, беваман, мендан-да  
бахтсиз, ёлғиз одам йўқ.

Эртакдаги Дафнанинг  
бевасиман, билмайсан.

— Излаганинг йўқ бўлса,  
яна нени излайсан?

— Уша Граф Дафнанинг  
вужудини излайман.

— Ишқ излаб юрибсанми  
сарсон бўлиб ҳар қайдан?  
Ишқ излаб юрибсанми,  
дуч келарсан, албатта!

— Нигоҳларим ҳамиша  
юлдузли осмонларда.  
Қайдайкин ўшал ёрим —  
тирикдай ўлганда ҳам.

— Топармисан ёригини,  
чиннигул, оқ гул аро  
ётар гам гирдобига  
тикилиб мотамсаро.

— Ай, сарвларга ўхшаган,  
жувонмардим, сувори.  
Ойдин тунда дилимни  
сенга бергум иноиби.

— У, хомхаёл Изида,  
болсиз, тоза қизалоқ,  
оғзинг ниетадаккина,  
аммо бирам тилинг бор.  
Совга қилай қалбимни.  
Жувонларнинг кўзидан  
ярадор бўлган, нафис  
қалбим берай ўзингга.

— Назокатли жувонмард,  
худо сенга бўлсин ёр!  
Излаб Граф Дафнани  
кезаман энди бедор.

— Алвидо, қизалогим,  
уйқудаги атиргул,  
ишқинг учун борарсан,  
мен эса ўлим учун.

Фавраларнинг бўйнида  
ялтирар кўнгироқлар,

Юрагимдан қон оқар  
гўёки бир булоқдай.

## ОЛМОС

Олмос битта юлдуздай  
чақнаб осмон тубидан,  
нур қушидай самодан  
бўшалмоққа уринар.

Коппётга кишанбанд  
эканин билмай асло,  
баҳайбат уясидан  
потирлайди доимо.

Койнотлик овчилар  
сукунат сувларида  
юлдузларни овлайди  
кумушранг оққушларда.

Еш тераклар баралла  
алифбо ўқир пахтада.  
Устоз терак қуриган  
шоҳини саякир аста.

Шу пайт олис адирда  
мурдалар солиб сурон,  
ошиқ ўйнар, жудаям  
зерикарли қабристон.

Куйлаворгин, қурвақа,  
чирилдоқ, чиқ ковакдан,  
қўшиғингиз ўрмонда

**янграб кетсин, мен эса  
Ўз уйимга бораман.**

**Икки ёбон каптари  
миямда потирлайди.  
Олис уфқда ваҳмалш  
вақт чархпалагида  
пастлар кундуз пақири.**



## **УИҚУ**

**Муздай булоқ бўйида юрагим яйрар.**  
(Ришта-ла боғла сувни,  
фаромуш анкабути.)

**Булоқ суви қўшигин чулдираб айтар.**  
(Ришта-ла боғла сувни,  
фаромуш анкабути.)

**Уйғониб кетган юрак сўйлар ишқидан.**  
(Сирингни тўқи энди,  
сукунат анкабути.)

**Булоқ суви юракни огриниб тинглар.**  
(Сирингни тўқи энди,  
сукунат анкабути.)

**Юрак булоқ сувига йиқилиб тушди.**  
(Олисдаги оқ қўллар,  
тўсингиз сув йўлини.)

**Уйнаб булоқ сувиям қуйига учди.**  
(Олисдаги оқ қўллар,  
баря оқди сув билан.)

## **СОКИН ХИЕБОИ МАНЗУМАСИ**

Сокин оқшом, болалар  
бир қўшиқни айтар шод.  
Қўнгироқдай овозли,  
яхдай суви соз анҳор.

**Б о л а л а р**

Қувонч тўла багрингда  
оқар қандай садолар?

**М е н**

Қўнгироқдан туманда  
оқаётган наволар.

**Б о л а л а р**

Бу сокин хиёбондан  
кетарсан энди наҳот?!  
Қўнгироқдай овозли,  
яхдай суви соз анҳор.

Баҳорий қўлларингда  
нималар бор пинҳоний?..

**М е н**

Наврўзгуллар шодалари,  
атиргулнинг ол қони.

## Б о л а л а р

Уларни қўшигимиз  
сувларида бир чайвол.  
Қўнгироқдек овозли,  
яхдай суви соз анҳор!  
Пистадай лабларингда  
Пиманинг тоти қолди?

## М е н

Сўнгаларнинг таъмию  
ўлимимнинг бор тоти.

## Б о л а л а р

Ич кўҳна қўшигимиз  
сувларидан сўнгни бор.  
Қўнгироқдек овозли,  
яхдай суви соз анҳор.  
Қайга бу хиёбондан  
оқаясан шарқираб?

## М е н

Сеҳргару маликалар  
мени тинмай чақирар.

## Б о л а л а р

Ким кўрсатди, анҳоржон,  
шоирларнинг йўлини?

## М е н

Қадимий қўшиқдаги  
ойдин булоқ кўрсатди.

## Б о л а л а р

Наҳот ер ва денгиздан  
воз кечарсан оқибат?

## М е н

Қўнгироқнинг қадимий  
оҳанглари, боларилар  
олтинрангу орзуга  
тўлди шойи юрагим.  
Иўлим узоқ-узоқдир.  
Тоғлар сари кетурман,  
ўтурман денгизлардан,  
юлдузларга етурман.  
Яратгандан тиларман  
бер деб, ёғоч яроқлар,  
бўркига пар чандилган  
болажоннинг асотир  
эмган қадим қалбини.

## Б о л а л а р

Кетарсан хиёбондан,  
биз қолурмиз зору зор.  
Қўнгироқдек овозли,  
яхдай суви соз анҳор.

Чўллаб, оғир нолиган  
оғочларнинг шамоллар  
чавақлаган кўзларидан  
томар жонсиз япроқлар,

## ҚУЁН БОТИБ КЕТДИ

Қуён ботиб кетди. Оғочлар  
хайкаллардай хайлчан.  
Пигилган дон.  
Чархпалаклар  
хомуш тин олган.

Бир қишлоқи ит  
Зухрога суқлавиб ҳадеб акиллар.  
Ҳали ўинлмаган қиздай ибोल  
Зухро улкан олма каби ярқирар.

Ёмгир тулпорлари — искантонлар  
учиб юрар. Ҳаво дим.  
Улкан Пенелопа ойдин кечани  
тўқий бошлади нурдан.

«Ухланг, бўри келиб қолади» —  
қўзиларни ухлатар қўйлар.  
«Дугоналар, кўз келдимиз», —  
гул овози титраб сўйлар.

Чўнонлар ҳам подани  
хайдаб олиб тогдан қайтдилар,  
эски қовоқхона остонасида  
болакайлар ўйнар пайтида  
бинолар ёдлаб олган  
ниқий ланарлар ҳам  
қайта-қайта айтилар.

## (БИР ДИЛЛАРКИ, ДИЛЛАР)

Бир дилларки, диллар —  
мовий анвор бор,  
сўлиган саҳарлар  
вақт барглари аро.  
Диллар бор қадимги,  
соялар, йиллар  
соғинчу дардларин  
яширган диллар.

Яна бир дилларда  
қўрқинч шарпалар,  
мевалар қуртлаган,  
намчил дафъада  
эпитилиб қолар  
гоҳо олис сас —  
куйган фарёд саси,  
қора оқимдай,  
бўсасиз, поласиз —  
ўчган хотира.

Дилимни балоғат  
тергайди кўпдан,  
энди мавҳум сирдан  
руҳим-да тўзар,  
Уйқу ғажиб қўйган  
ғўрлик тошлари  
хаёлнинг тубига  
отила бошлар.  
Худодан узоқсан  
дейди ҳар бир тош.

## ҚАРИ КАЛТАКЕСАК

Елғизоёқ сўқмоқда  
миқти калтакесак — чол  
(тимсоҳнинг қариндоши)  
сурарди роса хаёл.  
Яшил суртукли бу зот  
келбатида шайтон ҳам  
роҳибга ўхшашлик бор.  
Хўп мулойим,  
бўйшида  
оҳорланган оқ ёқа,  
такаббур ва хотиржам  
бир олим каби боқар.  
Омадсиз артистнинг  
кўзларидай кўзлари  
сўнаётган оқшомни  
ачиниш-ла кузатар.

Дўстим, узр, мумкинми,  
кичкина савол берсак,  
нега фақат оқшомда  
ҳассасиз сайр қилмоқ  
ёқар, Дон Калтакесак?  
Қаригансиз, сал ўйланг,  
сизни бирор тун-пунда  
қишлоқнинг шумтаклари  
ранжитмоғи мумкин-да.  
Не излайсиз сўқмоқдан  
самарасиз ўй суриб,  
чаламудло файласуф,

қарайиб бўлди гуруб.  
Қаранг, ёз таровати  
бино қилган шарналар  
човутлари осмонни  
йиртибди бир лаҳзада.

Сўлаётган осмондан  
садақа сўрайсизми?  
Бир томчи мовийлик ё  
юлдузнинг бўлагини?  
Ламартия шеърларини  
зсаяпсиз, эҳтимол?  
Ё сайроқи қуш еаси  
этдимикниг сизни лол?

(Ёнган уфққа қарайсан,  
бақалар аждарҳоси,  
ўхшаб одам кўзига  
кўзларинг ёнар ҳозир.  
Сузар қайиқ-фикрлар  
қарайган қорачугинг  
қора босган сувида  
чайқалади чорасиз.)

Балки савр бошогидай  
ям-яшил, силлиққина  
калтакесак гўзалга  
келгансиз илиққанча.  
Сизни ташлаб кетибди...  
Ўтади-да ҳар ишлар.  
Ўх, қайда гўзал ёшлик,  
қайда ишқбўй қамишлар.  
Сўйласанг, гап тугамас.  
ёқтираман сизни кўп.  
Епископ иягидай  
иягингиз создир хўп.



**Жағниғиз сувратида  
улуғвор ва маънодор —  
«илондан қаерим кам»,  
деган битта ифода.**

**Туман босган адирлар  
аро эрир қуёш ҳам,  
ийўлларда сап-сарық чағи  
кўтарилар подадан.  
Қош қорайди, оғайни,  
ўй сурасиз бемалол,  
уйга бориб ётволдинг,  
суравермай кўп хаёл.  
Ҳали сизни қумуреқа  
галалари еган чоқ  
юлдуз тўла осмонни  
кўрволасиз яхшироқ.**

**Қани, ҳа, имилламанг,  
қолманг-да тағин бесар,  
тунингиз яхши ўтеин,  
дўстим, Дон Калтакесак!**

**Хувиллаб қолар дала,  
адирларга чўқар тун,  
сўқмоқларда бу палла  
фақат ёлғиз бод елар,  
фақат гоҳо қоронгу  
терақларинг авжидан  
какку овози келар.**

## БУЗИЛГАН ТЭМОША

Уйқусраб, тумтайиб  
ой жим сузиб келади.  
Ұйпараст тун оромни  
босиб, бузиб келади.

Муаззин қурвақалар  
қайга гойиб бўлдилар?  
Қамишзорни кийволган  
ирмоқ бўғиқ гўлдирар.

Майхонада машшоқ жим,  
эшитилмас бирор сас.  
Юлдуз яшил сайҳонда  
жавлон уриб тушар рақс.

Тог пойда ўлтирар  
шамол хўрлиги келиб.  
Пифагор — кекса терак  
кўтарди улкан қўлини,  
адабсиз ой юзига  
тарсаки урмоқ бўлиб.

## ПИНҲОННИЙ МАНЗУМА

Қайда қолди юраги,  
илк бора алифбога  
эси кетган болакай  
юраги қайда қолди,  
сендамасму,  
қора тун?

(Сой суви  
мунча  
совуқ.)

Қақраган дудогимдан  
баҳорий ёмғир каби  
ўтиб кетган хаёлий  
биринчи бўса қани,  
сендамасму,  
қора тун?

(Сой суви  
мунча  
совуқ.)

Биринчи шеърим ҳисси.  
Толим-толим сочлари,  
хўмрайиб қараган қиз,  
сендамасму,  
қора тун?

(Сой суви  
мунча  
совуқ.)

Плонлар уймалашган  
фалсафа огочиди  
эзилиб пишган ёлғиз  
юрагим қайда қолди,  
сендамасму,  
қора тун?

(Бу булоқ  
мунча  
қайноқ.)

Уйқуда могор босган  
сирли соялар тўла  
дайти ишқим қасрини  
қайдан сўрасам бўлар,  
сендамасму,  
қора тун?

(Бу булоқ  
мунча  
қайноқ.)

Ў, каттакон дард, огриқ,  
ёлғиз горлар зулмати  
сени снгдакка қодир,  
шундаймасму,  
қора тун?

(Бу булоқ  
мунча  
қайноқ.)

Адашган юраккинам!  
*Requiem aeternam!*

## ДЕНГИЗ СУВИ МАНЗУМАСИ

Жилмаяди  
денгиз узоқда.  
Тишлари кўпикли,  
мовий дудоғи.

- Не сотасан сийнаси  
очилган хомуш жувон?
- Сув сотаман, сенёрим,  
сотамадан денгиз суви.
- Қорамағиз ўспирин,  
қонингда не чайқалур?
- Сув оқади, сенёрим,  
оқади денгиз суви.
- Кўзёшинг шўрдир, эна,  
бу шўрлик қайдан келур?
- Йиглатади, сенёрим,  
йиглатар денгиз суви.
- Юрак, қайдан келади  
бу абадий ғам-қайғу?
- Қайғулидир жудаям,  
қайғули денгиз суви.

Жилмаяди  
денгиз узоқда.  
Тишлари кўпикли,  
мовий дудоғи.

## **ОҒОЧЛАР**

**Оғочлар!**  
**Новаклар**  
**кўкдан узилган.**  
**Сизни қайси алплар заминга отган?**  
**Балки отган юлдузлар?**

**Мусиқангиз келар қушлар дилидан,**  
**тангри кўзларидан,**  
**баркамол ғамдан.**  
**Оғочлар!**  
**Чайир ялдиэларингиз**  
**юрагимни танирмиқин заминда.**

## **ТУНГИ ШАМОЛ**

Даҳшат сувар жудаям  
кечаси жонсиз япроқ,  
даҳшатлидир кимсасиз  
далада ёлғиз қолмоқ.  
Тошдай ухлаб ётарман,  
ёлғиз сен уйготарсан,  
уйготмасанг, музлаган  
юрагимда қотарсан.

Узоқларда зорланиб,  
сукунатни бузди ким?  
Шамол ўзин ойнакка  
ураётир, суйгилим!

Бўйинингдаги маржонда  
саҳарлар нури ўйнар.  
Нечун ташлаб кетарсан  
мени ёлғиз бу йўлда?  
Кетарсан олис ёққа,  
жон қушим-да сайрамас,  
боғимдаги тоқлар ҳам  
ўткир майга айланмас.

Узоқларда зорланиб,  
сукунатни бузди ким?  
Шамол ўзин ойнакка  
ураётир, суйгилим!

Буткул билмай қолурсан,  
қордай оқ капалагим,  
сенинг ишқинг кўксимни  
ёққанини нақадар.  
Тонг ёришган чоғида  
қаттиқ жала қуяжак,  
қуриб қолган шохлардан  
тўкилади уялар.

Узоқларда зорланиб,  
сукунатни бузди ким?  
Шамол ўзин ойнакка  
ураётир, суйгилим!



# КАНТЕ ХОНДО ДОСТОНИ

---

(1921)



## УЧ ДАРЁ МАНЗУМАСИ

Гвадалнаҳр равон оқар  
зайтунзору поранжзордан.  
Ғарнотанинг икки наҳри  
воҳаларга қочар қордан.

*Ай, севги,  
келдингу кетдинг!*

Гвадалнаҳр мавжларида  
балқиб ёнар анор гули.  
Ғарнотанинг икки наҳри —  
бири қонли, бири мўлдор.

*Ай, севги,  
қуюндай ўтдинг!*

Оқ елкали қайиқчалар  
Севиллада сузар тўлиб,  
Ғарнотанинг сувларида  
фақат сузар оҳу сўлиш.

*Ай, севги,  
келдингу кетдинг!*

Гвадалнаҳр, юксак минор,  
поранжзорда дайдиш шамол.  
Минорлардай ҳовуз узра  
Дарро, Хенил туради лол.

*Ай, севги,  
қуюндай ўтдинг!*

**Доду фарёд, ғам доғини  
оқизарми дарё суви.**

*Ай, севги,  
келдингү кетдинг!*

**Андалуся, баҳрларингга  
оқар тунж, зайтун гули.**

*Ай, севги,  
қуюндай ўтдинг!*

# ЛУЛИ СИГИРИЙЯСИ ДОСТОНИ

---

## МАНЗАРА

Зайтунзор  
очилур, ёшилур  
елпигич каби.  
Зайтунзорга  
чўкар бир осмон,  
совуқ нурлар каби  
қоронги ёмғур.  
Бир сой бўйида  
даг-даг титрар  
қоронгилик ила қамишзор.  
Майиб бўлур кулранг бод.  
Ҳар зайтунда  
лиммолим  
фарёд.  
У, шўрлик  
бандилар галаси,  
қоронгида қушларнинг узун  
думларини ўйнар тув.

## ГИТАРА

Бошлар  
гитар ноласин.

Синар  
тонг пиёласи.

Бошлар  
гитар ноласин.

Сўрма энди  
жимликни.

Бир маромда йиглайди,  
гўё сувлар йиглайди,  
гўё қорлар устида  
ёлғиз шамол йиглайди.

Сўрма энди  
жимликни.

Йиглар қўмсаб  
кимнидир.

Йиглар куйган саҳролар  
камолгул васлин ўйлаб.

Йиглар тонгсиз кечалар,  
бесамак учган ўқлар,

чирқираб баланд шохда  
жон беради бир мурғак,

У, гитара!

Беш ханжар  
қонга бўлган юрак.

## **ФАРЁД**

**Фарёд ёйи  
туташадн тогдан  
тоққа.**

**Зайтунлар гумбазлари  
узра қора камалакдай  
чақнар нилйй кечада.**

**Ай!**

**Таранг турган торларга  
камонча урди фарёд,  
инграр шамол гижжаги.**

**Ай!**

**(Одамлар шағамларни  
ўчиради горларда.)**

**Ай!**

## **ЖИМЛИК**

**Бу жимликни эшит, болам.  
Тўлқинланган бу жимлик,  
сирғалиб чўкади аке-садолар,  
юзларини босар эгилиб  
ҳатто осмон ҳам.**

## СИГИРИЙЯ ЮРИШИ

Қорача қиз кифтларини  
босар қора капалаклар,  
туманинг оқ илонлари  
ўраб келар теварақдан.

*Еп-ёруғ ер,  
ер осмони.*

Жисму жонин битта оҳанг  
титроқлари қийнар бот-бот,  
қондир нуқра юраги ҳам,  
ўнг қўлида ничоғи бор.

Сигирийя, бу телбавор  
оҳанг билан, айт, қайси бир  
ойга йиғиб берадирсан  
толгуллари бўр дардини.

*Еп-ёруғ ер,  
ер осмони.*



## **УНДАН КЕЙИН**

**Болалар қарар  
олис нуқтага.**

**Шамлар сўнар оҳиста.  
Икки сўқир қизбола  
ойга берар саволлар,  
ҳарир йиғи торларни  
бод обкетар самога.**

**Тоглар қарар  
олис нуқтага.**

## **КЕЙИН ЭСА**

**Вақт ковлаган  
горлар  
йўқолди.**

**(Елгиз чўл  
қолди.)**

**Юрак —  
истак булоги  
йўқолди.**

**(Елгиз чўл  
қолди.)**

**Сабухий сароблар,  
бўсалар  
йўқолди.**

**Елгиз чўл  
қолди.  
Тўлқинли чўл  
қолди.**

## СОЛЕА ДОСТОНИ

---

\* \* \*

Ҳадсиз  
кечаларнинг  
тошли макони,  
сокин макони.

(Зайтунзорда шамол,  
дала-даштда шамол.)

Изтироб  
ва шамнинг  
қадим  
макони.  
Чуқур кўллар  
макони.  
Кўзсиз ўлим,  
новаклар  
макони.

(Йўлакларда шамол,  
терақларда шамол.)

## ҚИШЛОҚ

Тогнинг ўрагида  
танҳо жом минор.  
Шан сувлари,  
асрий  
зайтунлари бор.  
Емгирпўшли каслар  
жимликни бузар,  
пирпирак айланар  
жом минор узра.  
Пирпирак айланар,  
айланар  
ҳар чоқ.  
Шўрлик Андалусда  
йўқолган  
қишлоқ.

## **ХАНЖАР**

**Ханжар  
ёриб ташлар юракни  
омоч тиши ерни  
ёргандай.**

*Йўқ.  
Санчилма менга.  
Йўқ.*

**Ханжар  
қуёш ёгдуси каби  
ўт қўяди юрак  
қаърига.**

*Йўқ.  
Санчилма менга.  
Йўқ.*

## **ЧОРРАҲА**

**Шарқий шамол;  
фанору  
ханжар  
юракка  
қадалар.  
Кўча —  
таранг сымлар  
титроғи,  
улкан сўна  
титроғи.  
Тўрт тарафда  
ажал —  
юракка санчилар  
ханжар.**

**АЙ!**

**Сарв соясидан дод  
қолар шамолда.**

**(Бу далада қолайин,  
йиглаб олайин.)**

**Фақат ёлғиз жимлик  
қолди дунёда.**

**(Бу далада қолайин,  
йиглаб олайин.)**

**Гулхан ғажир нурсиз  
уфқ самосин.**

**(Ахир айтдим қолайин,  
бу далада  
йиглаб олайин.)**

## КУТИЛМАГАН ҲОДИСА

Ўлик қолди кўчада,  
кўксияда ханжар.  
Ҳеч ким билмас.  
Осмафонус ўчай-ўчай дер.  
Эна!

Ўх, қандай чайқалар  
кўчадаги бу хира фонус!  
Тонг ёришар. Бирор кас  
кучли шамол очиб кетган  
кўзларига қаролмас.  
Қолиб кетди тошйўлда  
кўксияда ханжар билан  
ағасиз қолган ўлик.



## СОЛЕА

Қора ёпинч кўйлакли,  
дунё кичик, юракни  
баҳайбат деб ўйлайди.

*Қора ёпинч кўйлакли.*

Ўйлар чўкар деб алам  
доду майин сўлишлар  
бод оқими қаърига.

*Қора ёпинч кўйлакли.*

Очиқ манзар эшиги —  
тонг манзардан нарда  
қуйилади осмонга.

*Ай яйяйяй,  
қора ёпинч кўйлакли!*

**ГОР**

**Гордан келар  
бўғиқ фарёдлар.**

**(Қизил  
узра сафсар.)**

**Лўли олис  
юртларни ёдлар.**

**(Миноралар,  
номаълум зотлар.)**

**Овози ҳам  
кўзидан келар.**

**(Қизил  
узра қора.)**

**Оқланган гор  
зарга беланар.**

**(Қизил  
узра оқ ҳам.)**

## **ВИСОЛ**

Сен ҳам, мен ҳам  
истамаймиз  
висолни.  
Сен... ўзинг биласан.  
Ҳаддан ортиқ суйгандим сени!  
Бу сўқмоқдан кетақол энди.  
Кафтларимда  
михлар  
изи бор.  
Кўряпсанми  
оқаётир қон!  
Қайрилмагин,  
кетайлик ажраб,  
Сан Кайтанга  
қилайлик сажда,  
ахир икков  
истамаймиз висолни.

## ТОНГ

Қурдоба занглари  
янграйди тонгда.  
Гарнота занглари  
саҳар мардонда.  
Қизлар —  
Андалуснинг баланд-пастидан —  
туманлар қўйнида  
оҳ урган қизлар  
солеа қўшигин айтишар йиглаб.  
Испания қизлари —  
ингичка оёқ,  
заррин кўйлақларда товланиб юрган —  
қизлар кўчаларни  
тўлдирар нурга.  
Қурдоба занглари  
янграйди тонгда.  
Гарнота занглари  
саҳар мардонда.

## ЁЙАНДОЗЛАР

**Қорамағиз ёйандозлар  
Севилага борадир.**

*Гвадалнаҳр очиқдир.*

**Сербар кулранг қалпоқлари,  
ёпинчлари қорадир.**

*Ай, Гвадалнаҳр!*

**Келишар гам-ғуссаларга  
макон бўлмиш диёрдан.**

*Гвадалнаҳр очиқдир.*

**Киришади тош ва биллур,  
муҳаббатнинг горига.**

*Ай, Гвадалнаҳр!*

**ТУН**

**Шам, мойчироқ,  
фонус, ёнарқурт.**

**Сазга  
буржидур.**

**Тилларанг деразалар  
гира-шира тонг чоғи  
аста-аста тебратар  
хочларнинг қорасини.**

**Шам, мойчироқ,  
фонус, ёнарқурт.**

## СЕВИЛЛА

Севила ёйандозлар  
яширинган минордир.

*Севила яралар,  
Қурдоба ўлдирар.*

Чўзилган мақомларни  
шаҳар тутар ҳаводан,  
сўнг уларни бурайди  
бурама сим сингари,  
ўрар куйиб оловда  
жингак бўлган новдадай.

*Севила яралар!*

Осмон гумбази бўйлаб,  
сувдай тиниқ воҳадан  
саэта учар мангу  
парвоздаги дарёдай.

*Қурдоба ўлдирар!*

Уфқлардан мастона,  
қўшворар шаробига  
Дон-Хуан заққумию  
Диониснинг болинн.

*Севила яралар,  
Ҳамиша Севила яралар!*

## **МАРОСИМ**

**Келишар торкўчадан  
галати яккашоҳлар.  
Келишар афсонавий  
ўрмонданми, қайлардан?  
Яқинлашиб ҳар бири  
мунажжимга айланар.  
Хаёлий Мерлинлару  
одам боласи ҳатто,  
сеҳрланган Дурандарте,  
қаҳри қаттиқ Орландо.**



## НАМОЙИШ

Маржон таққан мадонна,  
оҳ, мадонна Соледад.  
Яшнабсан сувда сузган  
каттакоп бир лоладай.  
Сув юксалган  
шаҳарда,  
нурли қайиқда равон  
ҳам товлана сузасан  
саэталар ёмғирлари,  
чинни юлдузлар аро.  
Маржон таққан, мадонна,  
сузасан бу шаҳардан —  
кўчалар — сойлар бўйлаб  
олме-олме баҳрга.

## САЭТА

Исо алайҳиссалом,  
қорамағиз, сўлиган,  
Иудея гулсафсаридан  
ўтар испан чиннигулига.

*Қаранг, қай йўлдан келар!*

### Испания.

Қоронғи, тиниқ осмон,  
қақраган замин беқут,  
қуриган ўзанлардан  
қочади тасмадай сув.  
Исо алайҳиссалом,  
куйгандир соч пораси,  
чўпдай озғин, оқарган  
кўзларининг қораси.

*Қаранг, қай йўлдан кетар!*

## **МАНЗАР**

**Сазталар  
айтар Лола.  
Тореролар  
тўхтаб қолар.  
Остонада  
ҳатто сартарош  
мақомга мос  
тебратар бош.  
Албаакалар,  
гуллар аро,  
сазталар  
айтар Лола.  
Кечагина  
сувга қараб  
тинчимаган  
ўша бола...**

## ТОНГ

Ёйандозлар,  
севги каби  
сўқирма.

Саэталар  
яшил кечада  
гулсафсарини қайпоқ  
изларини тешадж.

Будутлар ошённи оёй  
тўсини йиртиб судрар,  
бўшаган садоқларга  
тўлиб қолар шудринглар.

Аёй, ёйандозлар,  
севги каби  
сўқирма!

## ҚҰНҒИРОҚ

### *Нақарот*

Сариқ минорада  
қўнғироқ  
даранги.

Сариқ шабадада  
тик сузар  
оҳанги.

Сариқ минор узра  
эрш  
оҳанглр.

Шабада кумушранг  
тўснлар  
йўнади чангдан.



## **ИУЛ**

Қора кийган юз сувори  
қаён борар  
норанжзорга соя солган  
самоларда?

Боролмаслар Севиллага,  
Қурдобага,  
денгизларни соғинган  
Ғарнотага.

Жилонн бўш мудроқ отлар,  
отлар борар,  
қўшиқларни зир титратган  
зуннорзорга.

Юзта фарёд парчинлаган,  
қаён борар  
андалуслик юз сувори  
норанжзордан?

## **ОЛТИ ТОР**

**Гитара,  
ҳаттоки  
тушларимда ҳам йиглар,  
етим кўнгил фарёди  
юм-юмалоқ оғзидан  
бўшлиққа учиб чиқар.  
Ва ўргимчак мисоли  
тўқир улкан ситора  
ушлаш учун қоп-қора  
оғоч ҳовуз сатҳида  
сузаётган зорларни.**



## РАҚС

### ПЕТЕНЕРА БОҒИДА

Боғ шомида,  
олти лўли қиз,  
оқ кўйлақда  
ўйнар тўлиқиб.

Боғ шомида,  
хўб мушқу анбар,  
бошларида  
қоғоз гулчамбар.

Боғ шомида,  
садаф дандонлар  
зулумотни  
чиғиб ёндирар.

Боғ шомида,  
униб ҳарёндап  
соялари  
тегар осмонга.

## ПЕТЕНЕРА ҶЛИМИ

**Оқ уйда жон беради  
кушандася эрларнинг.**

*Тоти отлар ўғрилар.  
Суворилар ўлдилар.*

**Сўниб борар шағамнинг  
юлдузлари қалтираб,  
мис сонларни ўраган  
юпқа титрар ялтираб.**

*Тоти отлар ўғрилар.  
Суворилар ўлдилар.*

**Ўткирлашган соялар  
хира уфққа чўзилар,  
гитаранинг бир тори  
нола қилиб узилар.**

*Тоти отлар ўғрилар.  
Суворилар ўлдилар.*

## ФАЛЛІСЕТА

Ай, лўли петенераси!  
Ай-яй, петенеражон!  
Қизлар сени кўмгани  
келдилар гирён-гирён.  
Қизларки, сочларини  
совга қилган Исога,  
кийиб олган байрамги  
оппоқ ёпинч-ридолар.  
Келди сени кўмгани  
кул бўлгунча куйганлар,  
нафақат юраги-ла,  
боши билан суйганлар.  
Сигмади кўчаларга,  
сигмади йиғи-сиги,  
Ай, лўли петенераси!  
Ай-яй, лўли қўшиғи!

## DE PROFUNDIS

Навқирон юзта ошиқ  
ухлаб ётар абадий  
қақраган ер тагида.  
Андалуснинг йўллари  
узун-узун, қизилдир.  
Қурдоба — зайтунзорда  
юзта оғоч хоч қўярлар  
ўчмасни деб ёдлардан.  
Навқирон юзта ошиқ  
ухлаб ётар абадий.

## **ДАФН МАРОСИМИ**

**Сариқ минорада  
қўнғироқ  
дарангги.**

**Сариқ шабадада  
тши сузар  
оҳангги.**

**Йўлда сўлгин  
зайтун гулчамбарда  
одимлар ўлим.  
Куйлар, куйлар  
эски қўшигин,  
оқ гижжакдай  
куйлар, куйлар, куйлар.**

**Сариқ минорада  
эрир оҳанглар.**

**Шабада кумуш  
тўсинлар йўнади чангдан.**

## ИККИ ҚИЗ

---

### ЛОЛА

Бир норанж тагида  
бўз йўргак чайқар.  
Кўзлари зангори,  
овози сафсар.

Ай, севги,  
норанж тагида гулда!

Анҳорда қуёшнинг  
нури сирқирар.  
Зайтун гужумида  
чумчуқ чирқирар.

Ай, севги,  
норанж тагида гулда!

Ювиб бўлиши-ла  
сўнгги йўргакни,  
келар буқавозлар  
уни кўргани.

Ай, севги,  
норанж тагида гулда!

## АМПАРО

Ампаро,  
ўз уйида доим ёлғиз,  
оқ кўйлакли қиз!

(Настарин ва шомуртлар  
аро экватор.)

Қандайин саз куйлайди  
богингдаги фаввора,  
Саъва тарар сап-сарик  
сайроғини ҳавода.

Оқшомда ипак ҳарфлар  
тушган чоғи палакка,  
сарву қушлар титроғига  
тўлиб кетар фалаклар.

Ампаро,  
ўз уйида доим ёлғиз,  
оқ кўйлакли қиз!  
Ампаро,  
қандоқ айтайин:  
севаман ҳадсиз!

## ФЛАМЕНКО БЕЗАҚЛАРИ

---

### СИЛВЕРИО ФРАНКОНетТИ СУВРАТИ

Итолён ҳам  
испан оҳанглари аро  
қандоқ куйларди  
Силверлио.  
Қўшилганда трунжимизга  
итолён боли,  
оҳ, қандоқ янграрди  
унинг фарёди.  
Ҳаволаган чоғда овози  
қўпориб чиқарди борин,  
ҳар туки тиккайиб кетарди,  
ҳаттоки эрирди  
кўзгу симоби.  
Пардадан пардага  
ўтарди бузмай,  
тагин боғбон эди қўли гул,  
сукунатга шийпон  
қургувчи уста.

Энди унинг навоси  
эрир сўнг садосида,  
баркамол ва боқира  
сўнгги акс-садосида.



## ХУАН БРЕВА

Хуан дароз,  
баҳайбату  
қизовоз.  
Ухшаши йўқ навоси,  
қайгули  
бир пойда етилган  
табассум гули.  
Малага трунжзори  
жонланар навосида,  
айрича таъм қўшарди  
баҳр тузи фарёдига.  
Сўқир Ҳомер сингари  
куйлар эди, сасида —  
нурсиз денгиз қудрати,  
еўлғи нораиш ҳасрати.

## **КАНТАНТЕ МАЙХОНАСИ**

**Биллурий фонуслар  
яшил кўзгулар.**

**Қоронғи зал супасида  
баралла  
Ўлим билан сўйлашар  
Ла Паралла.  
Чорлар,  
аммо келмас,  
Ла Паралла чорлар бот,  
бўғизларда  
қотар дод.  
Яшил кўзгуларда  
узун шойп тасмалар  
тебраниб сузар.**

## СУНГГИ ИЛТИЖО

*Қоп-қора осмонда  
сариқ илонлар.*

Кўзлар ила келувдим,  
сўқир кетгум дунёдан.  
Улуғ дардлар сенёри!  
Мана, ерда —  
рўйжа,  
шам.

Бўлай дедим умрбод  
яхшиларнинг ёнида.  
Охир келдим, худойим!..  
Мана, ерда —  
рўйжа,  
шам.

Сариқ норанж,  
норанжзор,  
норанж отинг шамолга.  
Биласиз-ку ундан сўнг...  
Мана, ерда —  
рўйжа,  
шам.

*Қоп-қора осмонда  
сариқ илонлар.*

## АФСҮН

Титраган құл  
медузага ұхшаб  
шамнинг хира  
кўзини тўсар.

Туз чиллик.  
Очиқ қайчи.

Бухўрнинг оқ  
тутуни ора  
қўл кўрсичқон ва  
капалакка ұхшаб борар.

Туз чиллик.  
Очиқ қайчи.

Қўл қисар кўринмас  
бир юракни, қара,  
бир юракки, зарбини  
шамол қайтарар.

Туз чиллик.  
Очиқ қайчи.

## **MEMENTO**

**Дунёдан қайтганимда,  
мени кўминг гитара-ла  
қумлоқ соҳилга.**

**Дунёдан қайтганимда,  
мени кўминг майсазорга,  
норанжлар орасига.**

**Дунёдан қайтганимда,  
томбошида айланган  
пирпиракка кўмилсам.**

**Дунёдан қайтганимда!**

## УЧ ШАҲАР

---

### МАЛАГЕНЯ

Улим  
кирар  
майхонага.

Утар қора отлар  
ва ёвуз рўйлар  
гитаранинг чуқур  
роҳлари бўйлаб.

Соҳилда титраган  
нардлардан анқиб,  
майхонага келар  
шўртанг қон ҳиди.

Улим  
кирар,  
ўлим кирар,  
кираверар, кираверар  
майхонага.

## ҚУРДОБА МАҲАЛЛАСИ

### ОДДИЙ КЎРИНИШ

Юлдузлар ёгдусидан  
яширидилар бу уйда.  
Йиқилади оғир тун.  
Ичкарида ўлган қиз  
сочларига кўмилган  
қорақизил атиргул,  
дераза сямтўрида  
йиғлайди олти булбул.

Эрлар ўтар хўрсиниб,  
очиқ қўйиб ўтарлар  
гитаранинг кўксини.

## **УЙИН**

Севила шомларида  
Кармен ёниб ўйнайди.  
Сочлари қордай опшоқ,  
ялтирайди кўзлари.

Қизлар,  
ёшнинг пардани!

Этар сариқ илондай  
тасмадай нур бошида.  
Жон ато этар ўйини  
маҳобатли мозийга.

Қизлар,  
ёшнинг пардани!

Кимсасиз кўчаларда,  
пурсиз уйлар қаърида  
андамус юракларини  
қўмсар эски дардларини.

Қизлар,  
ёшнинг пардани!



## ОЛТИ КАПРИЧЧО

---

### ГИТАРА ФОЛИ

Чорраҳа  
доирасида  
ўйнар  
олти қиз,  
Учтаси — теридан,  
учтаси — симдан,  
уларни излар кечаги тушлар,  
лек уларни қўймас оғушдан  
олтин Полифем.  
Гитара!

## **ШАМ**

**Ух, қандай оғир ўйга  
чўмар шамнинг ёлқини.**

**Қарар олтин қаърига  
мисли ҳинди жодугар,  
учар титраб шамолсиз  
бир маъвони орзулаб.**

**Уясидан елимшак  
сояларни бирма-бир  
чўқийди олов лайлак.  
Ногоҳ қарар чўзилиб  
ўлган лўли болапинг  
дум-думалоқ кўзига.**

## **КРОТАЛО**

**Кротало.**

**Кротало.**

**Кротало.**

**Сайроқи чигиртка.**

**Ўргимчакка  
ўхшаш қўлдасан,  
қизиган ҳавони  
уриб бўласан,  
огоч куйларингни  
куйлаб ўласан.**

**Кротало.**

**Кротало.**

**Кротало.**

**Сайроқи чигиртка.**

## **ЧУМБЕРА КУМАНЖИРИ**

**Еввойи Лаокон.**

**Қандай созсан  
ялғи ой чиққан тунда!**

**Қўли кўч човгончи.**

**Қандай созсан,  
шамолга даҳшат сунар!**

**Исмсиз, ҳадсиз  
огриғингни билар  
Дафнаю Атис.**

## **АГАВА**

**Тошқотган саккизоёқ.**

**Тоғ қорини  
кулранг пуштайда тортиб,  
унгурларни тишлаб  
тошдайин қотдинг.**

**Тошқотган саккизоёқ.**

**ХОЧ**

**Хоч.  
(Йўлнинг  
сўнги  
нуқтаси.)**

**Зовурдаги аксга қазар.  
(Қўп нуқта.)**

**ЖАНДАРМЕРИЯ САРҲАНГГИ ҚАТНАШГАН  
САҲНА**

*(Байроқхона)*

**С е р ж а н т**

**Мен жандармерия сарҳангман!**

**С а р Ҳ а н г**

**Худди шундай!**

**С а р Ҳ а н г**

**Биров менга гап қайтармайди.**

**С е р ж а н т**

**Асло!**

**С а р Ҳ а н г**

**Учта юлдузим, йигирмата хоч нишоним бор!**

**С е р ж а н т**

**Худди шундай!**

**С а р Ҳ а н г**

**Мен билан йигирма беш бинафшали ридо кийган  
архиепископ шахсан саломлашади.**

**С е р ж а н т**

**Худди шундай!**

## Сарҳанг

Сарҳангман. Сар-ҳанг-ман. Жан-дар-мерия сар-ҳанг-гман.

*(Тамаки ғутисининг қопқотида кўк, оқ ва тилларанглар товланган боғда қучоқлашиб ўтирган Ромео ва Жульетта тасвири. Кўча тарафдан хирзойи эшитилар.)*

Ойдин, ойдин, ойдиндир,  
эзилиб пишган зайтун.  
Ярқирайди Косорла,  
Бенамеҳда хира тун.

Ойдин, ойдин, ойдиндир,  
ойдан хўроз қичқирар.  
Қизларнинг, сенёр ҳоким,  
ойга мунча тикилар.

## Сарҳанг

Ким ўзи?

## Сержант

Битта лўли.

*(Кавармага кўзлари буқа кўзларига ўзшазан лўли йиғит кириб келар. Сарҳанг кўзларини олайтириб лўлига қарар.)*

## Сарҳанг

Мен жандармерия сар-ҳанг-гман.

Лўли.

Шунақамми?!



**С а р ҳ а н г**

**Ўзинг ким бўласан?**

**Л ў л и**

**Лўлиман.**

**С а р ҳ а н г**

**Лўли ўзи ким?**

**Л ў л и**

**Ким бўса ўша-да.**

**С а р ҳ а н г**

**Отинг нимади?**

**Л ў л и**

**Нямайди-и-и...**

**С а р ҳ а н г**

**Гаини айлантирма.**

**Л ў л и**

**Лўлиман.**

**С е р ж а н т**

**Шахсан ўзим кўрдим, шахсан ўзим ушла-  
дим, шахсан ўзим обкелдим.**

**С а р ҳ а н г**

Қаерда юрувдинг?

**Л ў л и**

Кўприкда.

**С а р ҳ а н г**

Ҳм... қайси сойнинг кўпригидайди?

**Л ў л и**

Ҳамма сойларнинг.

**С а р ҳ а н г**

Нима қимоқчийдинг?

**Л ў л и**

Шакардан минора қураймикин, деб турувдим.

**С а р ҳ а н г**

Сержант!

**С е р ж а н т**

Лаббай, жандармерия сарҳангги жаноби олийлари!

**Л ў л и**

Хаёлимда қапот ясаб роса учдим. Кўкнори ва олтингугурт рангида лабларим ҳам.

**С ар ҳ ан г**

**Ай!**

**Л ў л и**

Қанотам гапми. Шундоғам учовраман. Туморлару  
қора булутлар бўрони бор қонимда.

**С ар ҳ ан г**

**Айй!!**

**Л ў л и**

Норанжларим қаҳратондаям гулловради.

**С ар ҳ ан г**

**Аййй!!!**

**Л ў л и**

Иннайкейин, қорбўрондаям пишовради.

**С ар ҳ ан г**

**Айййй!!!** Гум. Бах. Бух. *(Тил тортмай ўлар.)*

*(Жандармерия сарҳангининг тамаки ва қаҳва ранги-  
даги жони деразадан самога равона бўлар.)*

**С е р ж а н т**

**Ердам берилааар!**

*(Казарма ҳовлисида тўртта соғчи лўлини калтаклай  
бошлар.)*

## **КАЛТАҚЛАНГАН ЛУЛИ АЙТГАН ҚУШИҚ**

**Йигирмата, йигирма икки,  
қулочкашлаб учта зарб яна.  
Тун келганда пўла жисминини  
зарқогозга ўраб қўй, эна!**

**Томоғимга тиқилди жоним,  
сув берингиз, майли, бир қултум.  
Балиқлари, кемалари-ла  
сув берингиз, сув берингиз, сув!**

**Ай, тепамда ўтирган катта,  
ай, жандарм, ай, катта бошлиқ.  
Жисминдаги қонни артгани  
топиларми дунёда ёшлиқ!**

## АМАРГО БИЛАН ГУРУНГ

*(Дашт)*

Садо

Амарго.  
Уйимдаги толгулим.  
Юраги — аччиқ мағиз.  
Амарго.

*(Сербар қалпоқли уч йигит пайдо бўлар.)*

Биринчи йигит

Қоронгига қолдик.

Иккинчи йигит

Ҳадемай тун келар.

Биринчи йигит

Шеригимиз қани?

Иккинчи йигит

Орқароқда келяпти.

Биринчи йигит *(Чақирар.)*

Амарго!

Амарго. *(Баланд овозда.)*

**Ҳозир!**

**Иккинчи йигит.** *(Чақирар.)*

**Амарго!**

**Амарго.** *(Оқиста.)*

**Ҳозир!**

*(Жимлик.)*

**Биринчи йигит**

**Зайтунзорни қара!**

**Иккинчи йигит**

**Жудаям гўзал!**

*(Жимлик чўзилади.)*

**Биринчи йигит**

**Кечаси юришни ёқтирмайман.**

**Иккинчи йигит**

**Медам.**

**Биринчи йигит**

**Тунда фақат ухлаш керак.**

**Иккинчи йигит**

**Тўғри айтасан.**

*(Андалус ёзини қурвақалар қуриллаши ва чигирткалар  
чириллаши босар. Амарго қўлларини белига тираб  
йўл босар.)*

**Амарго**

**Ай яйяйяй.  
Сўроқладим ўлимни.  
Ай яйяйяй.**

*(Унинг дўриллаган овозини эшитган шерикларини со-  
вуқ тер босар.)*

**Биринчи йнгит**

**Амарго!**

**Иккинчи йнгит. (Эшитилар-эшитилмас.)**

**Амарго-о-о!**

*(Жимлик.)*

*(Амарго йўлда бир ўзи. Катта-катта кўн кўзларини  
қисар-да, калта чакмонини белига боғлар. Баланд тор-  
лар қуршовида қолар. Йўл босар-да чўнтагидаги соат-  
нинг тобора баландлаб бораётган овозини эшитар. Шу  
пайт отини ўларига қарамай чоптирган бир сувори  
Амаргога етар.)*

**Сувори. (От жilовини тортар.)**

**Ҳорманг, оғайни!**

**Амарго**

**Бор бўлинг!**

**Сувори**

**Ғарнотагами?**

**А мар го**

**Ғарнотага.**

**С у в о р и**

**Йўлимиз бир экан-да?**

**А мар го**

**Ҳа, бир экан.**

**С у в о р и**

**Отга мингашволинг!**

**А мар го**

**Ҳали чарчаганим йўқ.**

**С у в о р и**

**Малагадан келяппан.**

**А мар го**

**Малагадан денг.**

**С у в о р и**

**Малагада огаларим бор.**

**А мар го. (Ғамгин.)**

**Кўпчиликми?**

**С у в о р и**

**Учта. Уччовиям пичоқчи. Пичоқнинг бозори чаққон.  
Омадлари кеган.**



**А мар го**

Кўз тегмасин.

**С у в о р и**

Пичоқмисан пичоқлар-да, олтиниям, кумушиям...

**А мар го**

Нимадан бўлгандаям, бари бир, пичоқ, пичоқ-да.

**С у в о р и**

Хато сўйладнигиз.

**А мар го**

Кечириб қўясиз...

**С у в о р и**

Олтин пичоқлар юракка осонгина санчилақолади,  
кумуши эса бўғизни новдадай узиб ташлайди.

**А мар го**

Демак, нон кесганин шилатилмасакан-да.

**С у в о р и**

Эрлар ноши қўлда синдиради.

**А мар го**

Бу тўғри...

*(От безовталанар.)*

**Сувори**

**Дрррр, тўхта!**

**Амарго**

**Қоронги-да.**

*(Дўнғир йўл от кўланкасини илондай чўзиб кўрсатар.)*

**Сувори**

**Пичоқ берсам олармидинг?**

**Амаргс**

**Керакмас.**

**Сувори**

**Совга қиламан-ку.**

**Амарго**

**Совга бўлсаям.**

**Сувори**

**Зерим бор, зўрим йўқ.**

**Амарго**

**Ким билади.**

**Сувори**

**Бошқа пичоқлар бир пулга арзимас. Бошқаларнинг пичоқлари қондан қўрқар. Бизникилар яхдай, ту-**

шундингми, санчилмасданоқ энг қайноқ жойни  
танлайдилар-да ўша жойда қоладилар.

*(Амарго жимир. Бир бўлак олтин ёмбисини ушлаган-  
дай ўнг қўли музлай борар.)*

**С у в о р и**

Чиройли пичоқ!

**А м а р г о**

Қиммат бўса керак?

**С у в о р и**

Мундақасини берайми?

*(Олтин пичоқ кўрсатар, пичоқ учи шамнинг ёлқинидай  
совуқ ялтирар.)*

**А м а р г о**

Йўқ дедим-ку!

**С у в о р и**

Мингашвосанг-чи!

**А м а р г о**

Чарчаганим йўқ.

*(От тагин тапир-тупир қилиб безовталанар.)*

## Сувори

Нима бало бўлди ўзи. *(Жиловни тортар.)*

## Амарго

Қоронғи-да.

*(Жим юрадилар.)*

## Сувори

Боя айтганимдай Малагада уч оғам бор. Ишнинг кўзини билишади. Биргина жоменинг ўзиёқ бутун меҳробларни ва қўнғироқ минорасини безашга икки минг пичоқ сотишти. Пичоқларга кема-лар исми ўйилган. Камбагалроқ балиқчилар ойдин кечаларда балиқ ўрнига бизнинг пичоқлар ёриб ташлаган мурдаларни тутармиш.

## Амарго

Чиройли!

## Сувори

Чиройлиям гапми.

*(Тун юз йиллик чоғирдай қуюқлашар. Жануб осмонининг баҳайбат илони бир кўзини оча бошлар. Ухлаётганлар минг хил хушбўйларни шопира турган кенгликларнинг жодуваш оғушларига манзарларидан ўсларини отиб, бўғилиб ўлишдай чидаб бўлмас бир истакдан безовта.)*

## Амарго

Иўлдан адашганга ўхшаймиз.

**Сувори.** *(От жilовини тортар.)*

**Шунақа шекилли.**

**Амарго**

**Гап билан бўлиб...**

**Сувори**

**Апов ёқда Гарнота чироқлари.**

**Амарго**

**Қайдам.**

**Сувори**

**Дунё ҳам катта-да.**

**Амарго**

**Худди қирон келгандай.**

**Сувори**

**Бу сўзлар сенга ярашар!**

**Амарго**

**Юрагим сиқилар. Ай яйяйяй!**

**Сувори**

**Чунки кеп қолдинг. Уёгда нима қиласан?**

**А марго**

**Нима қиласан?**

**Сувори**

**Ўз жойингда туриб, тагин бошқа жойга нега борасан?**

**А марго**

**Нега борасан?**

**Сувори**

**Мана, мен, отда юриб, пичоқ сотаман, агар шундай қилмасам, нима ўзгарар?**

**А марго**

**Нима ўзгарар?**

**Сувори**

**Ғарнотагаям етиб келдик.**

**А марго**

**Наҳотки?**

**Сувори**

**Қара, деразалар ёруғ...**

**А марго**

**Чинданам...**

**Сувори**

Энди йўқ демасдан отга мингашарсан?

**Амарго**

Тагин овгина...

**Сувори**

Мингаша қосанг-чи. Тезроқ. Тонг ёришмасдан ул-  
гуриш керак... Ҳозирча манави пичоқни ол. Мен-  
дан совга!

**Амарго**

**А-аа-ай!**

*(Икковлон бир отда Ғарнотага тугашган қияликдан  
тушиб боради. Олис депарадаги тоғлар тиканак ва га-  
зандаларга бурканиб кўринар.)*

## **АМАРГОНИНГ ЭНАСИ АЙТГАН ҚҰШИҚ**

**Хурмо, толгулларим опшоқ рўйжамга  
боламни йўргаклаб баланд кўтарган.**

**Йигирма еттинчи августнинг туни.  
Тилло пичоқчада сўйдилар уни.**

**Хоч. Қайгу йўлида яёв борамиз,  
манглайи қорайди ҳам қорамағиз.**


**Қўшнилар, илтимос, ёмон бўзладим,  
берворнинг шарбатли қора кўзани.**

**Хоч. Энди йиғламапг, айтинг ҳаммага,  
энди ойда ётар шўрлик Амаргом.**



# БИРИНЧИ ҚЎШИҚЛАР

(1922)



## ЎРАМАЛАР

---

### ЎРАМА

Сарвзор.  
(Қорамтир сув.)

Теракзор.  
(Биллур сув.)

Толзор.  
(Чуқур сув.)

Юрак.  
(Қорачиқ сувви.)

## **СҮНГГИ ҚҰШИҚ**

**Тун келди...**

**Зулматнинг сандонида  
ой ёғдуси пориллар.**

**Тун келди...**

**Кийди ўктам тераклар  
шамолнинг навосини.**

**Тун келди...**

**Келсайдинг сайҳонликка  
қўшиқлар сўқмоғидан.**

**Тун келди...**

**Тўртта терак тагида  
йиғлар эдинг бошимда.  
Тўртта терак тагида  
чўмардим кўзёшингга.**

## **ТУЛИНОЙ**

**Ой сузади. Юлдузлар  
Исинар дам ҳавода.  
Мавж тўрларин кесганча  
тебранади ой сойда.  
Ойни кўзгу деб ўйлаб,  
эгилади тар новда.**

## ТҮРТ САРИҚ МАНЗУМА

---

### I

Баланд тоғ кулласида  
ям-яшил, кўркам оғоч.

*Чўпон келар,  
чўпон ўтар.*

Зайтунзор тушларида  
жазиллаган бир воҳа.

*Чўпон келар,  
чўпон ўтар.*

На сулуви, кўпнаги,  
на ҳасса, подаси бор.

*Чўпон келар.*

Йўқолар тилла доғдай  
бугдойзор орасида.

*Чўпон ўтар.*

### II

Саргайиб кетди  
замин.

*Соя бор, соя бор,  
чўпонвой.*

На юлдуз нури бор,  
на оппоқ ой сузар.

*Соя бор, соя бор,  
чўпонвой.*

Қорача қиз тоқларнинг  
кўзёшларин узади.

*Соя бор, соя бор,  
чўпонвой.*

### III

*Икки қизғиш ҳўкиз  
олтин далада.*

**Юришлари**  
қадим занглар  
садосидай оғир, равон,  
кўзлари қуш кўзларидай.  
Яралгандир улар тонгги  
тумонлар-чун бироқ ҳорғин  
таналари тешиб ўтар  
ёзғи ҳаво норанжзорин.  
Қадимийдир ва хўжасиз  
туғилгандан бу жонворлар,  
салқиб қолган биқинлари  
қанотларни ёдга солар.  
Хўрсинарлар оғир-оғир,  
соғиниб Руф далаларин,  
кечув излаб —

**мангу кечув,  
маст бўлишар ёгдулардан,  
кавшаб-кавшаб жолаларин.**

*Икки қизғиш ҳўкиз  
олтин далада.*

#### **IV**

*Бобуназор осмон  
оралаб кездим.*

**Тушимда ўзимни  
валидек сездим.  
Қўлимга тушганда  
тўлиной мовий,  
баландроқ самога  
қўйиб юбордим,  
худо менга берди  
варду ҳаворий.**

*Бобуназор осмон  
оралаб кездим.*

**Мана ўнгимда ҳам  
кездим далада,  
озурда қизчалар  
бошяни сглаб,  
олтин танга бердим  
ҳар бир болага.**

*Бобуназор осмон  
оралаб кездим.*

# ПАЛИМСЕСТЛАР

---

## I

### ШАҲАР

Ешилди асрий ўрмон  
шаҳар узра.  
Аmmo ўсар бу ўрмон  
теран сувда.

Новаклар чийллаб  
учар ҳар қайда.  
Оқ буталар аро  
овчилар дайди.

Янги уйлар устида  
қарағайлар сурони,  
қийшайгану ойнавад  
нилийлиги осмоннинг.



## II

### ЙУЛАК

Йўлакдан эрта наҳор  
чиқади икки сенёр.

(Осмон  
навқирон,  
олтин  
чароғон.)

Икков юравердилар,  
зиёратчи эдилар.

(Осмон  
оташгоҳ,  
кўм-кўк,  
кўк сиёҳ.)

Жимжит юравердилар,  
қуш овловчи эдилар.

(Ҳарир  
осмон.  
Рангги  
сомон.)

Улар равон одимлар,  
иккови ҳам...

Қорайди борлиқ.

### III

#### БИРИНЧИ САҲИФА

Еришгин, сув,  
тобора!

Мунча тиниқ  
норанж!

Янада кўкар,  
ёриш, сув.  
Кўкда мунча кўп  
учар қуш!

Сув,  
осмон.

Мунча яшил сайҳон!

Осмон,  
сув.

Жавдар мунча  
тар, сулув!

## **СОАТ**


**Нафасни ростлай деб  
Ўтирдим вақт даврасида.  
Қандай тинч макон!  
Оқ доирада  
оқ ором,  
учар юлдузлар ҳам.  
Сузар атрофимда  
Ўн икки қора рақам.**

## **АСИРА**

**Эгилади нозик  
шохчалар  
юрганида қизалоқ —  
ҳаёт.  
Эгилади нозик  
шохчалар.  
Ошпоқ қўлларида  
офтоб кўзгуси.  
Нафис манглайида  
сабоҳ ёғдуси.  
Оқшом қорайганда  
адашиб қолар,  
кўздан шудринг тўкар  
тун асираси.  
Эгилади нозик  
шохчалар.**

# ҚҰШИҚЛАР

(1921—1924)



## НАЗАРИЯЛАР

---

### ЕТТИ РАСИДА ҚЎШИҒИ

(КАМАЛАК НАЗАРИЯСИ)

Бир қўшиқ куйлайди  
етти расида.

(Оқшом гумбазида  
оқшом суврати.)

Етти овозли жон —  
етти расида.

(Оқ ҳавода етти  
узун қуш расми.)

Аста жон беради  
етти расида.

(Нега тўққизта ё  
йигирматамас.)

Оқизиб кетар сой,  
ҳеч ким сўрамас.

## **УМУМИЙ МАНЗАРА**

**Шивит, илон, қамши,  
ҳид ва из, соя,  
ҳаво, ер, ёлғизлик.**

**(Ойга уч зинапоя.)**

## ҲАММАНИНГ ҚЎШИҒИ

**Шанба.**  
**Бог бўсағаси.**

**Якшанба.**  
**Бўз кун.**  
**Бўзарган кун.**

**Шанба.**  
**Ниллий гумбазлар.**  
**Эпкинлар.**

**Якшанба.**  
**Денгизу соҳиллар.**  
**Белгилар.**

**Шанба.**  
**Уруглар**  
**титроғи.**

**Якшанба.**  
**(Севгимиз саргайди**  
**охир.)**



**(ҚҰШИҚ ЕҒДУ БҰЛМОҚЧИЙДИ)**

**Қўшиқ ёғду бўлмоқчийди,  
жисмин тешар фосфор ва ойнинг  
ришталари қоронғиликда.  
Ёғду не бўлишин билмас,  
ёқут кенгликларни айланган пайтда  
тўқнашиб кетади ўзига-ўзи  
ва ҳамиша ўзига қайтар.**

## ОТ ҰЙИНИ

Учар байрам чархида  
байрам кунн қуюндай,  
гоҳ олға, гоҳ орқага  
айланар от ўйинда.

Мовий ҳайит.  
Оппоқ арафа.

Бегим кунлар илондай  
ташлаб туради пўстини,  
байрамлар улгуролмас,  
улгура билмас, ростн.

Мовий ҳайит.  
Оппоқ арафа.

Ахир очигин айтсак,  
байрамлар жуда қари,  
муҳайяру духоба  
киймоқни суяр бари.

Мовий ҳайит.  
Оппоқ арафа.

Биллур юлдузлар аро  
тойчоқларни боғлаймиз,  
бу лола, олис-олис  
диёрдан келди, деймиз.

Қоплонларга ўхшайди  
ола-була тойчоқлар.  
Қандай шириндир норанж,  
сарикдир ой пўстлоғи.

Тезроқ, тезроқ Марко Поло!  
Тойчоқларда йўл олар  
ҳали дунё билмаган  
ўлкаларга болалар.

Мовий ҳайит.  
Оппоқ арафа.

## **ТАРОЗИ**

**Ҳаракатсиз бўлса тун,  
йилдиримдай ўтар кун.**

**Тун жонсиз ва баланд,  
кун баҳайбат қанотли.**

**Тун кўзгулар устида,  
кун шамол оғушида.**

## **ҚАЙТАРМА**

**Учиб ўтар  
из қолдирмай март.**

**Январь эса юксакда фақат.**

**Январь,  
осмон тунин ахтарар.**

**Март-чи, пастда лаҳзалик шарпа.**

**Январь.  
Қари кўзларим учун.**

**Март.  
Тирик кўлларим учун.**

## **ОВЧИ**

**Баланд санобарзор!  
Тўртта каптар учар самода.**

**Тўртта каптар  
қайтар ортга.  
Тўрт кўланка  
қулар потраб.**

**Баланд санобарзор,  
тўртта каптар ерда мисли қор.**

## **МОҲИЯТ**

**Яккашоҳлар.  
Бир кўзли девлар.**

**Олтин шоҳлар.  
Зангори кўзлар.**

**Тўда-тўда ўткир қоялар  
оралаб келишар денгизнинг силлиқ  
қуйма тошларидек таналарини  
чор-атрофга намойиш қилиб.**

**Яккашоҳлар.  
Бир кўзли девлар.**

**Қорачиқларида  
айланар қудрат.**

**Бу ўткир шоҳларга яқинлашгани  
кимда бор журъат?**

**Оппоқ нишонларинг  
очма, табиат!**

**(АСАД ОЙИ)**

Асад ойн,  
ширу шаккар шафтоли ойн.  
Кун туради шом шафағида  
зардолиннинг дапағи мисол.

Сариқ тишларини кўрсатиб,  
кулар макка сўтаси узоқ...

Асад,  
болаларга тагин тотлидир  
жайдари нон, пишиб кетган ой.



## **МАСХАРАВОЗ**

**Қизил қуёш маммаси,  
нилий ойнинг маммаси.**

**Ярми оқ, ярми абраш  
кумушранг бир танадир.**

## **КЕСИЛГАН УЧ ОҒОЧ**

**Учта гумбаз.**

**(Кундуз келди кўтариб болта.)**

**Икки гумбаз.**

**(Жон халпида кумуш қанотлар.)**

**Битта гумбаз.**

**Биттаям охир...**

**(Ялангоч кўл ётарди сокин.)**

## ДЕРАЗАДАН КЎРИНГАН МАНЗАРАЛАР

---

### I

Ой юксакда.  
Пастга қочар шамол.

(Узун нигоҳларим  
чўзилар самога.)

Ой ҳовузда.  
Ой устида шамол.

(Қисқа нигоҳларим  
чўзилар самога.)

Иккита қиз овози.  
Борамап ҳаво жари  
билан ҳовуз ойидан  
осмондаги ой сари.

## II

Бир қўл ярим кечаси  
деразамни очар жим.

Қорамағиз, сувдан ҳўл,  
билакузук таққан қўл.

Ниллий тўзон ҳавода —  
жоним ўйнар дарё-ла.

Осма соатда шу пайт  
беланади қонга вақт.

### III

Кечаси деразадан  
бошгинамни чиқардим,  
томоғимдан сирғалди  
ўткир шамол тиглари.

Шунда бор истагимнинг  
кўзи йўқ бошларини  
бу жодининг тагига  
аста ташлай бошладим.

Ногоҳ тўлдирди бўйга  
трунж чексиз лаҳзани,  
шамол эса сабоҳнинг  
тар гулига айланди.

#### IV

Қорамтир бир ҳовузда  
чайқалади ўлик қиз.  
Боши узра олманинг  
шоҳлариям сўлгиндир.

Сарсон бўлиб бошида,  
балиқ чорлар ўртага.  
«Қизгина» дейди шамол,  
қиз ётгандай жўрттага.

Сузар сув ўтларида  
сочлари пардалардай.  
Шамол тегиб бақадай  
сапчир кўк маммалари.

Дуомизни қабул эт,  
денгизнинг илоҳаси,  
олма тагида ётган  
қизни топшир худога.

Қўйдим бир жуфт ошқовоқ  
қиз ёнига шу заҳот,  
токим сувда чайқалсин,  
шўр денгизда, ай, танҳо.

## БОЛАЛАРГА АТАЛГАН ҚУШИҚЛАР

---

### ОВРУПОДА АЙТИЛГАН ЧИН ҚУШИҒИ

Елпайса тинмас  
хўбрўй илгида,  
хўбрўй ўтар салқин  
сой кўпригидан.

Кабалеролар  
турар мпл каби,  
панжарасиз  
кўприкдан қараб.

Елпайсали хўбрўй  
қизмисан, қиз-да,  
тинимсиз учади  
битта эр излаб.

Кабалеролар  
бари уйланган,  
бариди сарвқомат  
ўктам сулувлар.

Чигирткалар куйлар  
фақат гарб учун.

(Хўбрўй сайхонликдан  
ўтади учиб.)

Чигирткалар гуллар  
тагида сайрар.

(Кабалеролар ҳам  
шимолга қарар.)

## СЕВИЛЛА ҚУШИҚЧАСИ

### НОРАНЖЗОРДА

Норанжзор оралаб  
келади саҳар.  
Тилларанг арилар  
излайди асал.

Қайдасан,  
эй, асал!

Мен мовий гулдаман,  
Исавел.  
Уша саёҳатчи  
мовий гулда, кел!

Ўзига курсининг  
ёқар олтини.  
Зумрад курсига  
чорлар хотинин.

Норанжзор оралаб  
келади саҳар.



## **ЧИҒАНОҢ**

**Денгиз чиганогин беришди менга.**

**Харитадаги  
денгизларнинг гулдирашини  
эшитиб қолдим.  
Зулмату нуқрадан яралган  
суву балиқлар  
юрагимга тўлди лиммолим.**

**Денгиз чиганогин беришди менга.**

**(КАЛТАКЕСАК ИНГРАЙДИ)**

**Калтакесак инграйди,  
Зайфаси йиглайди.**

**Эру хотин, иккови  
тутиб олган оқ этак.**

**Калтакесак хонимча  
йўқотибди шоҳонак.**

**Вой, олтин шоҳонагим,  
тилаб олган ёлғизим.**

**Улкан осмон, кимсасиз  
тогда қушлар хониши.**

**Дум-думалоқ капитан —  
шойи камзулли қуёш.**

**Қаранг, қанчалар қари,  
кўзларидан оқар ёш.**

**Калтакесак инграйди,  
зайфаси йиглайди.**

## **МАНЗАРА**

**Оқшом кийди адашиб  
аёзнинг кўйлагини.**

**Болалар дарчалардан  
саргайган ёлғиз дарахт  
қушларга дўнаётган  
далага қарар карахт.**

**Оқшом олис дарёда  
чўзилган бир паллада  
ногоҳ сопол томларда  
яшнаб кетди аланга.**

## **ТЕНТАК ҚҰШИҚ**

**Ойи.  
Кумуш бұлайин.**

**Совқотасан,  
қўй, ўғлим.**

**Ойи.  
Ирмоқ бұлайин.**

**Совқотасан,  
қўй, ўғлим.**

**Ойи.  
Тякиб қўйғин болишга.**

**Хўп бўлади,  
ҳозироқ.**

## АНДАЛУС ҚҰШИҚЛАРИ

---

### СУВОРИ ҚҰШИҒИ

(1860)

Қора ойнинг тагида  
ялтирар чарм тасмалар,  
қаболлар ҳам жаранглар.

Қорача от, қорача,  
қайга борар ўлиб қолган сувори?

...Гўёки йиғлар биров,  
тош қотган қароқчининг  
қўлидан тушар жилов.

Совуган от, совуган,  
қайси гулнинг ҳиди аққир ханжардан?

Қоп-қора ой тагида  
қон сачрайди Морена  
тоғининг ёнбағрига.

Қорача от, қорача,  
қайга борар ўлиб қолган сувори?

Қора ойнинг тагида  
санчилади юлдузлар  
тунининг улкан сағрига.

Совуган от, совуган,  
қайси гулнинг ҳиди келар ханжардан?

Қора ойнинг тагида  
бир фарёд ва оловнинг  
эшилган узун шохи...

Қорача от, қорача,  
қайга борар ўлиб қолган сувори?

## **САЙРОНА АДЕЛИНА**

**Баҳрда нораңлар йўқ.  
Севиллада йўқ севги.  
Қорача қиз, ёндим-ку,  
шамсиянгни бериб тур.**

**Трунж сўқни ичгандай —  
кўкараар кофур юзинг —  
сўзларниг — балиқчалар —  
бошимда юрар сузиб.**

**Баҳрда нораңлар йўқ.  
Оҳ, севги!..  
Севиллада йўқ севги!**

**(ЧАНГ БОСГАН МАЙМУНЖОН)**

**Чанг босган маймунжон,  
меванг билан қил меҳмон.**

**Тикону қон. Кел яқин,  
мени суйгин, мен — сени.**

**Кўкиш зулмат — мевангни  
тилимда эзайин бир.**

**Кечаси қўлга тушсанг,  
қўйвормасдим оғушдан.**

**Ҳой қаёққа, ҳовлиқма?  
Ҳали бор чин ошиқлар.**

## **(ҚИЗИМ КЕТДИ САНАМОҚ УЧУН)**

**Қизим кетди санамоқ учун  
денгиз мавжи, соҳил тошини,  
ногоҳ йўлда учратиб қолди  
Севилянинг шўх дарёсини.**

**Қўнгироқлар ҳам нилуфарлар  
аро бешта қайиқ чайқалар,  
эшаклари сувга ташланган,  
елканларин ўйнар шабада.**

**Севилянинг юксак минори,  
минорадан тикилган кимдир?  
Бешта садо янграр жавобан,  
беш шоҳонак жаранглаб тинди.**

**Қиргоқлар қумлоқ дарёни  
миниб олар сувори — осмон.  
Беш шоҳонак садоси титрар  
нимпуштиранг ҳавода ҳамон.**



## ОҚШОМ

*Сой сувига Лусиям  
оёқларини солдимиз*

Учта улкан сапидор  
ва битта ситора.

Ҳовузлар жимлигини  
тишлаворган бақалар.  
Яшил ойлар доғига  
тўлган ҳовуз чайқалар.

Қуриган битта огоч  
сувда турар — сояли —  
қават-қават доира  
ясаб яшнаиб бошлади.

Сувга боқиб гарноталик бир  
қорамағиз қизни ўйладим.

## СУВОРИ ҚЎШИҒИ

Қурдоба.  
Олпеда ёлғиз.

Қорача от, баҳайбат ой,  
зайтунларга хуржун тўла.  
Иўлни яхши билсам ҳамки  
етолмасман Қурдобага.

Водий бўйлаб, шамол бўйлаб,  
қорача от, ой ҳам олдир.  
Қурдобанинг миноридан  
ўлим менга назар солди.

Ай, мунчаям чўзилди йўл!  
Ай, довюрак отим, учгин!  
Ай, ўлимга келарман дуч  
Қурдобани кўрмай туриб.

Қурдоба.  
Олпеда ёлғиз.

## **БУ РОСТ**

**Сени мен суйганимдай  
суймак қандай жасорат!**

**Азоблар энди борлиқ:  
ҳаво, юрак, ҳаттоки  
соябонли қалпогим.**

**Рўмол тўқимоқ учун  
тасма билан шонани,  
қайғунинг оқ ипини  
энди кимга сотайин?**

**Сени мен суйганимдай  
суймак қандай жасорат!**

## (ОҒОЧ-ЭЙ, ОҒОЧ)

Оғоч-эй, оғоч,  
қуриғану ёш...

Зайтунзордан саҳарлаб  
зайтун терар хушрўй қиз.  
Минорадан тушган шамол  
қучоқлаб олди қўққис.  
Тўрт андалус байталида  
етиб келди тўрт сувори,  
узун қора ёпинчлари,  
камзуллари яшил, мовий.  
«Қурдобага кетдик, гўзал».  
Қиз индамай қилар ўсал.  
Утар қувноқ уч тореро,  
заргалдоқранг шойи либос.  
Белларини сириб боглаб,  
шамширлари қадимий, хос.  
«Севилага кетдик, гўзал».  
Қиз индамай қилар ўсал.  
Оқшом чоғи, сийрак сафсар  
кўланкалар ётар чоғи,  
ойдин варду оқ гулларни  
ўсмир узиб чиқар богдан.  
«Ғарнотага кетдик, гўзал».  
Қиз индамай қилар ўсал.

Чиройли қиз зайтунзордан  
зайтун териб юрар ҳамон,  
кулранг шамол қизболанинг  
кифтларидан қучар ёмон.

Оғоч-эй, оғоч,  
қуригану ёш...

## СОЯЛИ УЧ СУВРАТ

---

### ВЕРЛЕН

Айтилмаган  
бир қўшиқ  
лабларимда ухлайди ҳали.  
Айтилмаган  
бир қўшиқ.

Хушбўй дукчўп авжида  
бир шиллиққурт ярқирар.  
Ой найзаси санчилган  
сувда анвор барқ урар.

Кўзим кетди, тушимда —  
айтилмаган  
бир қўшиқ.

Титраётган дудоқлар,  
заҳҳор сойлар қўшиғи.

Зулматга чўкиб кетган  
соатларнинг қўшиғи.

Еруг кун узра анвор  
отган юлдуз қўшиғи.

### ВАКХ

*Қўл тегмаган яшил овоза,  
анжир менга шохларин чўзар.*

*Қора қоплон каби пойлайди  
илҳомининг сояларини.*

*Ой итларни санар пайдар-пай.  
Адашади, бошлар қайтадан.*

*Эртаю кеч юрдинг оғриниб,  
яқинлолмай дафназоримга.*

*Сени қандоқ олқаб суярдим,  
алмаштириб берсанг юрагим.*

*...Тўлқинланиб, кўтариб фарёд,  
анжир менга қараб юрди бот.*

## II ХУАН РАМОН ХИМЕНЕС

Чексиз оқ сукунатда —  
қору оқ гул, туз кони —  
қолди унинг хаёли.

Одимлар оппоқ бир раиғ —  
каптар болу паридан  
тўқилган бир гиламда.

Азобланар хаёлдан,  
кўрдай қотиб эшитар  
титроғи навосини.

Чексиз оқ сукунатда  
хаёли ёруғ, улкан  
бир жароҳат қолдирар.

### ЗУҲРО

*Сени шундоқ кўрдим*

*Ботиб оппоқ тўшакка  
жонсиз, гўё уйқуда —  
луччак гул ва шабада —  
ётибсан мангу нурда.*

*Деразадан бир дунё —  
соя, сурпга ўралган  
бир дунё ўзгарётган  
юзларингга мўралар.*

*Муҳаббат қаърларидан  
балқдинг, ишқнинг воласи.  
Чойшабнинг хубобида  
сочларинг куломаси.*



### III

#### ДЕБИЮССИ

Жимжитгина, шалаббо  
кўланкам сузар сойда.

Юлдуз сайлар бақалар  
кўланкам турган жойдан.

Андомим кўлкаланган  
бинога ўхшаб қолар.

У сиёхранг, баҳайбат  
чивиндай юра бошлар.

Чирилдоқлар найистон  
нурин зарлаб қўйдилар.

Сойдан қайтган найистон  
нури балқир кўксимдан.

#### НАРГИС

*Ҳой, валад!*  
*Сойга тушиб кетма, ҳой!*

*Сойда битта гул кўрдим,  
гулғунчада оқар сой.*

*Қара, қуш учди! Қара,  
битта сариқ қуш учди!*

*Кўзларим милмиллаган  
аҳзар сувларга тушди.*

*Е, худойим! Ҳой, валад,  
сув бўйидан қоч бесар!*

*Атиргул... ҳозир боргум...  
Валад сасин сув кесар.*

*Ғойиб бўлар. Англарман,  
тилим лол сўйлай десам.*

## УЙИНЛАР

---

ИРЕНА ГАРСИАГА

(Оқсочга)

Далада  
бирин-кетин  
ўйнар дароз тераклар.  
Тўртта баргли  
виҳол ҳам  
ўйнар юрак-юракдан.

Эй, Ирена!  
Чиқ тезроқ,  
яқинлашар жалалар.  
Қорлар яқин,  
ўйнагин,  
бу зангори далада.

Ўйна,  
кўм-кўк даврада,  
ўзим жуфтнинг бўлайин!

Ай, мунчаям  
қочқоқ сув!  
Ай, юрагим ўйнайди!

Далада  
бирин-кетин  
ўйнар дароз тераклар.  
Тўртта баргли  
виҳол ҳам  
ўйнар юрак-юракдан.

## ҚИЗБОЛАНИНГ ҚУЛОГИГА

Асло,  
сўйламаган бўлардим асло.

Кўзларингга бир қарадиму  
кўриб қолдим ногоҳ  
чайқалар бахт, эпкич, тиллодан  
бино бўлган иккита оғоч.

Асло,  
сўйламаган бўлардим асло.

## **(ОДАМЛАР КЕТАР МАҲЗУН)**

**Одамлар кетар маҳзун,  
изларидан борар куз.**

**Кетардилар бош эгиб  
ям-яшил зулмат сари.  
Хўрозлари хуржунда,  
бўзларди гитарлари.  
Уруғлар салтанатин  
босиб ўтишар йироқ.  
Хаёл сурарди дарё,  
милтирар эди булоқ.  
Куйган юрак,  
тезроқ ур!**

**Кетардилар бош эгиб  
ям-яшил зулмат сари.**

**Изларидан келар куз,  
юлдузлари саргарган,  
алҳони ҳам босилган,  
суви сокин мавжланган.  
Оҳорланган кўксида  
огир боши осилган.  
Шагам юрак,  
тўхтаб тур!**

**Одамлар кетар маҳзун,  
изларидан борар куз.**



## ҚУШИҚ ОҒОЧИ

Ҳамон овоз титрайди,  
титраётган шохчадай  
ўтган кунги шамолдан,  
ўтиб кетган қайғудан.

Тун бўйи далада қиз  
гамгини куйлаб улоқди,  
хўи интилди тутай деб,  
тутолмади ул шохни.

Ай, Қуёш! Ай, тўлиной!  
Тутолмади, йинглади.  
Юзлаб кулранг гуллар ҳам  
оёғига илашди.

Ўзи ҳам энди дўнди  
ўтган кунги шамолдан,  
эски гам титроғидан  
куйлаётган шохчага.

**(НОРАНЖ ВА ТРУНЖ)**

**Норанж ва трунж.**

**Ай, қиз,  
ай, севги қизи!**

**Трунж ва норанж.**

**Ай, қиз, -  
ай, сафед қизи!**

**Трунж.**

**(Қандай тиниқ  
кун нури.)**

**Норанж.**

**(Шурдай чинни  
сувларда.)**



## **ГУНГЛАР КЎЧАСИДА**

**Епиқ дарчалардан тикилиб қараб,  
қизлар табассумин ўйнатар яйраб.**

**(Бўм-бўш роял торларида  
моҳир анкабутлар ўйнар.)**

**Сочларин силкита, кўзларин қиса,  
йигитларга висол тайинлар қизлар.**

**(Елпайсалар, рўмолчалар,  
чечан қўллар дунёси сўйлар.)**

**Қора чакманларин ўйнаб силкитиб,  
қанотли жавоблар берар йигитлар.**

## ОЙ ҚҰШИҚЛАРИ

---

### ОЙ ЧИҚҚАНДА

Ой чиққанда борлиқда  
тин олар қўнғироқлар,  
қалин ўрмон, чаңгалда  
ярақлайди сўқмоқлар.

Ой чиққанда чайқалар  
замин уммонга ўхшаб,  
чексизликда йўқолган  
бир оролга ўхшар қалб.

Ой тўлишган кечада  
саргайган боғлар ора  
пўртаҳолмас, музлаган  
гўралар ейди одам.

Ой тўлишган кечада  
бир қиёфа, бир онда  
саноқсиз кумуш танга  
фарёд қилар ҳамёнда.

## ТУШНИНГ ИККИ ОЙИ

I

Ой ўликдир, ўлик аммо  
унга ҳаёт берар баҳор.

Агар терак бошида бир  
жанубий бод учса гир-гир.

Агар сабук оҳу сўлиш  
ҳосилига юрак тўлса.

Агар томлар ёйиб қўйса  
майса босган кўлкаларин.

Ой ўликдир, ўлик аммо  
унга ҳаёт берар баҳор.

II

Оқшом куйлайди жўшиб,  
куйлар поранжга қўшиқ.

Сингилчам ҳам куйлайди:  
поранж каби бўлди ер.

Ой ҳам йинглайди юм-юм,  
поранждек бўлайин деб.

Бу, болакай, мумкинмас,  
гарчи тарсан, пуштиюз,  
ҳатто трунж бўлмассан,  
минг афеус!

## **ТОНГДА УЛГАН**

**Кеча түртта ойлидир,  
дарахти эса танҳо,  
фақат бир кўланкаси,  
битта ёлғиз қуши бор.**

**Изладим баданимдан  
дудогинг изин йироқ,  
сал тегизиб лабини  
шамолни ўшар булоқ.**

**«Иўқ» сўзинг кафтимадир,  
эсдалик қилдинг ўзинг,  
сранчдай сариқ трунж,  
деярли оқ бир сўзинг.**

**Кеча түртта ойлидир,  
дарахти бир кўлкали.  
Ай, бигизнинг учида  
шўрлик ишқим тўлганар.**

## **БИРИНЧИ ЙИЛ**

**Манглайимдан босарсан,  
қандай қадим туйғу бу.**

**Энди қогоз не керак,  
қалам, санъат — уйқу бу.**

**Ўхшарсан яронгулга,  
гоҳо абраш савсанга.**

**Хоҳишимдан, айтақол,  
не кутасан, ойбадан?**

## **ИККИНЧИ ЙИЛ**

**Ой санчади денгизга  
узун нурли мугузин.**

**Яшил ва бўз яккашоҳ  
ҳуши оққан, титраган.**

**Осмон улкан нилуфар  
каби сузар бўшлиқда.**

**Елгиз ўтарсан, туннинг  
энг сўнгги кўлкасидан.**

**ГУЛ**

**Ёмғир мажнунтоли  
ерга ёйилди.**

**Ошпоқ шохлар узра  
ёнган ой нури!**

### ЛУСИЯ МАРТИНЕС

Лусия Мартинес,  
қизил ипак сояси.

Нур, зулматдан қорилган  
тунга пайваст сонларинг.  
Мониюлёнг яширинча  
қаҳрабони қорайтар.

Келдим, Лусия, келдим,  
очай деб дудогингни,  
тарай деб сочларингни  
сабоҳинг чаноғида.

Истадим, атай келдим,  
қорол ипак сояси.

## **СЕРЕНАДА**

**Ойдин дарё қиргогида  
рутубатга тўяр шом ҳам,  
Лолитанинг кўкрагида  
муҳаббатдан ўлар шохлар.**

**Муҳаббатдан ўлар шохлар.**

**Ялангоч шом куйлар ҳамал  
узра учган кўприкларда.  
Лолитанинг кифтларига  
настарицдан ёғар бўйлар.**

**Муҳаббатдан ўлар шохлар.**

**Анис олма, нуқра туни  
порлар томда нур уфуриб.  
Кўзгу, шарра нуқраси ҳам  
оқ сонларинг анис нури.**

**Муҳаббатдан ўлар шохлар.**



# ДУНЁНИНГ НАРЕҒИДА

---

## САҲНА

Баланд миноралар.  
Узун дарёлар.

## Ҳ у р

Тақиб келдим, бармогимда  
аждодингдан қолган шоҳонак.  
Ҳанузгача ер тагидаги  
юзлаб қўллар уни соғинар.

## М е н

Сезгандайини титрар қўлларим  
шоҳонакнинг тимсолини -- сонсиз  
бармоқларининг улкан гулини.  
Шоҳонакни тақмасман асло.

Баланд миноралар.  
Узун дарёлар.

## ЛОҲАСЛИК ВА ТУН

Ариқуши  
қоп-қоронги  
бир огочнинг авжида.  
Гўлдирад тунги осмон,  
шабада ҳам алжирар.

Май, мотамдан хотира —  
тинмай учта маст жаврар.  
Қалайи юлдузлар ҳам  
айланар меҳварида.

Ариқуши  
қоп-қоронги  
бир огочнинг авжида.

Чаккаларнинг огригин  
босар онлар чамбар.  
Сен сукутда. Ҳаёсиз  
қўшиқ айтар бу мастлар.  
Сирар, сирар ипакни  
оддийгина қўшигининг.  
Ариқуши,  
Чур. Чур. Чур.  
Сайроқи ариқуши.

## ГУНГ БОЛА

Шаҳзода-чигиртка яшириб қўйган  
овозин излайди болакай.  
Шудрингли гултожлар оралаб бўйлаб,  
овозин излайди болакай.

Овозим тонсайдим битта гаройиб  
узукча ясардим ўзимга.  
Яшириб, жимликни асардим доим  
узукнинг мунчоқдек кўзига.

Шудрингли гултожлар тўши оралаб  
овозин излайди болакай.  
Яшил чигирткага бурканиб олган  
овозин янгарди олимпиада.

**НИКОҲ**

**Шоҳонакни  
отворинг сувга.**

**(Қўронгилик бўйвимга  
қўйиб турар қўлини.)**

**Отинг сувга. Бўлди, бас,  
юз йил борман. Сукунат!**

**Савол берманг, керакмас.**

**Шоҳонакни  
отворинг сувга.**

## **ВИДО**

**Агар ўлсам,  
очиб қўйинг манзар эшигин!**

**Пўртаҳол ер болалар богда.  
(Кўринади менга манзардан.)**

**Ўроқчилар ўрмоқда бугдой.  
(Эшитилар менга манзардан.)**

**Агар ўлсам,  
очиб қўйинг манзар эшигин!**

## ҚАСДИ ЖОН

*Балки бу сени билмаслик  
оқибатидир, хандаса.*

Қун найзага келар маҳали  
эс-хушидан айрилар ўемир.

Юраги ҳам латта бинафша  
ва эзилган қанотга тўлди.

Лабларида қимирлаётган  
сўнгсўзини сезиб қолди у.

Қўлларида қўлқоплар каби  
ерга тушди икки ҳовуч кул.

Кўршиади манзардан минор,  
қўшилади минор ва манзар.

Тебрангичи тўхтаган, милсиз  
соатдан вақт тикилиб қарар.

Оқ диванда ногоҳ андомин  
тархларини пайқаб қолади.

Хандасавий чизикдай ўемир  
кўзгу томон отар болтани.

Бузар, босиб кетар ётоқни  
зулумотнинг улкан оқими.

## МУҲАББАТ

---

### ИЛК ИСТАК ҚҰШИҒИ

Кўкарган саҳарда  
юрак бўлсанг.  
Юрак.

Етилган оқшомда  
булбул бўлсанг.  
Булбул.

(Кўнгил,  
норанждай товлан!  
Кўнгил,  
шиқдай оловлан!)

Яшнаган саҳарда  
ўзинг ўз бўлсанг.  
Юрак.

Сўлиган оқшомда  
бир овоз бўлсанг.  
Булбул.

Кўнгил,  
норанждай товлан!  
Кўнгил,  
шиқдай оловлан!

## **КИЧКИНА МАДРИГАЛ**

**Богингда  
тўрт анор бор.**

**(Олгин, янги  
юрагимни ол.)**

**Богингда  
тўрт сарв бўлур.**

**(Ол, эски  
юрагимни ол.)**

**Қуёш билан ой.  
Сўнгрог...  
Бўлур на дил  
ва на бог!**



## **АКС САДО**

**Юзин очди  
сабоҳ гули.**

**(Эсингдами  
оқшом туби?)**

**Ой хушбўйин  
тўккан чоғи.**

**(Эсингдами  
ёз нигоҳи?)**

## РОҲАТНОМА

Ҳадеб менга берасан савол:  
— Айтгин, нечун келади баҳор?

Ўзимгаям бу нарса мушкул,  
иғнаси кўп арчадай бу сир.

Милёнтача белгисиз ийўлни  
кўрсатади милёнта қўли.

Билолмасдан ўзим ҳайронман,  
нечун бунча шошар дарёлар.

Овозим ҳам кўзингда куйган  
бир осмонда осилиб турар.

Кел, ўйнагил, қорамағизим,  
япроқларим орасида жим.

Айланайлик осмон тагида  
муҳаббатнинг чархпалагида.

Балки баҳор сирин жилмайиб,  
айтварасан ўзинг билмайин...

## ҒАРНОТА ВА 1850

Садлар ортида ҳар зум  
шилдираб оқадв сув.

Узумнинг бармоқ каби  
навдасида тураркан  
қуёш нури чўзилиб  
етмак бўлар юракка.

Августининг осмонида  
булоқлар орасида  
булут нурга кўмилган,  
туш кўраман ўнгимда.

## МУҶАДДИМА

Тераклар ҳам гойиб бўлар,  
кўлда қолар ойдин излар.

Тераклар ҳам гойиб бўлар,  
аммо шамол қолар бизга.

Чўзилади пастак осмон  
тагида бир кафанли бод.

Аммо қолар шамолдан сўнг  
сойлар узра оққан садо.

Ёнарқуртлар босар ёдим,  
чўкиб кетар аяворларда.

Ушоққина юрак бирдан  
яшнаб кетар бармоқларда.

**(ЯШИЛ ОСМОН ТУБИДА)**

Яшил осмон тубида  
яшил юлдуз мўлтирар.  
Қандоқ асрай севгини,  
шу ғам мени сўлдирар.

Эрир баланд минорлар,  
эрир совуқ туманда.  
Энди қандоқ кўриндик  
дарчаси берк бу уйда.

Яшил осмон тубида  
яшил юлдуз мўлтирар,  
кўрмайин юз минорни,  
кўрмайин қор қўйида.

Хавотирим жоңлироқ  
бўлмоғи учун беҳад  
қин-қизил табассум-ла  
ясатиб қўймоғим шарт.

## СОНЕТ

Кумушранг бир узун шариа мисоли  
титратиб тунги бод хўрсинар огир,  
кулранг қўл-ла кўҳна ярамни очиб,  
бот ҳавас ишқида учар қайгадир.

Ҳаёт ҳам бахш этур севги ярасин,  
озод бўлур мангу қон-ла тоза нур,  
очилган ярадан дарду нафис ин  
тонажак тилини тишлаган булбул.

Ай, бошим тўладир форам суронга,  
совуқ гўзаллигинг сузган бир жойда  
соддадил гулларни ётдим қучоқлаб.

Саргариб оққанда югурик сувлар,  
қочётган қонимни шимар қиргоқда  
хушбўй гиёҳлару ўт-ўлан, бурган.

## ХУЛОСА ҚЎШИҚЛАРИ

---

### БОШҚАЧА ОҲАНГДА

Водий кечасига қутурган бугу  
шоҳидан битта тож кийдирар гулхан.  
Дузлар ухлар. Фақат бедордил шамол  
гижинглаб ўзича айланиб юрар.

Мушук қўзларидай ғамгин, саргайган,  
тутун туриб қолган шишадай ҳаво.  
Дарёга эргандим шоҳлар оралаб,  
изимдан дарёга чўзилди шоҳлар.

Қўшиқлар қўшиғи каби жонланар  
бузилмаган дунё — ёввойи, тиниқ.  
Найистон ва зулмат оралиғида  
туриб Федерико аталмоқ қизиқ.

**НОЯБРЬ  
ВА АПРЕЛЬ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ**

**Оқ осмонга тикилиб,  
оқариб кетди кўзим.**

**Аелига қайтсин учун  
кўзларимга суртаман  
сап-сариқ гулни.**

**Аmmo бари беҳуда,  
кўзларим рангсиз, оппоқ.**

**Кифтларим аро тўлиб  
ўйнайди тилло кўнглим.**

**Апрель осмонин кўриб,  
кўкариб кетар кўзим.**

**Жонлантирай деб бир оз  
кўзларимга суртаман  
оқ атиргулни.**

**Беҳуда, бари абас,  
оқраиғ кўкка қўшилмас.**

**Кифтларим аро сўлиб,  
ўйнамас сўқир кўнглим.**



**(СУВ, ҚАЕРГА БОРАСАН?)**

**Сув, қаерга борасан?**

**Дарёларда товланиб  
денгизлар қирғоғига.**

**Баҳр, нима истайсан?**

**Дарёларнинг бошида  
бормиш сокин булоқлар.**

**Терак, нима гапинг бор?**

**Мен ҳеч нима демайман.  
Мен... титрарман.**

**Не истайман, истамайман  
дарё билан баҳрдан.**

**Тўртта каптар жимгина  
ўтиради теракда.**

## **СОХТА КЎЗГУ**

**Ҳали тар новдага  
қуш қўнгани йўқ.**

**Қайтган садо бедард,  
қайғусиз, аянчлидур.  
Одам ва Беша.**

**Йиғлаймано, йиғлайман  
машъум варта бўйида,  
кўзларимда чайқалиб,  
икки баҳр ўйнайди.**

## **МАРТ БОҒИ**

**Олмажоним, олма,  
шоҳларнингда соялар, қушлар.**

**Учар хаёлим,  
ойдан шамол қошига учар.**

**Олмажоним, олма,  
қўлларнинг ҳам гуллай бошлади.**

**Мартда январнинг  
ҳамон оқдир чакка сочлари.**

**Олмажон...  
(ўчган шамол).**

**Олмажон...  
(улкан осмон).**

## СОҲИЛДАГИ ИККИ ДЕНГИЗЧИ

### I

Юракда бир балиқчани  
олиб келди чин баҳридан.

Гоҳ ялтираб ўтар балиқ  
қорачигин қаър-қаърида.

Норанжлару майхоналар  
ўчиб борар хотирадан.

Сувга қарар.

### II

Янги совун каби тилин  
сўзлар ювди, юнқа бўлди.

Дунё текис. Баҳр кулола,  
баҳру кўкда шан ситора.

Кўрди Роҳиб манзарларин,  
қора қизлар маммаларин.

Сувга қарар.

## ҚУРИГАН НОРАНЖ ҚҰШИҒИ

Утинчи!

Кесиб ташла кўлкамни.  
Улкан қуртни қатл қил,  
бепарлигим кўрмайини.

Кўзгулар аро зорман:  
соямни кўреатар кун.  
Бирдан барча юлдузда  
нусахамни кўпайтар тун.

Яшолмасман қурт каби!  
Тирилтирар тушларим  
момиқлар, чумолилар,  
япроқлару қушларни.

Утинчи!

Кесиб ташла кўлкамни.  
Улкан қуртни қатл қил,  
бепарлигим кўрмайини.

## КЕТАЕТГАН КҮН ҲАҚИДА ҚУШИҚ


Қандай огир, кундузим,  
қолдириб кетмоқ сени.  
Мен-ла тўлиб кетарсан,  
келарсан билмай мени.  
Қандай огир, машаққат —  
кўкрагингда кетар чоқ  
беҳаловат дақиқалар  
ҳаловатин қолдирмоқ.

Персей сени ҳар оқшом  
гуллардан халос қилар,  
кетарсан тоғлар ошиб,  
товонларинг ёрилар.  
Сени олиб қололмас  
на вужудим, фарёдим  
ва на ўзинг мудраган  
огуши зар дарёлар.

Дум-думалоқ нурингни  
элтаман Тонгдан Шомга,  
улкан нуринг жонинни  
асрар ўткир азобда.  
Қандай огир элтмоқлик  
тонгдан шомгача тўзиб,  
шамоллар — қўлларингни,  
қушларингни, кундузим.

# ЛҮЛИ РОМАНСЕРОСИ

(1924—1927)



F. d. h. i. n. y. a. n. i. h. i. n. a.

## ОЙ ҲАҚИДА РОМАНС

Келди налгар горига ой  
настариндан ўраб рўмол.  
Қарар, қарар бола фақир.  
Бола фақир тикилар лол.  
Ой қўлларин ёзиб, ўйлаб,  
сўлқиллатиб қалай тусли,  
беору пок кўкракларин,  
олар тунги шамош ҳушин.  
Беркиниб ол, ойим, ойим!  
Келиб қолса лўлилар гар,  
юрагингдан сандонларда  
оқ ҳалқалар зарб қилишар.  
Қўрқма, бола, қўрқма сира,  
сен лўлилар келган тобда  
сандонга бош қўйиб ётгин,  
уйғонмассан сира хобдан.  
Беркин ойим, ойим, ойим!  
Туйдим олис от дунурин.  
Қўрқма, бола, бироқ босма  
оҳорланган ипак нурим.

Отлиқ елар йироқлардан  
ноғорадай чалиб дузини.  
Шўрлик бола муз сандонга  
бош қўйганча юмар кўзини.

Зайтунзордан бришка туш —  
лўлилар ҳам чиқиб келар,  
бошларини тутиб балад,  
кўзларини қисиб келар.



Ух, қайси бир оғоч ёқдан  
додлаворар бойқуш гариб.  
Ой боланинг қўлчасидан  
ушлаб кетар осмон сари.

Ногоҳ гордин янгра фарёд,  
хотин-халаж қий-чувлари.  
Шамол эса кезар бедор.  
Шамол кезар ушлаб-ушлаб.

## ПРЕСПОСА ВА ШАМОЛ

Дафиназору биллур тўла  
гира-шира ойдин роҳда  
ойдай дафни Преспоса  
дараңлата уриб ўйнар.  
Ситораси ўчган жимлик  
суронлардан қочар нари —  
балиқ тўла тунни ўйнаб  
шофирётган денгиз сари.  
Олис қорли чўққиларда  
инглистонлар яшаган оқ  
қўрғонларни гир қуршаган  
соқчиларни босар мудреқ.  
Ўйнашиб сув лўлилари,  
ҳамлаларга чоғланишиб,  
эгар нақшин горлар сари  
сапобарнинг шохларини.

Ойдай дафни Преспоса  
дараңлатар экан ногоҳ  
найдо бўлар кўз ўнгида  
баҳайбат бир ёмон шамол.  
Бу яланғоч Христофордир,  
самовий тил, жисми кабир,  
қарар қизга ҳам вишиллер  
найнинг хунук саси каби.

Ҳой, лўли қиз, этагингни  
бир кўтариб, қайра ташлай,  
қорингдаги кўк атиргул  
қўлларимда турсин яшнаб.

Преспоса ойдай дафни  
ташлаб қочар жонҳолатда.  
Ўйнаб чўғдай шамшириви  
шамол қизни қува бошлар.

Совир денгиз тўлқинлари.  
Бот бўзарар зайтунзорлар.  
Куйлар горлар сурнайлари,  
огир зангни чалар қорлар.

Преспоса, тезроқ, югур,  
ахзар шамол етиб олар!  
Преспоса, тезроқ, югур,  
кифтларингга човут солар!  
Юлдузлардан ерга тушган  
ярқираган тилли Сотир.

Преспоса санобарзор  
узра савлат тўкиб турган  
инглистонлар консулининг  
қўрғонига ўзин урар.

Қиз додини эшитган чоқ  
чолиб келар апил-тапил,  
беретларин қийшиқ кийган,  
қора тўнли учта ҳарбий.

Бир бордоқда сут обкелиб,  
лўли қизга тутар биров,  
бирав майли фпнжон тутар,  
бечора қиз ичмас бироқ.

Йиглаб-сиқтаб одамларга  
не бўлганин сўйлар беҳол,  
ташқарида том сополини  
аччигидан гажир шамол.

## ДАСАРА

Ваҳимали жарлик узра  
ёвузлашган қон барқиди  
Албасетнинг пичоқлари  
балиқлардай ярқирайди.  
Ёритворар чўзилган нур  
қояларнинг яшил бағри,  
ялт-юлт этар суворилар  
ёноқлари, отлар сағри.  
Қари зайтун авжларида  
икки кампир солади дод.  
Адоватнинг новвослари  
четанларни бузади бот.  
Қанотлари Албасетнинг  
тигларига менгзаб кетар  
қора, хомуш малаклар-да  
рўмолу қор сувин элтар.  
Хуан Антонио Монтиля  
отдан жарга қулар ногоҳ,  
сафеангулга тўла жисми,  
чаккасида порлар анор.  
Ўлимнинг тик йўлидан у  
учар мисли олов зуннор.

Жандармлар гурае-гурае,  
зайтунзордан елар бўйлаб.  
Тўкилган қон эса инграр  
илондай жим қўшиқ куйлаб.  
Энди сенёр жандармлар:  
дунё шундоқ кўп қадимдан.

**Карфагендан бешта одам,  
тўртовлон ўлган Римдан.**

**Телба бўлиб анжирлару  
лаҳча чўғдай садолардан,  
ҳолсиз оқшом аста чўкар  
қонталашган жароҳатга.  
Гир айланиб учиб қолар  
жарлик узра, фалакларда  
кокиллари узун-узун,  
зайтуни жонли малаклар ҳам.**

## ТЕЛВАКЕЗИҚ РОМАНСИ

Яшил, сени суйдим, яшил,  
Яшил шамол. Яшил шохлар.  
Денгизда бўш сузар қайиқ,  
тогда ўтлаб юрар от ҳам.  
Белга қадар шомги туман  
зулматига чўкиб ўйлар,  
яшил сочли, яшил танли,  
нуқрадаини совуқ кўзлар.  
Яшил, сени суйдим, яшил.  
Лўли моҳи қизарган чоқ,  
бор нарсалар унга қарар,  
у борлиқни кўрмас бироқ.

Яшил, сени суйдим, яшил.  
Юлдузларни қиров босган,  
балиқ каби силлиқ зулмат  
тиник тоғлар йўлини очар.  
Ғадир-будур япроқларни  
анжир бодга ниқаб қолар.  
Тоғ баҳайбат жайра каби  
бир лаҳзада ҳурпайиволар.  
Ким келади? Қайдан келар?..  
Турач четан довини бўйлаб,  
яшил сочли, яшил танли,  
ёвуз денгиз ҳақда ўйлаб.

Ошна, жон деб алишардим  
шу отимни ҳужрасига,  
кўзгусига жабдугим бор.

пичоқ берай кўрпасига.  
Ошна, қара, қонга ботиб,  
келадирман Кабра ёқдан.  
Гар ихтиёр менда бўлса,  
алишардим ўйлаб турмай.  
Аммо менам мен эмасман,  
меникимас бу ҳужра ҳам.  
Ошна, жуда ўлгим келар  
ўз уйимда, ўз катимда,  
бўлсайди ўз шамчирогим,  
яна холланд чойшаби ҳам.  
Ошна, қара, томогимдан  
тўшимгача тиг ёрворгап.  
Кўрдим, оппоқ кўкрагингда  
уч юз абраш гул қорайган.  
Белбоғингда қон ивиган,  
қон ҳидига тўла дуз ҳам.  
Аммо менам мен эмасман,  
меники ҳам эмас уй ҳам.  
Ҳеч бўлмаса, чиқайин бир  
манов баланд панжарага,  
оҳ, чиқайин, кўройдинда  
нурлар жавлон уриб ётган  
панжарадан ларзон-ларзон  
сувлар рақсин кўрайин-да.

Мана, баланд панжарага  
яқин келар икки ошна.  
Изларидан судралар қон,  
изларидан қолар ёшлар.  
Гира-шира чироқлар ҳам  
мил-мил ёнар томлар узра,  
юз минглаган биллур дафлар  
тонгининг тотли хобин бузар.

Яшил, сени суйдим яшил.  
Яшил шамол. Яшил шохлар.

Мана, икки ошна етар.  
Олиб келар бод йироқдан —  
огизларда таъми қолар  
шувоқ, арман ва ялпизнинг.  
Ошна, қани ялпиздан ҳам,  
сафродан ҳам аччиқ қизинг?!  
Неча тунким кўргим келди,  
неча тунким шажарадай —  
бир парча юз, қора танли —  
боқди яшил панжарадан.

Лўли қизнинг юзи ойдай  
сузар яшил ҳовуз узра.  
Яшил сочли, яшил танли,  
нуқрадайин совуқ кўзлар.  
Сув мавжида қиз юзини  
тутиб турар ой синиги.  
Кеча уйлар ўраб олган  
майдончадай ҳоли, сирли.  
Шуида даста маст жандарм  
эшиқларни муштлаб урди.  
Яшил, сени сўйдим, яшил.  
Яшил шамол. Яшил шохлар.  
Денгизда бўш сузар қайиқ,  
тогда ўтлаб юрар от ҳам.



## ЛУЛИ РОҲИБА

Мўрду оҳак жимжитлиги.  
Гулхайризор сайҳон чети.  
Роҳиба қиз зард шойпга  
гулишаббўй тикар бетин.  
Фонуснинг оқ қалноғида  
етти монл қуш пириллар.  
Олие черков қорни катта  
айиқ мисол тик приллар.  
Мунча яхши! Мунча позик!  
Ёнар гуллар зард шойида.  
Ҳофизанинг бор гулларни  
тикиб олеам деб шошилар.  
Рагини инетан тасмасидан  
шомурт гули, кунгабоқар!  
Шийпон, қамар тагин гули  
заъфарон ҳам кўзни ёқар.  
Ўчоқ ёқдан бешта поранж  
тогли, ширни бўй тарайди,  
Бу Алмерий ёқда пишган  
Исонинг беи ярасидир.  
Ўтар кўркам икки отлиқ  
роҳиба қиз кўз ўнгидан.  
Бир тўлганиб тушди кўксен  
эриган энг сўнги сасдан.  
Бирдан қотди зор нигори  
олие қирлар сари боқиб.  
Ногоҳ шакар, ҳулво тўла  
қалби титраб, синди охир.  
Ўҳ, йиғирма офтоб билан

қандоқ қалқиб кетар воҳа!  
Хаёлнинг гож сойлари ҳам  
мунча жавлон уриб оқар.  
Бироқ тагин кашта тикар,  
жатак-жатак пардада ҳур  
экин билан шахмат ўйнар  
уйқу босган оқшомги нур.

## ҒАР

Олиб кетдим сой бўйинга,  
ишонибман ҳали қиз деб,  
кўпни кўрган жувон экан.

Сант-Ягонинг хушбўйи туши,  
таранг қилиб, ийган чоқда  
бирдан ўчди бор фонуслар,  
ёнди минглаб чирилдоқлар.  
Ўтиб сўнгги муюлишдан  
қўйинига қўл солдим аста,  
яшнар қайноқ эмчаклари  
настарингул каби кафтда.  
Оҳорланган калта лозим  
шир-ширидан юрак ўйнар,  
худди ўнта пичоқчадан  
йиртилади шойи кўйлак.  
Қора тортган оғочзорлар  
авжлари ҳам тунга сингар,  
сойдан нари, йироқларда  
осмон ҳурар минглаб итдай.

Маймунжонлар ўраб олган  
қамши қалин ўсган гумда  
тушимиш фитна сочлари ҳам  
қолиш каби намчил қумга.  
Сплтаб ечдим бўйинбогим,  
чит қўйлагин ечди сулув.  
Тўппончали камарни — мен,  
тўрт белбандин ечворар у.

Ялтир-юлтир кофур бадан —  
нард гулидан форам, нафисе —  
шандир шабий ойнакларда  
сузган ойнинг нури каби.  
Тўрга тушган балиқлардай  
типирчилар оппоқ сонлар,  
гоҳ оловдай гурлаб ёниб,  
гоҳо муздек бўлиб қотар.  
Гўзал тунда саҳар ёққа  
олиб қочди мени қайсар —  
узанги ҳам жилови йўқ —  
садаф каби оппоқ байтал.  
Ёвуз пшқдан телба бўлиб,  
айтган ширин сўзлари сир.  
Уша тунги ишлардан сўнг  
сал одобли бўлсам арзир.  
Ўнич ва қум тўла жисми,  
қолганини бўлмас айтсам.  
Қўниб кетган шамол билан  
қиличвозлик қилди сафсан.

Ўзимни сўнг лаҳзагача  
жўмард лўли каби тутдим.  
Совга қилдим айрилар чоқ  
заррин гулли катта қути.  
Учратмадим қайтиб сира —  
кезиб бошқа гўшаларни,  
гўзал тунда сой бўйида  
қизман деган ўша гарни.

## ҚОРА ҒАМ ҲАҚИДА РОМАНС

Ғира-шира тоғдан пастга  
Соледад қиз тушар чоғда  
тонгни излаб ҳадеб қора  
ерни чўқир хўрозлар ҳам.  
Мисдай сариқ танидан от,  
туман, зулмат бўйи келар.  
Сархуш сандон кўкракларин  
бутун чўлга куйлаб келар.  
Бемаҳалда, ҳой, Соледад,  
кимни излаб юрибсан, айт?  
Керак бўлса, излайман-да,  
сенга нима, не яшинг бор?  
Балки излаб юрғандирман  
ўтган шодлик, ўзимни зор.  
Ай, Соледад, шўришим, ай!  
Агар қайсар бўлса байтал,  
ташлар ўзин шум денгизга,  
чиқмагай ҳеч ундан қайта.  
Эсга солма денгизни, қўй,  
қора ғам ҳам зотан гўзал  
баргаклари даҳшат сунган  
зайтувизордан пастда ўсар.  
Ай, Соледад, шўришим, ай!  
Сени эзган қандай ғамдир,  
ёшинг — трунж суви, оғзинг  
қапоатдан аччиқ таъмдир?  
Қандай буюк ғамдир! Уйда  
телбадай бош урдим садга,  
икки ўрим соч судралди

ташдан ичга, ичдан ташга.  
Қандай гамдир! Адо бўлдим,  
жулдур кийган либосларим.  
Нафис кўйлак, лозим қайда!  
Қизгалдоқдай тар сонларим!  
Хўжагатнинг сувин ичиб,  
шабнамларда чўмил фақат  
ҳам нотавон юрагингни  
ўз ҳолига қўй, Соледад!

Пастда куйлаб оқар дарё,  
чайқалади осмон, боғлар.  
Гуллар эса ошқовоқранг —  
янги нурдан кияр тожлар.  
Ай, лўлининг қора гами!  
Мангу узлат, поклар гами!  
Яширинган сирли сойлар,  
милтираган тоғлар гами!

## **САН-МИКОИЛ**

### **(ҒАРНОТА)**

Қават-қават панжаралар,  
тоғлар, тоғлар, яна тоғлар,  
оқ хачирлар, кўлкалари  
ёнбағирдан ўрлаб борар.

Чексиз тунлар зулумоти  
кўзларини ўраб, қийнар.  
Соқин ҳаво қаърларида  
ғижирлаб шўр тонглар синар.

Осмон оқёл хачирлардан  
юмшб тиниб кетган кўзин,  
лаҳза сайин музлаётган  
кўлкаларга тилар тўзим.  
Ҳеч ким қўлин урмасин деб,  
сойлар кийди муздан кўйлак.  
Тоғлар, тоғлар, тоғлардаги  
ёввойи ҳам очиқ сувлар.

Сан-Миконл баланд миноср  
тоқчасида қомати шан,  
пойин байроқ ва чироқлар  
чамбараги ўраб олган.

Бир малакки, ўргатилган,  
соат тунги зангин чолур,  
қаҳрин ечиб, андалибнинг  
болу парин кийиб олур.  
Тагин туйиб олис кенту  
гуллар бўйин нафасида,

куйлар уч минг ном ўемири  
куйлар ойна қафасида.

Денгиз эса ойли манзар  
қўшиқларин айтар форам,  
ойдин соҳил бўйлаб сирли  
шивирлайди қамшзорлар.  
Мана, Мадрид қизлари ҳам  
там-там юриб борар, шабий  
туман аро думбалари  
сайёралар каби кабир.  
Келар ўктам йингитчалар,  
ғамгин юзли аёллар ҳам,  
куйиб қўмсар ўтган кунги  
булбулларни хаёлларда.  
Ва оқшомги ибодатда  
заҳил юзли, қари, сўқир,  
манилалик озгин роҳиб  
бандаларга ваъзин ўқир.

Сан-Миконл миноранинг  
тоқчасида олар ором,  
порлоқ шакл юнқасида  
тунги осмон суврати бор.

Сан-Миконл бир қиролдир  
тоқ рақамлар, самовотга,  
фарёдлару нигоҳларнинг  
арабий бир назокати.



## САН-РАФОНИ

### (Қурдоба)

#### I

Дилижонлар тезлаб борар  
қип-яланғоч румий андом  
қатларини мавжлар ювган  
қамини ўсган соҳил томон.  
Гвадалнаҳр очур бағрин,  
ўйма баргу биллур тошлар,  
кирчил булут кўлкасига  
ёндош чўкар дилижонлар.  
Ғилдираклар изларин тун  
яширган чоқ қайта-қайта  
фоний дунё ғам-ғуссасин  
тўқиб куйлар болакайлар.  
Қурдобани қўрқитмас ҳеч  
оқшом билан келар ғафлат,  
шом қўрқинчли қасрларин  
қурса ҳамки қават-қават,  
тамал тошин беркитолмас —  
анвор сочур тоза мармар.  
Заъфар тоқи тенпасида  
кулранг осмон тоқларига  
тикиб чиқар сабук шамол  
нафис, митти япроқларин.  
Кўприкда ўн зарби билан  
баҳр берган чоғда хабар,  
вайрон садлар аро напа  
олиб ўтар савдогарлар.

Сувда тикиб қўяр икки  
 Қурдобани ёлғиз балиқ,  
 қамишзорнинг Қурдобаси  
 билан сангин Қурдобани.  
 Ориқ, заҳил болакайлар —  
 Товит, Мерлин толиблари  
 либосларин отар ҳарён  
 сув бўйида ҳолсизланиб.  
 Улар қитмир савол бериб,  
 яъни, гуллар ранги билан  
 ой рангида фарқ борми деб,  
 балиқни хўп мазах қилар.  
 Бироқ балиқ зарлаб сувни,  
 мрамрларга кўлка ташлаб,  
 қачонлардир сарадиблик  
 парча либос кийган малак  
 қават-қават тўлқинлардан  
 бешик, сурон тошган ерда  
 болаларга бир устундай  
 турмоқликка имкон берар.

Сувнинг ёлғиз балиқчаси.  
 Қурдобалар гўзал, лобар.  
 Бир Қурдоба мавжлар узра,  
 ниллий кўкда бир Қурдоба.

## САН-ЖАБРОИЛ

(Севилла)

### I

Ойдин қамиш каби гўзал,  
елкадору қизбел, шабий  
тош олмадай юзи равшан,  
шахло кўзи, ҳазин лаби,  
асаблари тордай таранг,  
кўчаларда танҳо дайди.  
Амирконий чуваклардан  
синар мийно гулдай ҳаво,  
кўкнинг фоний мотаминда  
қарсиллатиб юрар равон.  
Турса денгиз қирғоғида,  
ўсал бўлур ўктам хурмо,  
маҳобатли қироллар ҳам  
ҳатто йўлчи юлдуз Зухро.  
Агар бошини қўймоқ бўлса,  
яшма тошдай сийнага ул,  
бир воҳани излаб қолар  
эгилиб тиз чўккани тун.  
Тунлар малак Жаброилни  
гитаралар олқаб қолар,  
у каптарлар ҳамроҳидир,  
нафрати бор мажнунтолга.  
Сан-Жаброил, гўдак она  
қурсоғида йиғлар кезде  
сенга либос олиб келган  
лўлиларни қўйгин эслаб.

Анунсасон де лос Рейес  
 қамар, жанда кийиб юрган,  
 қоңқаларни очар пешвоз  
 ташқаридан келган нурга.  
 Яқин келар жилмайиб оқ  
 гунафшалар тутган нойиб,  
 бошин эгар Хиралданинг  
 жигарбанди Сан-Жаброил.  
 Заррин камзул гуллариди  
 чирилдоқлар сайрагандай.  
 Ситоралар буржи бирдан  
 чучмўмага айлангандай.  
 Сан-Жаброил, учта севинч  
 кўкрагимни паррон бузди.  
 Юзларимга сулаи гулдай  
 тароватин сочди нуриг.  
 Тангри шоҳид, Анунсасон,  
 қорамагиз, ажойиб ой.  
 Наеиб қилгай сулув ўгил —  
 сабодан ҳам хушбичимроқ.  
 Сан-Жаброил, айланайин!  
 Жаброилжон, кўзим нури!  
 Сенга лойиқ жой топилмас,  
 кўрси тўқий чиннигулдан.  
 Тангри шоҳид, Анунсасон,  
 жанда кийган бир ситора.  
 Бўлгай ўғлинг кўкрагида  
 битта хоч ҳам учта яра.  
 Сан-Жаброил, айланайин!  
 Жаброилжон, хушим огди!  
 Ҳалитданоқ илиқ сутдан  
 чап эмчагим ёмон огдир.  
 Тангри шоҳид, Анунсасон,  
 сулолага она — ўзинг,

лўлиларнинг йўлларини  
тунда ойдин қилур кўзинг.

Гўдак куйлар қурсоғида  
Анўнасон ҳушсиз турар.  
Титрай бошлар чақалоқнинг  
огзида уч бодом гўра.

Юксалар кўк зинасидан  
Сан-Жабронл малаклардай.  
Дасторгуллар каби ёнғай  
юлдузлар ҳам фалакларда.

## СЕВИЛЛА ПУЛИДА АНТОНИТО ЭЛ КАМБОРОНИНГ ҲИБС ҚИЛИНИШИ

Антонито Торрес Эрредя,  
Камборонинг жўмард ўгли,  
чивиқ ўйнаб Севиллага  
корридани кўрмоқ бўлиб  
борар, яшил ойдан ҳатто  
қорамағиз, хушрўй, дароз.  
Жингалаксоч ҳалқалари  
манглайида ярқирар соз.  
Ярим йўлда тасма қилиб  
трунж кесар, тагин узиб  
кесар, отар, тилло каби  
саргаргунча сувнинг юзи.  
Ярим йўлда паноҳ бермас  
унга қалин, бута-шоҳлар,  
жандармнинг тўрт соқчиси  
қўлларини қайриб боғлар.

Кифтларида шомни судраб,  
уфққа аста қайтади кун  
торреродай пўшин ёйиб,  
қора тортар баҳрул очун.  
Зайтунлар жад нафасини  
сабот билан кутар ҳамон.  
Рух тоғлардан етиб келар  
йўрга отни минган шамол.  
Антонито Торрес Эрредя,  
Камборонинг жўмард ўгли,  
беш учбурчак қуршовида  
зуннор каби боғлиқ қўли.

Антонио, наҳот бу сен!  
Отанг ўгли бўлсанг зора,  
очар эдинг тигнинг билан  
бешта қонли фавворани.  
Сен Камборо ўгли эмас,  
ор-номусян йўқотган кас.  
Бир пайт тоғда лўлиларга  
ҳатто ажал қоларди танг!  
Эҳ, ўтибди ўшал мардлар,  
ул тигларни босибди занг!

Очилар бот турмахужра  
шомги соат тўққиз пайти.  
Бешта соқчи шарбат ичиб,  
туш қаърига кетар қайтиб.  
Елилар бот турмахужра  
соат тўққиз бўлган ҳамон,  
Ярқирарди қора байтал  
сағри каби тунги осмон.

## АНТОНИТО ЭЛ КАМБОРО ҰЛИМИ

Гвадалнахр қиргогида  
янграр ўлим доди бехос.  
Кўхна додлар аро учар  
чиннигулдай ёниқ овоз.  
Қобон каби ёв пойларин  
жон-жаҳди-ла тишлар қумда.  
Кўпикланган делфин мисол  
гир айланар сўнг ҳужумда.  
Ёв қонига ол ёшлигини  
чилаб олар жон ҳалпида,  
бироқ ҳолсиз йиқилар у  
тўртта ўткир тиг зарбидан.  
Ситоралар тунги сувга  
санчган маҳал найзаларин,  
бузоқларнинг тушларига  
кирган маҳал гул, майсалар.  
Гвадалнахр қиргогида  
янграр ўлим доди ногоҳ.

Антонито Торрес Эрредя,  
Камборонинг мард эркаси,  
яшил ойдан ҳам қорача,  
чиннигулнинг ёниқ саси.  
Гвадалнахр қиргогида  
жонингга ким қасд айлади.  
Ога-нин Эрредялар,  
бенамехлик тўртта хешим  
қасд айлади кўролмасдан,  
пайт нойлади эрта-кечни,



чунки долчин чувак кийдим,  
узук тақдим бармогимга,  
жисмим суман ва зайтундан  
қорган эди худойим ҳам.  
Ай, Антонито Камборо, ай,  
лойиқ эдинг маликага!  
Сигин Биби Марямга тез,  
жонинг қолди таҳликада.  
Ай, Федерико Гарсиа, ай,  
соқчиларга қилгин аён.  
Узолмасман ердан бошим  
узилган бир бошоқсимон.

Учта зарба, учта қизил  
жароҳатли рўйи сўлар.  
Тирик нишон, бунақасин  
энди сира қуйиб бўлмас.  
Бир фаришта гамгин келиб  
болниш қўйиб кетар шу чоқ.  
Ҳолсиз бошқа бир фаришта  
ёқиб қўяр қорачироқ.  
Бенамехга қайтган маҳал  
тўртта қотил, ога-нини,  
Гвадалнаҳр қиргогида  
ўлим саси буткул тинди.

## ИШҚДАН ҲЛГАН ҲСМИР

Эна, айтгил, анов баланд  
йўлакларда қандай ёлқин?  
Қонқаларин ёпгин, болам,  
соат ўн бир бўлди, ётгин.  
Эна, кўзим, шқсиз кўзим  
куйдирар хўн тўртта шуўла.  
Болам, балки баландликда  
хотинлар мис лаган ювар.

Ой — саримсоқ бўлагидай —  
бўзариб марг қийноғидан,  
ташлар сариқ жомминорга  
саргинш сочлар кўнгироғин.  
Тун бўйлайди манзарларини,  
ойналарини чертиб турар,  
тун шарпасин таниб қолган  
минглаб итлар бирдан ҳурар,  
қоп-қоронғи манзарлардан  
май саргимтир бўй уфурар.

Шамолнинг ҳўл қампишлари,  
яна қари додлар, саслар  
бузилган тун осмонининг  
тоқларига тегиб, қайтар.  
Ухлар ҳўкиз, гуллар, фақат  
тўртта шуўла газабланган  
Георгийнинг қаҳридай шан  
порлар баланд манзарларда.  
Хотинлар ҳам йинглаб тушар,

музлаб борар қурбон қонч,  
узилган бир гулдай сўлгин,  
қаттиқ гўё ўсмир сонч.  
Фарёд қилар оқсоч сойлар  
қараб туман тўнган тоққа,  
саннаб айтар эрлар исмин  
говларга дуч келган чоқда.  
Тун кўрнимини катак-катак  
оқ деворлар, манзарлардан.  
Тор кўчалар гармон иссол —  
ўйнар лўли, малаклар ҳам.  
Эна, жоним чиққан маҳал  
сенёрларга қилгин аён.  
Шимолга ҳам, жанубга ҳам  
жўнатворгини кўк дилгиром.  
Етти фарёд, еттита қон  
етти сафсар ёвон кўкнор  
долонларда ой нурларин  
қорайтириб, айлади хор.  
Кесилган минг қўллар билан  
гултожлардай тошиб тенгсиз,  
даҳшат солиб гумбурлади  
қасам ичиб қўйган денгиз.  
Қопқаларни бузмини осмон  
мудҳини ўрмон шов-шуви-ла,  
тунда баланд манзарлардан  
чорлаб турар тўртта шуъла.

## ЎЛИМГА МАҲКУМ ЭТИЛГАН ҲАҚИДА РОМАНС

Э воҳ, чексиз ёлғизлигим!  
Менинг кичик кўзларим ҳам,  
отнинг катта кўзлари ҳам  
тунлар ором билмай бир дам  
хобнинг ўн уч қайиқчаси  
сузган жимлик кишваридан  
ўзга ёққа ҳеч қайрилмас.  
Қисматимнинг покиза ҳам  
қаҳри қаттиқ қароллари  
мен-ла хомуш турар қараб  
зирва, маъдан шимолига,  
унда дарё узра руҳим  
жонсиз қўлда муз қарталар  
дастасини чийлайди жим.

Сойнинг оғир новвослари  
ойнинг мавжли мугизлари  
узра қувшаб чўмлётган  
болаларни туртиб сузар.  
Босқончалар сандонларда  
тушдагидай янграр ҳорғин,  
келар, дейди, бедор отда  
кўз юммаган бир сувори.

Ингирма бешинчи июнда  
Амаргога келди мактуб:  
Ҳовлинидаги ўсиб кетган  
толгулларни қўпорсанг, оз,  
дарвозанига зуннор чизиб,

тагига ўз исминини ёз.  
Бяқинингдан ўсиб чиқур  
газада ўт ҳам тиканак,  
чувакларинг кемирай деб,  
игналарин санчар оҳак.  
Бу рўй берур қаро тунда —  
оҳанграбо тўлган тоғда  
қамишзорнинг тушларин сув  
новвослари ичган жойда.  
Қўлларининг зуннор қилиб,  
шам, мойчироқ жамлаб тургин,  
дафина ҳам маъданлардан  
совуқ сувдан ичиб юргин.  
Сенга икки ойлик муддат,  
шайланиб тур ўшал кунга.

Ялтираган оқ шамширин  
Сант-Яго ҳам қиндан олди.  
Оғир жимлик эзган осмон  
бир лаҳзада пастлаб қолди.

Йигирма бешинчи июнда  
сўнг бор кўкка қарар Амар,  
йигирманчи август куни  
кўзларини юмар абад.  
Одамларга тўлди кўча,  
девор тағи, тош майдонда  
ёлғизликнинг чексиз юкин  
кифтларидан отган онда.  
Мана, Руммон рақамлар  
каби аниқ, тагин тўғри  
оппоқ чойшаб чеккаларин  
тенглаштириб қўйди ўлим.



## ИСПАН ЖАНДАРМЛАРИ ҲАҚИДА РОМАНС

Қора гулдур каби отлар.  
Тақалари ҳам қорадир.  
Йилтиллайди пўшларида  
бўёқлару шам доғлари.  
Кўзларида ёш қолмаган,  
қўргошиндан каллалари.  
Лок сирилган жонлариям  
ўралгандир таемаларда.  
Камоншакл, шабий шарпа,  
ёвуз сафлар ўтар хунук —  
қолур мумдай сукунат ва  
ваҳиманинг чексиз қуми.  
Ўтар, тасир-тусир ўтар  
тилка-тилка тун қаъридан,  
гира-шира буржлар ёнар  
тўппончалар сумбасидан.

О, лўлилар шаҳристони!  
Ясангансан байроқлар-ла.  
Олча сувли шиша хумлар,  
ой нурлари қовоқларда.  
О, лўлилар шаҳристони!  
Кўриб сени, унутар ким?  
Ўктам долчин миноралар,  
анбару гам-гусса шаҳри.

Нуқра тун, оқойдин тун  
тушар чоғи осмонлардан,  
лўлилар кун, новак ясар  
лангиллаган сандонларда.

Бөшин уриб ҳар қонқага  
кишпаб турар ярадор от.  
Херес де ла Фронтерада  
қитқирворар чинни хўроз.  
Ялангоч бод гир айланар  
бир чеккада шоду мафтун:  
пуқра каби оппоқ-ойдин,  
чиройли туц, ажойиб тун.

Юсуф билан Биби Марям  
излаб қайроқ тошларини,  
суриштириб келар ногоҳ  
лўлиларнинг ошёнига.  
Марям кўркам кўйлагиди  
ойимқиздай сузар ларзон,  
бодоммагиз, зарқоғоздан  
бўйнидаги қат-қат маржон.  
Бир кифтида заррин пўши,  
Юсуф тўхтар тўкиб виқор,  
сал нарида Педро Домек,  
ҳам уч эрон султони бор.  
Чўчиб кетар лайлак каби  
томда хаёл сурган қамар.  
Босар баланд айвонларни  
фонуслар ва байроқчалар.  
Кўзгуларнинг қаърларида  
додлар пойсиз раққосалар.  
Херес де ла Фронтерада  
соя ва сув, сув ва соя.

О, лўлилар шахристон!  
Ясапгансан байроқлар-ла.  
Сўндир яшил дарчаларни,  
келди ёвуз айгоқчилар.  
О, лўлилар шахристон!  
Кўриб сени унутар ким?



Денгизлардан олис ерда  
сочинг ёзиб ётасан жим.

Кириб келар гурас-гурас,  
шаҳар байрам қилади шод.  
Эрмангулнинг қари товши  
ўқдонларда қўзгалар бот.  
Кириб келар гурас-гурас,  
пўшлари-да қора, қўшқат,  
улар учун ҳатто буржлар  
қаболлардай порлар фақат.

Хавф-хатарга очиқ шаҳар  
чўйлар экаи бетин қопқа,  
бирданига қирқта қаттол  
кириб келар улкан қопга.  
Тўхтаб қолар соатлар-да,  
ногоҳ тўнар шиша хумлар,  
синчиклаган ёв кўзлардан  
сувлар музга дўнар зумда.  
Сиртмоғидан паршираклар  
ерга қулар чўзиқ доддан.  
Қиличлардан қиймаланган  
бодни тонтаб ўтар отлар.  
Изғиб лўли кампирлар-да,  
обкетар от, жандаларин,  
сочларини шамол титган,  
жиринглар мис тапгалари.  
Епинчлар тор кўчаларни  
тўсар тигиз тиқин мисол,  
қора бўрон қайчиларин  
ортларидан ёнар беҳол.

Байтуллаҳм қошқасини  
кўзлаб борар авом лўли,  
Юсуф пўшини ўлган қизга  
кафани мисол ёшиб қўйди.

Туни билан ўқ товшидан  
таранглашиб турди ҳаво.  
Марям буржлар сўлагига  
гўдакларга берар даво.  
Жандармлар изғийди оч  
тушга тагин экиб олов,  
гулхан ичра ёнар ўсемир  
ва яланғоч гўзал хаёл.  
Сўйиб Роза Камборонинг  
маммаларин жандармлар,  
қўйиб кетар дарвозасин  
токчасига лаганларда.  
Бошиқа қизлар эса қочар,  
жонҳолатда қочар войлаб —  
портлаб қора атиргуллар  
яшнаётган мудҳиш жойдан.  
Шудгорларнинг қатламидай  
чўккан чоғи сопол томлар,  
тошдай совуқ чехрасини  
эгилганча тўсар тонг-да.

О, лўлилар шаҳристони!  
Жандармлар кетар сангиб  
сукуватнинг шум горидан,  
қамраб олди сени ёнгни.

О, лўлилар шаҳристони!  
Кўриб сени, унутар ким?  
Юзларимдан изласинлар  
ой ҳам сахро жилвасини.

## УЧ ТАРИХИЙ РОМАНС

---

АВЛИЁ ОЛИЯ АЗОБИ

I

МЕРИДА МАНЗАРАСИ

Тор кўчадан тўлганганча  
қочар узун думли ол от,  
эснаб оғиқ отар римлик  
беш-олтита қари саллот.  
Минерватор синдираркан  
қуруқ дарахт шохларини,  
бир қиррадан отилар сув,  
ўлик қушдай жарлик сари.  
Ииртиқ буржлар тўзонларин  
тун қаърларин қилиб очун,  
сув аралаш тоғ ёригин  
кутар бирдан ёғиш учун.  
Гоҳо босиб қизил тўлқин  
каби сурон, тагин тинар.  
Авлиё қиз полалария  
биллур қадақ каби синар.  
Ғариллайди чарх тошларин,  
чангақларин буқиб оғир  
пингар сандон буқаларин.  
Меридага кийдирар тоғ  
маймунжоннинг новдаларин  
ила хушбўй гуллардан тож.

## II

### ҚАТЛ

Яланг оғоч шохлари сув  
зинасидан шитоб сакрар.  
Консул сўрар Олиянинг  
кўкси учун икки баркаш.  
Хирқироқдан сўнг бўйнида  
бўртиб кетар яшил шохлар.  
Қушқўнмасда қолган қушдай  
чайқалади жисми дорда.  
Ва кесилган бармоқлари  
ўйнай бошлар тоштахтада —  
сажда қилиш учун қўлга  
бприкмоқчи бўлар қайта.  
Кесволинган икки кўкрак  
тагларидан икки хунук  
кичик осмон кўринар ҳам  
томчилар қон аралаш сут.  
Жисмидаги минглаб қонли  
лохчалар ҳам жон талашиб,  
вахший гулхан наштаридан  
асраб турар ҳўл танасин.  
Қуроолларин жаранглатиб,  
қатор-қатор, дабдаба-ла  
ўтар қурбон қаршисидан  
сўник юзли сариқ сафлар.  
Шунда узун сочли консул  
метин сафлар кўригидан  
олиб ўтар мис баркашда  
ҳовур чиққан кўкракларини.

### III

#### ЖАҲАННАМ ВА ҲАМДУ САНО

Тўлқиплапиб чўкади қор.  
Чайқаладир жасад ҳамон.  
Кўмир каби юзип силаб  
қора бўлар совуқ шамол.  
Таранглаша товланар тун,  
дарахтда у чайқалар, оҳ.  
Тағин шаҳар доволари  
ерга тинсиз тўкар сиёҳ.  
Қорли дузни босиб кетар  
сукунатга қўшиқ айтган  
тўда-тўда майиб-мажруҳ —  
митти-митти қора ҳайкал.  
Сийраклашиб ёғар қор-да.  
Жасад турар оқарганча.  
Ярқироқ муз лашкарлари  
вужудига найза санчар.

Куйган фалак равогида  
булбул тўла боғлар узра,  
ғудурлаган сойлар аро  
Граал жомин нури сузар.  
Сачрайди ранг синиқлари:  
Олия оқ, оқликда оқ.  
Малаклар ҳам авлиё деб,  
тепасида учар узоқ.

## ДОН ПЕДРО ВА УШИҢГ ОТИ ҲАҚИДА УИДИРМА

Елгизоёқ сўқмоқдан  
тушаётир Дон Педро.  
Ай, мунчаям куйиниб  
йиглар бу кабальеро.  
Эгарсиз ҳам жиловсиз,  
гижинглаган бир отда  
нон билан бир ўинччи  
излаб юрар дунёдан.  
Деразалар шамолга  
шошилиб савол берар:  
нечун бунча куйиниб,  
йиглар бу кабальеро.

Сув тагида оҳиста  
сўзлар сузар лўмиллаб.  
Сув устида тўлиной  
ўйнаб-ўйнаб  
чўмилар.  
Бошқаси ҳавас қилар,  
мунча юксак!  
Соҳилда  
«Товоқларни жуфтла, туш»,  
деб бир бола ёлборар.

Осмоңларга туташган  
болутзор ўрмон аро  
ухлаётган заркентга  
келиб қолар Дон Педро.  
Байтуллаҳмми? Ҳулво

руморап бўй уфурар.  
Қизғин сопол томларда  
ярқирайди булутлар.  
Дон Педро ҳам йиртилган  
тоқлар тагидан ўтар.  
Икки аёл ва бир чол  
чиқар ёқиб шамларин.  
«Ўғ-эй», дейди сапидор.  
«Кўрамиз», дер андалиб.

Сув тагида оҳиета  
сўзлар сузар сочила,  
қушлар ва алангалар  
айланар сув сочида.  
Қандай хато бўлганин  
фақат билар қамишзор,  
огочтан гитаранин  
туши бодезиз, беозор.

Равон йўлдан оҳиета  
чолу икки жорни  
қўлларида шам тутиб,  
қабристонга боришар.  
Бечора Дон Педронинг  
ухлаб ётган оти ҳам  
сезиб ўлим шарпасин,  
зумдаёқ ҳушёр тортар.  
Ўқдай учар осмонда  
шомнинг ботин овози,  
шоҳин урмин ойнага  
йўқликнинг яккашоҳи.  
Олиса катта шаҳар  
қолар олов бағрида,  
фарёд қилиб одам ҳам  
кетар замин қаърига.

**Шимолда битта юлдуз,  
бир денгизчи жанубда.**

**Сув тагида  
ётар сўзлар.  
Саслар балчиққа чўккан.  
Қунишган гуллар аро  
ай, ётар эрмак бўлиб  
бақаларга Дон Педро.**



## ФАМАР ВА АМНОН

Ой қақраган ерга боқиб,  
фалакларда кезар экан,  
ёз паланглар, алаңглар  
нафасларин тинмай экар.  
Томда куйиб кетган ҳаво,  
асаблар-да таранг тордай.  
Шамол юнгли марашлардан  
жингаласоч бўлиб борар.  
Юксаларкан кўрсатиб ер  
яра босган тиртиқларин,  
қиздирилган игналардай  
оқ нурлардан зир титрайди.

Киран Фамар тушларига:  
томогида қушлар сайрар,  
тўниб қолган чирмандалар  
билап ойдни гитаралар.  
Пешайвонда турар яланг —  
хурмо каби хушбичим бод,  
нолиб қайпоқ кифтларига  
сўрайди дўл, сўрайди қор.  
Фамар ҳазини куйлар экан  
пешайвонда туриб луччак,  
теваракдан қулаб тушар  
пойига тўрт қор мусича.

Амнон равшан кўринади —  
минорадан турар қараб,

титрар қора соқоли ҳам  
белларида кўпик қайнар.  
Яланг ҳолда панжарадан  
қараб турар экан ногоҳ  
қулаётган ўқ товшидай  
қиз огзидан чиқади оҳ.  
Амнон ҳамон еб қўйгудай  
ойга қарар, тушар пастга,  
қайга боқса, кўраверар  
ҳамширасини маммаларини.

Ярим тунда қулар Амнон,  
қулар ҳолсиз ўз жойига.  
Тирнар бўм-бўни хобхонани  
қанот тўла кўзларида.  
Кўмиб қўяр кентни зумда  
кулранг қумга огир саҳар,  
гоҳ очади варта рўйини,  
яшнар гоҳо гули настар.  
Кўзаларга хомуш қудуқ  
томиридан жимлик тўлар.  
Эгри-бугри, моғор босган  
илдизларини илон ўрар.  
Амнон инграр тўшағида,  
гоҳо тишчир, гоҳо тагин  
чирмар безгак печакгули  
босириқдан куйган тапин.  
Фамар кирар хобхонанинг  
жимлигига шарпадай жим,  
шоҳтомирдай пееиқ тани,  
олие туман пардасидай.  
Фамар, собит саҳаринг-ла  
кўзларимни буткул ёндир.  
Ришталарини оқ барингга  
қўшиб тўқиб қўйди қоним.  
Қўйгил, азоб берма, ака.  
Кифтларимни ўпма, бўлди.

Жисму жоним чақар худди  
гуж-гуж ари билан мўлдир.  
Бармоқларинг учи, Фамар,  
гулгунчадай таранг ҳали.  
Кўркам сийнанг тўлқинида  
ўйнаб турар икки балиқ.

Шохнинг юзта оти сапчир,  
сурон ерни бир тебратар.  
Сурх новдани офтоб сели  
эгиб ташлар тупроқ қадар.  
Тутамлайди сочларни қўл,  
йиртилгандай шойи либос.  
Эгри-бугри чизиқлардай  
маржон оқар сариқ тошда.


Ўҳ, ёввойи доддан қандай  
еру осмон кетди титраб,  
Шилдираган калта кўйлак  
узра чақнар совуқ тиглар.  
Хомуш қуллар зиналардан  
чиқиб тушар жонҳолатда.  
Тўнган осмон тагларида  
ярқирайди мисдай сонлар.  
Фамарнинг чор атрофидан  
фарёд қилиб лўли қизлар  
эзилган гул томчиларин  
териб юрар битта-битта.  
Хобхоналар чойшабларин  
кун қизилга белар экан,  
тонг алишар сўлишларин  
нуқра балиқ, меваларга.

Аммон шоҳнинг жазосидан  
қочган маҳал тоғи отда,

миниорларнинг шиннагидан  
занжи қуллар новак отар.  
Тўрт садони тўртта туёқ  
гулдиратган маҳал даштда,  
Довуд қайчи билан чилтор  
ришталарни кесиб ташлар.

# ШОИР НЬО-ЙЎРҚДА

(1929—1930)



## КОЛУМБИЯ ДОРУЛФУНУНИДА КЕЧГАН ЕЛҒИЗЛИК ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

---

*Ҳаҳр севги рангида,  
ғафлат рангида севги.  
Луис Сернуда*

### САИРДАН ҚАЙТИШ

Мени бу осмон эзди,  
илои каби тўлганган,  
ўткирлашиб юксалган шакллар орасида  
ўсиб кетсин сочларим.

Шох-шаббаси буғалган, куйламай қўйган оғоч,  
юзин қордай оқарган бола билан биргаман.

Начоқбош даррандалар, ялангпойлар топтаган  
увада бўлиб ётган сувлар билан биргаман.

Довотга ботиб қолган бир капалак мисоли  
атрофга ботган ҳорғин суврат билан биргаман.

Ҳар кунин ҳар қадамда ўзгариб турар юзим.  
Мени бу осмон эзди.

## ИШТЕРМЕДИЯ

(1910)

Тўққиз юз ўнниччи йилги кўзларим,  
ҳали кўргани йўқ мурдаларни кўмганларини,  
на тонгда азадорга ёдгорлик — бир ҳовуч кулни,  
на бурчакка қадалган денгиз тойидек  
титраган юракни кўрмади.

Тўққиз юз ўнниччи йилги ўша кўзларим  
тагига болалар сийган ошпоқ деворни кўрди,  
буқанинг тумшугиyo захарли қўзиқорин,  
бурчакларда гира-шира ой ёгдусида  
трунж пўчогиyo қорамтир шишалар  
соясин кўрди.

Менинг ўша кўзларим ҳамон отинг ёлида,  
хобчил санга-Росанинг ярадор баданида,  
иниқ томлари, додлару покиза кафтлардадир,  
мушуклар бақаларни ямлаб еган боғларда.

Чанг йўсин ва ҳайкаллар ясаган чордоқларда,  
ейилган қисқичбақа жимлиги бор қутида,  
туш билан ўнг ногаҳон тўқнашиб кетган жойда.  
Шунда, ўша ерда болалигим кўзлари.

Мендан ҳеч гап еўраманг, қисматни қандоқ излаб,  
қандоқ бир-бир бўйлиққа келганларни кўрганман.  
Ҳувиллаган осмонда ҳувиллаган оғриқ бор,  
кийингану вужудсиз жонзотлар кўз ўнгимда.

## НЕГРЛАР

---

### УЙГУНЛИК ВА НЕГРЛАР ЖАННАТИ

Уларга ёқмайди оқ ёноқлардан  
тўлқиндай юксалган қуш сояси ҳам,  
шамол ёғду билан олишиб қолса,  
совуқ қор саройида.

Баданга тегмаган ўқлар ёқмайди,  
тўртбурчак рўмолча — айрилиқ қуни,  
буғдой табассуми аро яшринган  
тахқирли игналар, атиргулларни.

Ёқтирарлар мовий чўлларини,  
сигирларнинг содда тумшуги,  
қутбларнинг сохта ойи ҳам  
соҳилда плондай ўйнаган сувни.

Биларлар сумбалар, шохлар сирини,  
порлаган асаб-ла тешар тупроқни,  
ичишар минг йиллик сўлакларини,  
сирғалиб сувда ҳам қумлоқда.

Шитир-шитир тўла самода,  
қуртсиз, от излари йўқ бир самода  
абдий тош қотган туяқуш тухми,  
ёмгир томчилари кезмиш ўйноқлаб.

Кечмиши йўқ битта самода,  
тонгдан ҳеч қўрқмаган тун самосида,



**телбавор булутлар туяларининг  
белини синдирган яланг-шамоллар.  
Майсалар ботган чоги танлар инграр ул ёқда,  
ул ёқда оқ садафни қўмсар сиёҳ зиёси,  
огоч қалқонлар тўсган хобли юзлар эрийди,  
рақслардан сўнг қолур шипшийдам қўр майдони.**

## ХАРЛЕМ ҚИРОЛИ

Чўмич билан  
тимсоҳлар кўзларини ўярди,  
маймунлар кетига урарди  
чўмич билан.

Боқий ўт ухларди қайроқтошларда  
анишини бўйидан маст чигирткалар  
унутганди қишлоқ йўсинларини.

Қўзиқоринларга бурканган бир чол  
ногрлар йиглаган жойга борарди,  
тинимсиз ишларди қирол чўмичи,  
бўчкалар тўларди приган сувга.

Шамолнинг эгилган тиги учидан  
потирлаб қочарди атиргуллар ҳам,  
газабдан қизариб кетган болалар  
сарғарган олмалар уюмларида  
ўлдирадди митти олмахонларини.

Кўприклардан ўтмоқ керак,  
қорайган қизилга етишмоқ керак,  
тоқим ўпкаларининг ҳидлари  
либосларнинг олов этакларидай  
инддат-ла урилсин юзларимизга.

Ўлдирайлик малла арақпуруш билан  
олмалар ва қумнинг жўраларини,  
муштлаб мажақлайлик қайваётган ловияларни,

токим эли билан куйласни Харлем қироли,  
токим қаторлашиб ётган тимсоҳлар  
тинч ухласни ой тошпахтасида,  
токим ҳеч ким шубҳа қилмасни  
қозон-товоқ, чўмичлару ювгичларнинг  
беқийе гўзаллигига.

Ай, Харлем! Ай, Харлем! Ай, Харлем!  
Эзилган қизғиш ингоҳларингга,  
зулматда апордай ёнган қаҳрингга,  
эшиқбон либосли чўнг қиролнингга  
тенг келувчи қайғу топилмас.

Туннинг ёрилган ерида  
тошдай қотган оқ калтакесаклар.  
Амриқолик қизларининг  
қоринлари тўла бола-чақага,  
эсоқ хочларида сўлиётган ўемирлар.

Шулардир,  
шулардир вулқонлар этагида  
кумушранг виеки ичиб,  
музлаган айиқтогда юраклар нимтасин  
газак қилган шулардир.

Уша тунн Харлем қироли  
синмайдиган бир чўмич билан  
тимсоҳларнинг кўзини ўйди,  
маймуларнинг кетига урди  
бир чўмич билан.  
Негрлар йиғлади  
шамсиялар ва олгин қуёшлар орасида,  
ўзларини кўз-кўз қилди оқтанларни соғинган  
мулатлар,  
шамол кўзгуларни ўраб туманга,  
раққосларнинг томирин ёрди.

## **Негрлар! Негрлар! Негрлар!**

Қон тополмас йиқилган кечанинг эшикларин.  
Қизиллик йўқ. Қаҳҳор қон бордир тери тагида  
тигдан тирик, табиат сийнасида ёнгувчи,  
омбирлар соясида, шан тиканзор тагида  
кичқичбақа сингари порлагувчи қон бордир.

Сўнгалар тўзонлари сочилган минглаб йўлдан  
бир ўлим излаган қон бор,  
хувиллаган соҳилда ташланди нарсалар-ла  
қўшилиб жимжит сузган бир тўда сайёранинг  
осмонин излаган қон бор.

Атрофга кўз қирида назар солиб турган қон,  
гули товус суви ҳам ер қаърининг шарбати.  
Йўлдан адашган денгиз шамолини занглатган,  
тоқчада капалакни эритгувчи қон бордир.

Келар бу қон манзарлардан,  
томлардан бўлак-бўлак бўлиб тошиб келади,  
ёндирмоқ-чун оқсарик жувонлар чехраларин,  
катлар пойида бедор сувларга зорланмоқчун,  
сахрамоқ-чун тамакидай сап-сарик тонг тагида.

Қочин керак,  
қочин керак қоп-қоронги хилватларга,  
яширинин керак баланд иморатлар чордоқларида,  
чунки бу ўрмон руҳи киролур ҳар тешикка,  
қолдирур енгил зулмат изларин танингизда,  
сохта гул ҳам ўнгиган қўлқопдай ғусса берур.

Шунда доно жимликда  
дастёрлар, ошпазлар, хуллас,  
миллионерлар ярасини ялаганлар  
селитрани кўчалардан қиролни излаб қолар.

Қора гирдобга ботган дағал жанубий бод,  
чизиги куйиб кетган Воль ёйин ҳаммоли бод,  
папирос қолдиқлари, муқовалар, пўчоқлар,  
чириган қайиқларни туфлар экан қирғоққа,  
аямасдан игналарин елкаларга ботирар.

Дурбиндаги уч томчи сиёҳ —  
муҳаббат тои юзида кўрпимаган ягона юздир.  
Булутлар узра гултожлар ва барглар  
гулсиз яланг навдаларнинг бир даштига айланди.

\* \* \*

Ўнгдан, чапдан, жануб, шимолдан  
юксалур метиндай бир сад,  
на каламуш, на ўткир сув тешолмас,  
кўрмоқ бўлиб чексиз дунёни  
сад ёригин изламанг, негрлар.  
Қарагай гурралари гувиллаб турган чоғда  
изланг, изланг осмондан битта улкан қуёшни,  
изланг, ўрмон париси борлигига ишонмай  
ўрмонлардан ўтгувчи битта қуёшни изланг.  
Саноқларни бузувчи, поз уйқулар посбони,  
тимсоҳларнинг гашига текканча дарё узра  
пастга қараб сирғалган битта қуёшни изланг.

**Негрлар! Негрлар! Негрлар!**

На илонлар, на ёввойи отлар, хачирлар  
ўлар чоғда оқармас.  
Ўтинчи ҳам кесилган оғочнинг шафқат сўраб,  
энг сўнгги ёлвориги — оҳларини эшитмас.  
Газанда, куманжирлар томга чиқиб олгунча  
оғочдай қиролнингиз соясида сабр айланг.

Шундагина, негрлар, шундагина  
жон-жаҳд ила ўпинг велосипед гилдирагини,  
олмаҳоилар илларига дурбин қўйинг  
ва ниҳоят ҳеч нарсадан қўрқмасдан ўйнанг,  
булутлардан юқорида, қамишзорларда  
Мусомизини маҳв айлагай тиканлар.

Ай, ниқобли Харлем!  
Ай, босиз костюмлардан даҳшатга тушган, Харлем!  
Огочу лифтларингдан  
бир сурон этиб келур,  
тишлар билан қопланган автомобиллар сузган  
кўзёшинг этиб келур,  
отларинг мурдалари, саноқсиз жиноятдан  
суронинг этиб келур,  
жондан тўйган, соқоли денгизга тушиб турган  
қиролнингдан бир сурон,  
бир сурон этиб келур.

## ТАШЛАИДИ ЖОМЕ

(Буюк уруш ҳақида манзума)

Хуан деган ўғлим бор эди.

Ўғлим бор эди.

Гоийб бўлди бир жума тошлараро юраркан.  
Эсимда, меҳробнинг сўнгги зинасида бир сакраб,  
отганди мис пақирчасин роҳибнинг юрагига.

Тобутларни тақиллатдим. Ўғлим! Ўғлим! Жон

Ўғлим!

Товуқнинг бир оёгини олдим ойнинг ортидан,  
шунда қизим аравалар сузган жойда балиққа  
айланганин англаб қолдим.

Битта қизим бор эди.

Бухўр кули кўмган ўлик бир балиқчам бор эди.

Улка денгизим бор эди. Ё худойим! Денгизим!

Қўнгироқ чалмоқ учун минорга чиқдим аммо  
қуртлаганди бор мевалар,

ёниб бўлган гугуртлар

баҳорнинг илк бошоқларини еб кетганди беаёв.

Жон берётган саллотларнинг қоп-қора манглайини  
чўқилаган алькоголнинг лайлақларини кўрдим.

Чодирларда айланарди кўзёш тўла финжонлар.

Ибодат меҳробидан топгум сени юрагим,  
музлаб қолган чангалзорда кўплашиб куйлаётган  
тун бақаларини ҳайдаш учун кучли қўлларни билан  
буқа ва хачирни осмонга кўтарганда руҳоний.

Бир азамат ўғлим бор эди,

кучли ўғлим бор эди, бироқ

осмонни кемирган мурдалар кучлироқдир.

Ўғлим айиқ бўлсайди!

Тимсоҳлардан қўрқмасдим,

тўда-тўда саллотлар дарахтларга денгизни  
боглаб қўйиб зўрлаганип, булгаганин кўрмасдим.  
Ўғлим айниқ бўлсайди!

Чордирларга янрингум йўсинлар нафасидан.

Менга галетук ё енгини беришларип биларман,  
аммо фарёд қиларман ибодатнинг авжйда.

Тошларга қўнур пингвин, чагалайлар бўрони,  
мудроқ, уйгоқ кимсаларни бўзлатиб ҳам сўзлатур:  
унинг ўғли бор эди!

Ўғли! Ўғли! Бир ўғли!

Нечун тортиб олдилар? Қаерда унинг ўғли?

Яккаю ягонаси, яккаю ягонаси?!



## КУЧАЛАР ВА ТУШЛАР

*Келмади дер бўса мавсуми  
юракдаги битта қоғозқуш.  
Висента Алейксандре*

### РАҚСИ МАРГ

*Ниқобли! Қаранг, ниқобли!  
Қандоқ келар Африқодан Нью-Йўрка!*

Гойиб бўлди митти-митти  
ёнар гунчали қалампир буталари.  
Тилка-пора туялар, оққушлар тумшугида  
ёгду водийлари ҳам кўкка юксалган.

Бу борлиқ қуриган бир лаҳзайди,  
бошоқлар кўр бўлди, жонвор эзилди,  
улкан кўприқларни босиб кетди занг,  
борлиққа қуйилди говакли жимлик.

Бу нур шамшири чавақлаган  
ўлик жониворлар йиғилган бир чоқ,  
мангу шодлик — кул туёқли бегемот,  
оҳунинг бўғзида ҳамишабаҳор.

Ғамнинг қуруқ ёлғизлигида  
шаҳдам рақе тушар ниқобли.  
Қум босади дунёнинг ярмин,  
ярмин — симоб, мудраган офтоб.

*Ниқобли! Қаранг, ниқобли!  
Қум, тимсоҳ, қўрқув босар Нью-Йўрки!*

\* \* \*

Қуликдан ўлганларнинг овозлари янграган  
бўм-бўш осмонни қисиб туради оқ унгурлар.  
Бир осмонки, пўстлогни арчилган аёл осмон,  
кўз етмас оғунида адашиб қолган гуллар.

Бу осмон бўғиб қўйган қўшиқлар кўртагини,  
энг сўнги унгурларнинг оромин қилиб вайрон,

юлдузлар зарраларини думи билан тўзгитиб,  
еўлакка бурканган бир жаладай босар осмон.

Хотин вужудини соғиниб  
томбонида додлаганда битта хитойлик,  
тангаларнинг қаттиқ жимлигини ўлчайдиган  
асебобига қараганда бонка хўжаси,  
Уўла стритга яқинлашди ниқобли.

Қарасанг кўзларинг саргайдиган  
каштархона узра рақе тушар бу ниқобли.  
Ахир сфинкс ва темир жовон иккиеп  
музлатмоғи мумкин бирдай  
йўқсил болаларнинг юракларини.  
Қадим замонларнинг ёввойиланги

Ўйнар техникавий ёввойилик-ла,  
жазавада иккисиёям унутган кўҳна нурни.  
Гар гилдирак унутолса ўзлигини,  
йилқилар-ла биргаликда кишиаши мумкин,  
агар ёниб кетса муз чизмалари,  
деразалар галасидан қочмоғи мумкин осмон.

Ҳайратга солмасин бунда  
Ўйнаса гар ниқобли.

Ўйнар қонга гарқ бўлган устунлару рақамлар,  
олтин довулларида, қоронги кечаларда  
нолиб йнглаган ишсиз йўқсиллар орасида,  
Ў, ёввойи Америка! Ў, фосиқ! Ў, ваҳшийлик —  
чўзилиб ётар қорлик сарҳадларида.

*Ниқобли! Қаранг, ниқобли!  
Нью-Йўрк узра балчиқ, ёнартқуртлар чайқалар.*

\* \* \*

Ой билан олишардим тиканзор буталарда.  
Тун сонини гажирди деразалар галаси.  
Самовий сизирлар ҳам кўзларимдан сув ичар.  
Шамоллар узун эшаклар билан  
Бродвейнинг кул босган ойналарини сиңдирар.

Юлдузларнинг магзидан ёғду излар томчи қон,  
дўнмоқ петаб олманинг қуриган уругига.  
Чўпонлар ҳайдаган водий шамоли титрап  
чапоғидан ажралган чиганоқдай қўрқувдан.

Аммо рақега тушётган мурдалармас,  
биламан.

Мурдалар гажиб ётар кўкарган қўлларини.  
Бу бошқалар, гитар чалган арвоҳ-ла рақега

тушган,

бу бошқалар, кумушдан маст бўлган совуқ каслар,  
огир алангалар ҳам сонлар чатишган жойдан  
ўсиб чиқадиган кимсалар,  
зипалардан чувалчанг излаб юрганлар,  
саёзликдан ўлик қизлар кўзёшини ичганлар  
ёки тонгинг ушоққина эҳромларин еганлар.

Ўйинга тушма, Дада!

Йўқ, ўйинга тушмагин, Дада!

Қирол ҳам,

тишлари мовий миллионер ҳам,  
жомелар жомидаги ориқ раққосалар ҳам,  
конструкторлар, колибрилар, жинилар,  
қутурганлар.

Фақат ниқобли тушени,

тўққизил жандали шу арвоҳ,

ёлғиз шу арвоҳ!

Юқори қаватларда впишлласин кобралар,  
газандалар синдирсин говни,  
йўсин босиб кетсин биржани,  
милтиқлардан кейин келар аманлар,  
тезроқ, жуда тез, жуда тез, жуда тез,  
ў, Уўлл Стритт!

*Ниқобли! Қаранг, ниқобли!*

*Туфлар у ўрмон заҳарини*

*Нью-Йоркнинг дард-ҳасратиға!*

## ЎҚЧИГАН ОЛОМОН МАНЗАРАСИ

Семиз хотин олдинда борар —  
илдизларни қўпориб, дафларни ҳўллар,  
ўлик саккизоёқларни тўнтариб қўяр.  
Ойнинг душманийди бу семиз хотин —  
кўчаларда, бўм-бўш қаватларда сангиркан  
кантарларнинг ушоққина бошчаноқларин  
пана-паналарга туфлаб кетарди,  
кўкка иргитарди ўлик аерлардан  
қолган базм овозларини,  
шип-шийдам самовий адирларга  
чорларди бугдойзор ажибаларин,  
нур чанқоғин шимдирар ерости сойларига.  
Бу қабристонлардир, биламан, қабристонлардир,  
қум босган ўчоқлар ҳасратларидир,  
бу мурдалардир, ўзга вақт олмалари, қирговуллари  
бўғизда туриб қолган.

Тобора яқинлашар сасиқ жангал гаргаралари,  
жангалнинг парёғида багри бўм-бўш хотинлар,  
илиқ шамдан қўйилган чақалоқлар,  
ириб кетган дарахтлар, доим шўр емак ташиб,  
зир югурган оқсоч қизлар яқиндир,  
уларнинг боши узра чилтор ҳам сўлакдандир.

Нажот йўқ, болагинам! Кўнгила айнир. Нажот йўқ.  
Бу фоҳиша қўйнида ётган сипоҳ туйғусимас,  
ногоҳ қурвақа еган мушукнинг ҳолатимас,  
бу кўкарган қўллар-ла остонасида булут  
приган эшикларни тирнаган мурдалардир.

Семиз хотин олдинда борар,  
орқасида матрослар, майхўрлар, бекорчилар.  
Ўқчиш чалар чилдирмаларин,  
қонга ботган қизалоқлар ҳам  
ойдан нажот сўрар эдилар.  
Шўрим қурсин! Шўрим қурсин! Шўрим қурсин!  
Бу нигоҳ меникийди, энди меники эмас,  
чоғир яланглаб қўйган бу титроқ нигоҳ  
бандаргоҳлар меҳробидан кузатар  
кўринмас кемаларни.  
Мен ўзимни ўша нигоҳ ила ҳимоя қилгум,  
тонглар яқин келолмас бу қоп-қора нигоҳга.  
Қусаётган оломон аро йўқолган  
қўлсиз ғитта шоирман,  
қалин йўсинларни чаккаларимдан  
тишлаб юлиб ташлайдиган бир тирик от йўқ.

Семиз хотин эса олдинда борар,  
аччиқ бир минтақа жойлашиб олган дорихонани  
излаб юрар одамлар.  
Аммо байроқ ҳилпираши,  
итлар чоғиб келиши биланоқ  
бандаргоҳга йиғилиб келди бутун шаҳар.

## ГУДЗОНДА ҲАЙИТ

Бу сурранг булут!  
Сўйилган бу денгизчи!  
Бу кенг дарё!  
Қоронги уфқлардан келган бу шамол.  
Бу тигдир, муҳаббат, бу тигдир.  
Тўрт денгизчи  
суяклари, қирралари кўзга санчиладиган,  
отсиз ўтиб бўлмас  
дунё билан олишар эди.  
Битта, юзта, мингта денгизчи  
олий тезлик дунёси-ла муштлашаркан  
бу дунёни осмон  
ташлаб кетганидан беҳабар эди.

Танҳо осмон ташлаб кетган бу дунё.  
Бу болгалар уюми ва майсазор базми.  
Бу қумурсқа ва ботқоқда ётган тангалар.  
Осмон ташлаб кетган дунёни.  
Қишлоқларни четлаб ўтади шамол.

Илончириқ куйлар гилдирак ваҳмасини.  
Сўйилган денгизчи эса  
уни бўғмоқ бўлган тюлен ҳақида куйлар,  
ҳамду сано айтар ҳамма,  
ҳамду сано. Бўм-бўш осмон.  
Барибир. Ҳамон ўша. Ҳамду сано.

Шаҳар атрофида тонггача  
тахта кўприкларга чиқавериб чарчадим,

қоним оқди чизмаларнинг ганжларида,  
йигиштирдям илма-теник  
елкашларни денгизчила-ла.  
Аммо қўлларим бўм-бўш,  
дарёлар денгизга гуриллаб тушар,  
ҳар лаҳза тугилган чақалоқда  
томирлар шохларини тебратмоғи мумкинлиги,  
шохлар тағида ўрмаловчи илонларнинг туғилиши,  
ялангоч бадалларни сицциклаб кўрган  
ташналикни, қонга ташналиқни  
босар одам феълда.  
Фақат шу қолгуси: бўшлиқ. Ташланди дунё. Сойбоши.  
Тонг эмас. Хаёлий чўпчак.  
Фақатгина шу — сойбоши.  
Ў, кулранг булутим!  
Ў, сўйилган бўғзим!  
Ў, бегона уфқлардан эсган шамолим!  
Ў, захриқотил тиг! Ў, ишқим тиги!

## УЙҚУСИЗ ШАҲАР

(Бруклин кўпригининг тунги тасвири)

Бу осмон остида ҳеч ким ухلامас. Ҳеч ким.  
Ҳеч ким ухلامас.

Кулбалар атрофида ялт-юлт шарпалар.  
Илонлар ўрмалар бедорларни қийнамоқ учун.  
Ўтакаси ёрилиб қочаётган кимса  
юлдузларнинг зорли имосини пайқамай,  
баҳайбат тимсоҳларга йўлиқар муюлишларда.

Бу дунёда ҳеч ким ухلامас. Ҳеч ким.  
Ҳеч ким ухلامас.  
Олис мозордаги бир мурда  
уч йилдир зорланар —  
майсалар ўсмасмиш тиззаларида.  
Бугун тонгда кўмилган гўдак шундай додларки,  
бор итларни чақирарлар қўрқитиш учун.

Ҳаёт бедорликдир. Уйгонинг! Уйгонинг!  
Зиналардан қулаймиш зах заминга юзтубан,  
қорнинг қир чўққисига  
еўлғин сафсаргуллар қуршовида чиқамиз.  
Бу хаёلسиз дунёни унутмоқ мушкул.  
Бунда вужуд яшар. Лабларни лабларга  
боғлар тирик қонтомирлар тўрлари-ла бўсалар,  
бир умр огрийди огриқ сезганлар,  
ўлимдан қўрққанлар ўлар умрбод...

Бир куни  
отлар ҳам киражак майхоналарга,  
сигир кўзларида аксланган сарғиш осмонни  
қутурган чумолилар босажак.



Яна бир куни  
жон киражак уваланган капа.Лакларга,  
ярқираб кетажак галвирак туманларда  
жимжит сузган кемалар аро шоҳонагимиз,  
атиргуллар шариллаб оқажак тилларимиздав.  
Уйғонинг! Уйғонинг! Уйғонинг!  
Кимки асраган бўлса  
жонворлар панжасию селларнинг изларини,  
кўприк қурилгандан бежабар  
чинқириб йиглаётган болани,  
боши билан бир чуваги қолган бола мурдасин,  
хаммасини девор тагига —  
тимсоҳлар, илонлар гуж-гуж қайнаган,  
айиқларнинг ўткир тишлари,  
боланинг мўмиёланган қўли бор жойга,  
бир даҳшатдан жуцлари ҳурпайган туя турган  
девор тагига йигиш керак.

Бу осмонда ҳеч ким ухламас. Ҳеч ким.  
Ҳеч ким ухламас.  
Агар биров кўзини юмса —  
саваланг, болаларим, саваланг,  
токим ланг очилган кўзлар,  
ачишиб куйган жароҳатлар манзараси кўринсин.  
Бу дунёда ҳеч ким ухламас. Ҳеч ким. Ҳеч ким.  
Ахир айтдим-ку —  
ҳеч ким ухламас,  
биноқ тунда кимнингдир чаккаларини  
йўсин босиб кетса жудаям,  
очиб ташланг туйнукларини,  
заҳар-заққум тўла қадаҳлар,  
театрулар чаноқларини кўрсинлар  
улкан ойнинг ёғдуларида.

## НЬЮ-ИЎРКНИНГ ХИРА МАНЗАРАСИ

Бу кул босган  
қушлар бўлмаса,  
тўйлар деразасин урган зорлар бўлмаса,  
бу — чексиз зулматга иссиқ қон сачратган  
шамолдан тўралган нозик жонзотлар.  
Фақат бу қушлармас,  
бир лаҳзадан сўнг  
қушларни сўқимдай сўйишлари мумкин  
ё ой ёрдамида оқ қояларга айлантиришар,  
бу доим ҳокимнинг тош назаридан  
титраган ярадор болакайлардир.

Ҳамма билар ўлдирувчи огриқни,  
аммо ҳақиқий огриқ қалбдаям эмас,  
у йўқдир ҳавода, ҳаётимизда,  
тутун босган манзарларда ҳам.  
Ҳар нарсани уйғотади ҳақиқий огриқ,  
ушоққина мангу ўчмас бир куюк каби  
ёнар дунёларнинг гўл кўзларида.

Ортиқча кўйлақлар эзар кифтларин,  
шунчун ҳаммасини бир ерга уяр осмон,  
туғолмай ўлаётган аёллар сўнг лаҳзада  
ҳар садо тошга дўнмоғини,  
ҳар из юрак зарби бўлмоғин туншуниб қолар.

Бизга қоронгидир идрокнинг қурт-қумурсқаларига  
фалсафа ем бўлган жинкўчалари,  
эсипаст болалар емакхоналарда учратар

муҳаббат сўзини айтадиган  
қўлтўқтаёқли сандивочларни.

Йўқ бу қушлармас,  
қушлар — ботқоқларнинг хира титроғи эмас,  
ҳар дам бизни хўрлаган қотиллик соғинчимас,  
тонгларда далда берган қасди жон туйғусимас.  
Бу олам оғригини ўз жисмига жойлаган  
шўрлик ҳаво парчаларидир.  
Бу тирик қоянинг нурдай тез учган  
тирик бир заррасидир.  
Бу бир зинаоядир, унда булут ва гуллар  
дам олар қонга ботган кўрфазлар суронидан.

Мен қанчалар изладим,  
ҳеч кимни ухлатмас бу куюкни қанча изладим,  
аммо кўрдим панжарларга ёпишган матросларни,  
қорга ботиб қолган митти само жонларин.  
Ҳақиқий оғриқ эса умуман бошқа жойда,  
гўла ичра димиқиб балиқлар ўлган жойда,  
вулқонларнинг ўтли нафаси ва қадимий ҳайкаллар  
қадрини билмайдиган самовий майдонларда.

Овозимда оғриқ йўқ. Фақат бордир тишларим,  
аммо мотам тасмадан улар ҳам сақлар сукут,  
овозимда оғриқ йўқ, аммо бор фақат замин,  
мангу рангин меваларга  
эшикларин ланг очган замин.

## ТОНГ

Нью-Йўрк тонггининг  
лойдан тўрт устунни бор,  
чайқалгувчи сассиқ сувида  
қора каштар бўрони бор.

Нью-Йўрк тонгги инграр  
ҳайбати зўр зиналарда —  
сон-саноқсиз қирралар  
гусса чизган нардларни излар.

Тонг келар, аммо биров текизмайди лабини,  
ахир кун барибир чиқмас, умид йўқ.  
Гоҳ шиддат-ла ташланиб бир ҳовуч чақа  
ямлай бошлар ташланди болаларни.

Кимки уйдан чиқса  
суяк-суягигача сирқиратар илм,  
жаннат-да, севги-да, хазонрез-да йўқ деб уқдирар,  
қонунлар ва сонларнинг лой йўлларидан  
алдовларга берилиб, беҳуда тер тўкишга ундар.

Илдизлари қуриган,  
фан дағдағасидан қийналиб ўлган  
нурнинг қабри узра янграр кишанлар.  
Кўчаларда уйқусиз дайди кимсалар  
гўё сузиб чиққандай қон уммонидан.

## ЭДЕМ МИЛС КЎЛИ ШЕЪРЛАРИ

---

### ЭДЕМ КЎЛИНИНГ АҚСЛАНГАН ШЕЪРИ

*Подамиз ўтлаб юрар, шамол эсар.  
Гарсиласо*

Бу кўҳна садоимдир,  
қуюқ, аччиқ сўқларни тотимаган садоим.  
Мана, ялар, ялар товонларимни  
намчил, заиф қирққулоқлар аро жим.

Вой, севгимнинг кўҳна садоси,  
вой, ҳақиқатим садоси,  
вой, очилган биқинларим садоси,  
тилимдан оқарди хўп ўша кунлари  
оламнинг бор гуллари,  
майсаларининг тушига от жагининг садоси  
кирмаганди ҳаттоки.

Қонларимни ичарлар бунда,  
ичадилар бола руҳим шавқи, мадорин,  
алюминий ва мастларнинг шовқиплари-ла  
кўзларимни синдирганда дунё шамоли.

Ўтказворинг мени қопқадан,  
Момо Ҳаво чумолилар ейдиган маконга кирай,  
Одам Ато оқ балиқлар урчитган маконга кирай,  
ўтказворинг, маст бутазорлар,  
ҳаволаниб учишлару нозли жавлонлар  
ўрмонига қўйворинг мени.

Занглаб кетган тўғнагичлардан  
фойдаланмоқ сирларини биламан яхши,  
Биламан умрлик сопол товоқда  
тўсатдан уйғонган кўзлар даҳшатин.

Менга хаёл керакмас, ў, ажиб садо,  
фақат боднинг энг қоронғи кунжида танҳо  
қолиб кетган эрким керак, одамий севгим керак,  
одамий севгим холос.

Денгиз кўшаклари бир-бирин қувар,  
дарахтларнинг тинч лаҳзасин асрар шамол-да,  
ў, ажойиб садо, ёндир тилинг-ла  
қотган, заҳар тилимин ёндир.

Йиғлагим келар, чунки йиғлагим келар,  
йиғлагим келар ҳозир энг бечора боладай,  
ахир на кас, на шоир, на баргман, ўзга ёқдан  
етиб келган ярадор бир юракман, садоман.

Йўқ, йўқ, талаб қилмасман, фақат илтимос,  
қўлларимни яласин эркин, кўҳна садоим,  
қип-яланғоч вужудим ниқоблар мутоҳида  
кул қоплаган соат пла ойдан олар жазосин.

Шундай дедим,  
шундай дедим поездларни Зуҳал тўхтатган чоғи,  
мени излаб кезганида Ўлим, Туман ҳамда Хоб,  
мени излаганда  
сомоноёқ сизирлар бўкирган жойдан  
тарозининг икки палласи аро.

## ТИРИК ОСМОН

Зорланмасман  
гарчи тополмадим излаганимни.  
Энди кўролмасман қақраган тошлар,  
қовжираган иначилар орасида  
қуёш ва мавжудотнинг олинувини.

Қадим дунё сари кетурман,  
кетурман чақалоқни титратган  
тўқнашувлар, тўлқинлар, суронлар  
шитирларга тўла бир дунёга кетурман.  
Теранликка етурман,  
ишқ ва қумда эриб осмонларга еингиганимда  
излаган нарсамда  
шодликнинг оқ бўёгин кўрурман.

Сўқир кўзларни босган қиров ўтмас у ёққа,  
гилдираклар эзворган оғочлар поласи ҳам.  
Унда фақат шакллар шу қадар чатишганки,  
ваҳимали бир шиддат бордир ҳар бир шаклда.

Гулларнинг даврасидан чиқиб бўлмас умрбод,  
қанд каби эриб кетар тишларнинг ҳам шамолда,  
кафтнинг тегини билан қирққулоқнинг баргига  
жон-жонингга етажак филеуягин совуғи.

Томирларнинг тагида, шамолнинг ўзагида  
йўлдан озмиш кимсанинг кўзлари-да очилмиш,  
кўрмиш енгил тўлқинни қўриган сир пўкакни,  
кўрмиш аёл оёқли енгирлар подасини.

## **Зорланмасман**

гарчи тополмадим излаганимни,  
юрак зарби ва сувлар дунёсига кетурман,  
кўрурман ишқ ва қумда эриб битган чоғимда  
излаганим рангининг оқлигини кўрурман.

Кетурман, абадий ёш қолурман, қолур пастда  
гала-гала еллар-да, қумга ботган кемалар.  
Етурман мангулик ва ишқнинг тонгсиз даштига,  
йиқилурман зарб пла,  
ў, ишқ, ҳақиқий ишқ, ишқ!

Истайманки, кучли шамол чиқсин зулмат  
қаъридан,  
сен ухлаган тоқ тагидан гулу ҳарфларни юлсин,  
бошоқларнинг ҳокимияти ўрнатилди деб  
хабар қилсин  
тилло каби товланган негр болага.



## ФЕРМЕР УЙИДА

---

(Ньюбург далаларида)

КИЧКИНА СТЭНТОН

— Do you like me?

— Yes, and you?

— Yes, yes.

Елгиз қолган пайтимда  
доим мен-ла бирга бўлар ўн ёшинг,  
уч сўқир от,  
тагин кўк доғ тўла ўн бешта юзинг,  
жўхори баргларида  
совуқдан титраган митти ҳаяжон.  
Стэнтон, болагинам, Стэнтон,  
қисқичбақа тун ярмида йўлакка чиқди  
бўм-бўш чиганоқлар билан гаплашайин деб,  
мени булбул чўқисайди деган олманинг  
орзуси бор эди булутлару иссиқ ўлчагич  
орқалаб ўрмалаган қисқичбақада.

Қисқичбақа чиққан уйда  
кечалари босинқирар оқланган садлар,  
кичкина охурларда, ўрмондаги хочларда  
энди йиллаб пориллар куюкнинг шуълалари.  
Тунлар қонга ботди ғуссаларим ҳам,  
икки девор эди кўзларинг,  
икки қўлинг — икки мамлакат,  
майса шивирига дўнганди жиемим.  
Талвасам изларди — итлар тишлаган,  
тупроққа беланган — битта кафанни.  
Сен уни титрамай кузатиб қўйдинг  
қоп-қора сувларнинг дарвозасига.

Ў, Стэнтон, ҳайвон болалари орасида қолган,  
тентак болагинам,  
онангни соб қилди қишлоқи темирчилар,  
бир оганг йўқолди тоқлар орасида,  
чумолилар еб ташлади тагин бирини,  
қисқичбақа эса бемалол  
ўрмаларди хонама-хона.  
Иўсин дарёлари ва алам шохлари-ла  
болаларни боқадиган энагалар бор,  
чордоқларда сичқонларга қўйилган  
қопқонларни синдиргучи негрхотинлар бор.

Ахир одамларга кобутарларни  
магзава ўрага чўктирмоқ ёқар,  
тагин кўчаларда бировнинг бармогини  
қисган одам не хоҳлашин яхши биламан.

Гофиллининг бахтингдир, Стэнтон!  
Сени қисқичбақа ярадор қилиб,  
эгалари қирилган хобхонага туфлагап кунда  
денгизчилар кўзига лой сачратиш-чун  
дагал шишалару ожиз бармоқлардан ясалган  
унинг хира атиргули очилганида  
қўрқувнинг гуллари оралаб,  
майсалар оралаб талвасамни изладинг.  
Қисқичбақа эса жимгина ўрмалади тўшагингга,  
чойшабингга қизил манзаралар сачратди,  
тобутлар устига биттама-битта  
музлаб қолган шохчаларни қўйиб чиқди у.  
Стэнтон, Иуда чилтори-ла ўрмонларга кет,  
дарахтлар, булутлар, тошбақаларда,  
ухлаган кўппаклар, қўргошин ва шамолда,  
бедор сафсаргулларда мудраган  
мовий илоҳий сўзларни  
ўргангани ўрмонларга кет,

шубҳасиз, етарсан, болам,  
халқинг унутиб қўйган нарсалар маънисига.

Қўзғолганда уруш шамоли  
кучукчанга ошхонада  
қолдираман бир бўлак нишлоқ.  
Сенинг ўн ёшинг эса  
мурдалардан қолган япроқларга айланур,  
ўн дона юмшоқ олтингугурт гули бўлур  
тонгларимнинг сийнасида.  
Мен эса Стэнтон, бу дунёда танҳо бир одам —  
лабларимда гуллаб бўлган сенинг ўн ёшинг —  
безгакнинг зангори ҳайкалларини  
овозим-ла тешиб бораман.

## **СИГИР**

**Битта сигир сўйилди,  
шоҳларига ўралди оғочу сойлар.  
Осмонга оғзидан қони қуйилди.**

**Каттакон арини эслатар оғзи,  
муртлари ҳам сўлақдан.  
Аянчли оқ нола уйғотди товғни.**

**Жонли, жонсиз сигирлар —  
пушти нур ва мис рангли оҳур  
мўлар кўзларини юмганча бирдан.**

**Билиб қўйсин илдиэлар,  
билсин пичоқ қайраб турган болаям,  
еса бўлаверар энди сигирни.**

**Ойга айтнинг, саргайган  
қояларда турган тунгаям айтнинг,  
сигир кетиб қолди кулга айланиб.**

**Сигир кетди бўкириб,  
ластак, вайрон бўлган осмонга, унда  
пивёнлар газакка урар ўлимни.**

## ҚУДУҚҚА ЧУККАН ҚИЗ

### Гарнота ва Ньюбург

Ҳайкаллар қўрқар тобут  
зулмати бор кўзлардан,  
улардан-да қўрқинчли денгизга оқмас бу сув.  
Денгизга оқмас бу сув.

Кунгираддор деворларда зир югурар  
балиқчилар.  
Тезроқ! Баққа! Ана у! Кулкуллайди юлдузлар,  
...денгизга оқмас бу сув.

Едимда қолдинг буткул юлдуз, ёгду, оруздай,  
йинглайсан от кўзининг қирғоғида жимгина,  
...денгизга оқмас бу сув.

Ҳеч ким сенга зулматда кенглики,  
олмоснинг келажагин бахш эта билмас,  
...денгизга оқмас бу сув.

Одамлар излаганда болишлар сукутгоҳин,  
чамбаракда абадий уриларсан тошларга,  
...денгизга оқмас бу сув.

Илдизлар ва ёлғизлик билан олишган ёвқур  
тўлқинлар огушида абадий барҳаётсан,  
...денгизга оқмас бу сув.

Қияликдан тушишар! Турақол энди, нурнинг  
томчилари сен учун занжир каби тушажак.  
...денгизга оқмас бу сув,

**Билмай сув парисига айланиб қолдинг буткул,  
қўйвормайди қудуқнинг кучли қўллари сени.  
...денгизга оқмас бу сув.**

**Йўқ. Денгизга оқмас, йўқ. Сув жимийди қудуқда  
бўм-бўш иморатлар ҳам яралар зинасида  
нафас олар тори йўқ юзлаб гижжак сингари.**

**Денгизга оқмас бу сув.**

## ҰЛИМҒА МУҚАДДИМА

---

### ТУҒАНИМАС ДОСТОНЧА

Йўлдан адашмоқ  
қорға қўшилмоқдир,  
қорға қўшилмоқ эса  
ийгирма аер қабристонда ўтламоқдир.  
Йўлдан адашмоқ  
бир хотинга дуч келмоқдир,  
бир хотинки, сўяр икки хўрозни бирдан,  
бир хотинки, сира қўрқмас ёғдудан,  
ёғду эса қўрқмас хўроздан,  
хўроз эса қичқирмас қорда.  
Қор ҳам агар адашиб қолса,  
уйғонажак юракда самум,  
аммоки бу самум гарангдир,  
шундан қабристонда ўтлайверамиз.  
Икки митти бошоқ ҳасратда  
бир вулқонни кўмганин кўрдим,  
икки бола қотил кўзларин  
ийглаб-ийглаб тепганин кўрдим.  
Чунки икки асло рақам бўлганмас,  
бу кўлка ташлаган иккита ғамдир,  
бу севги зорини айтган гитардир,  
бир-биридан айри икки чексизлик,  
бу тагин мурдалар деворларидир,  
бемақсад туғилган одамга жазо.  
Икки рақамини суймас мурдалар,  
бу рақам ухлатиб қўяр аёлни.  
аёл қўрқар ахир ёғдудан,  
ёғду эса хўроз сасидан,  
хўроз эса ухلامас қорда,  
шундан қабристонда ўтлармиз мангу.

## БҰШЛИҚ ТАСВИРИ

*Абадий жудолик борлигин билай,  
кўрайин бўшлиқлар сувратин бир бор,  
ойдин қўлқопингни берақол, севгим,  
майсада қопкетган пойин берақол!*

**Елгиз шамолгина фил ўпкасидан  
чиқаражак ўлик шиллиққуртларни,  
чиқара олажак нур ва олмалар  
мағзидан совқотган қуртларни пуфлаб.**

**Майсалар шивирлаб додлаган маҳал  
совуқ чеҳралар ҳам сузиб ўтажак,  
гитрар мандолина, юрак олдида  
қунишиб кичкина бақа кўкраги.**

**Ҳувиллаган катта сангин майдонда  
бўкирар сўйилган буқанинг боши,  
илонга ўхшамоқ бўлган шакллар  
абадий музлади биллурлар мисол.**

*Абадий жудолик борлигин билай,  
бўм-бўш бир дунёни бергин, ўргилай!  
Издиҳомлар ғами, дардли осмонни.  
Абадий жудолик борлигин билай!*

**Севгим, қоп-қоронги вужудинг ичра  
қандоқ сукут сақлар қулаган қатор,  
қандоқ гуллаб ётур мўмиё қўли,  
қанча осмон банди, қанчалаб осмон.**



Сувга чўккан тошу бод обкетган сас  
ниқ шохлари — қонли оғочда унган,  
тегсак ишқимизнинг юрак зарбига,  
гуллар яшнар бошқа болалар узра.

*Абадий жудолик борлигин билай.  
Кўрайин булутлар, сойлар бўшлигин.  
Севгим, узатақол дафна қўлларинг.  
Абадий жудолик борлигин билай!*

Менда-да, сенда-да қолгандир қотиб  
қонларнинг кўкарган шохлари тонгда,  
гашжий нимруҳ эса — қўрқувдан қотган —  
ўхшайдў нишонга олинган ойга.

Вужудлар бўшлиқни излайди, қара.  
Тмишланган олмалар, адашган итлар.  
Қандоқ азоб чекар қўрқинчли дунё  
илк гиря изларин беҳуда излаб.

Кўрпамдан ишларнинг шивир-шивирин  
излаганда, бердинг, севгим, сен мадад,  
Чумоли йўқ бўлса — ҳувиллар дунё,  
кўзларим-ла йинглаб кетарсан бадар.

Кўзларимда йўқдир сувратинг, кўрдим —  
болалар олдида аристон ой ҳам  
матросни ғажиган совуқ баракда  
билагингга ўрар эдинг тўрт сойни.

*Абадий жудолик борлигин билай,  
эҳтиросли севгим, жудоли севгим!  
Бўшлигингни менга қилмагин инъом,  
шамолда учади менинг бўшлигим.  
Вой, шўрим, вой, шўринг, вой, шамол шўри!  
Абадий жудолик борлигин билай.*

## ЗАМИН ВА ОЯ

Қалдиргоч тухумларини еб юрадиган  
кўнгли очиқ бир одам билан қоламан.  
Бруклинда майхўрлар тепалаб кетган  
яримьяланг чақалоқ билан қоламан.  
Биргаман йўқлик сари жим кетаётган  
томирлари кўкарган кимсалар билан.

Ягона замин бордир. Ягона замин  
четлари хилпираган урхонлар учун,  
булутнинг бод ялаган қорачиқлари,  
қонталаш жароҳатлар, намчил фикр-чун,  
замин бор заминдан не қочар бўлса.

Бу ёнган ашъёлардан сочилган кулмас,  
дарахтлар илдизлари тагида чиркин  
лабларини қимирлатган мурдалар эмас.  
Пастликда қолдириб наҳанг галасин  
осмонга талпинган луччак замин бу.

Шодлик тўла заминдир, хотиржам юзар,  
келгану кетганда зоҳир тимсоли.  
Бор бўлгин қирққулоқ сингари ўйнаб,  
фиръавнинг чехрасига ўхшаган замин.

Борлигида бокира йўсинлар ёнган  
тўнглаган битта аёл билан қоламан,  
Бруклинда майхўрлар тепалаб кетган  
ярым яланг болалар билан қоламан,  
қоламан бурда-бурда йиртилган емиш,  
айиқларнинг емиши-ла бирга қоламан.

**Уша маҳал тушиб келар зиналардан ой,  
кўкимтир кукунлардан шаҳарлар тиклаб,  
мармарий оёқларга тўлдиран даштни,  
оқ кулгу томчиларин сепар ҳарёнга.**

**У, Диана! Диана, бўм-бўш, Диана,  
арилар уймалашган қабарик ойна  
лаҳзалик ишқдан сўнг ўлимга элтган  
ялангоч баданни кўрсатмас асло.**

**Бу заминдир, э худо, ахир етишдим,  
чеҳрасин кенглик ёнган, юрак зарби ва қабр,  
босилгувчи бир оғриқ, ўтадирган муҳаббат,  
тирик қондан тикланган куйган қўлли минора.**

**Аммоки, оӣ баланд-пастга югурар зиналардан,  
кўзларига тўлдириб суман уругин,  
нуқра сунурги билан болаларини ураркан,  
шамолнинг думи билан артар юзимни.**

## ВАЙРОНА

Ўзини топмай кезар,  
Адашар ўзининг оппоқ жисмида.  
Шамол шундай эсар.

Ҳатто ой ҳам оймас,  
ой отнинг бошкосасидир,  
шамол — қора олма.

Қамчи, тўлқин товуши —  
деразанинг нарёгида  
сув қум билан олишар.

Ўтиб борар майсалар,  
уларга ташладим битта қўзини,  
шўрлик қандай маърар.

Бир томчи сувда  
момиқлар, полапон каптарнинг  
нафис пўстлоғи сузар.

Гала-гала булутлар  
тонг ва қояларнинг олишувини  
кузата туриб ухлар.

Болам, келар майсалар,  
бўм-бўш бир осмонда жаранглар  
сўлакдан ясалган найзалари.

**Қўлим, севги, майсалар!  
Деразанинг синган ойнақларида  
қон сочин ёзворар лаҳзада.**

**Сену мен қолдик ёлгиз.  
Шамолга қўйиб бер сўнгаларингни.  
Мену сен қолдик ёлгиз.**

**Сўнгаларинг қўй энди.  
Энди тезроқ бедор юзларимизни  
изламоқ керак, севги.**

## ОЙ ВА ҲАШАРОТЛАР МАНЗАРАСИ

*Ой ёришар денгиз узра,  
елканларва йиғлар шамол.  
Енгилгина эсиб қўзғар  
мовий ёруғ тўлқинларни.  
Эспронседа*

Ҳар қишлоқда яшаса денгиз париси,  
юрагим бир дона бошмоққа ўхшар.  
Бемор саси тинган билан тугармиди туш,  
биrow кўриб қолмаса қайиқлар чўкмас.

Шамол сал эганида  
юрагим бир қизга айланиб қолди,  
айланар сигирнинг минг йиллик тезагига  
шамол қамишзордан тикилган чоғи.

Сузайлик кунгиралар лашкаргоҳига,  
сочилган пистирмалар сари сузайлик.  
Тун қордай, ёгар қорнинг музлаган бир онидай,  
Ой ҳам!  
Ой!  
Ой ҳам оймас,  
майхона тулкисидир,  
ўз кўзларин чўқиган бир япон хўрозидир,  
эзилган майсадир.

Спиртланган чувалчанглар бизни асраб қололмас,  
дониш дунё астарин  
ахтарган гиёҳлар ҳам.  
Бор шакллар ёлгондир. Фақат ҳавони ютган  
сон-саноқсиз оғизлардан иборат олам.  
Ой ҳам  
оймас.  
Ҳашаротлар,  
соҳилларга сочилган ушоққина мурдалар,

бўйига чўзилган бир оғриқ,  
бир томчи йўд,  
тўгнагич учуда яшаган авом,  
қонимиздан хамир қорган битта девома,  
менинг ишқим — куюк ёки от эмас,  
юраги ғажилган бир бола!  
Менинг ишқим!

Ана куйлаб, бақиринлар, оҳ-воҳ қилишар!  
Чехра. Сенинг чехранг! Чехра.  
Ҳамма олма — шунақа,  
барча гули кавкаб бир хилдир,  
ёғдуда ўлимнинг совуқ таъми бор,  
ўн йилликлар дузлари сигмиш танга юзига.  
Аммо чехранг тўшалар базмлар осмонига.  
Ана, куйлашар! Бақиринлар! Оҳ-воҳ қилишар!  
Чанг солишар! Суқулишар! Қийнашар!

Кетиш керак жадалроқ,  
сўйилган мол шохлари  
жарангига тўлиб кетган кўнчилик дўконлари  
оралаб сой бўйига тушувчи тор кўчалардан  
кетиш керак тўлқинлар, шохлару зиналардан.

Денгизда чўмиларди бир рангпар одам,  
шу қадар хастайдики,  
ўйнаётган шуълаларга юрагини едириб қўйди.  
Перуда-чи минглаган хотинлар бор —  
ў, ҳашаротлар —  
бу хотинлар чалиштириб шоҳтомирларини  
кечасию кундузи тинмай марш ўйнашар.

Ушоққина қўлқоп ҳам қўлимни еб қўйди, бас,  
илк шоҳтомир ёрилиб,  
жаранглар рўмолчамда,  
ишқим, оёқларингни, қўлларингни ҳам асра.  
Ахир келмиш уларга юзимни бермак пайти,  
юзим, юзим, ғажилган шўрлик юзим.

Хоҳишимга аталмиш — манови тоза олов,  
мувозанат чанқоғин босмиш манов ҳаяжон,  
манов бола огриги кўзга тушган ғубордай  
мавҳумлик еб ташлаган  
юрак дардини босур.  
Бизни асраб қололмас сираям этикдўзлар,  
агар калит топилса куйлайдиган қутилар.

Шамол — ёлгон. Фақат бордир —  
ҳар нарсани эсда тутган  
бешик бордир чордоқда.  
Ой ҳам йўқ.  
Оймас.  
Ҳашаротлар,  
фақат ҳашаротлар  
ёрилишар, тишлалар, чақиллар, уймалалар,  
ой ҳам  
тутундан қўлқоп кийиб турар  
вайронаси остонасида  
Ой !!!





## НЬЮ-ЙЎРККА ҚАЙТИШ

---

### НЬЮ-ЙЎРК (АЛБИНОМА)

Кўпайтирмақ истасалар,  
кўпайтирар жонворларнинг қон томчиларин,  
бўлиштирмақ истасалар,  
бўладилар матрос қонини,  
агар қўшмоқ истасалар  
дарё-дарё қонин қўшарлар.  
Бу дарё шаҳар этагидаги  
хобгоҳларни гарқ қилиб куйлар,  
симунт, кумуш ё шамолга айланиб  
қуйилар Нью-Йўркнинг қалбаки саҳарига.  
Бу дунёнинг тоғлари бор,  
теледурбинлар бор, биламан.  
Осмонларга қарагани келмадим аммо,  
оқаётган қонни кўрай деб келдим.  
Бор нарсани оқизиб шаршараларга,  
кобра тилин тўғрилаган қонни кўрай деб келдим.  
Ҳар кун сўядилар Нью-Йўркда,  
тўрт миллион ўрдакни сўярлар,  
беш миллион тўнгиз,  
икки миллион каптар сўярлар,  
сўнг тутарлар баднафе шаҳарга.  
Милён сўқим,  
милён барра,  
осмонларни чил-чил синдирган  
икки милён хўроз,  
ҳар кун субҳидамда  
қатор-қатор битмас-туганмас  
сут қуйилган цистерналарни,  
қон қуйилган цистерналарни,

савдогар атторларга аталган  
вагон-вагон асира атиргулларнинг  
жон берганини кўргандан кўра,  
пичоқларини қайраб йиғлаган яхши,  
итларни шикорда сулайтган яхши.  
Ўрдаклар, каптарлар,  
тўнғизлар, барралар  
кўнайтириш осон бўлсин деб,  
қонларини томчиларга бўлиб берарлар.  
Гудзон қорамойдан маст бўлган жойда  
бор мадори сўриб олнган  
сигирларнинг даҳшатли фарёди  
босиб кетар бутун водийни.  
Сиздан нафрат қиламан  
дунёнинг ярмини унутган каслар —  
асло ювиб бўлмагай гуноҳингизни —  
зарра меҳр кўрмаган йиртқичвачча юрагидай  
юраги гуре-гуре урган одамлар,  
улар симун тоғларни қураар,  
юрак зарби ила тешарлар  
садларни бир рўзи қиёмат кун.  
Сиздан нафрат қиламан.  
Мени тинглар ҳалол нон топиб,  
қўшиқларини баралла айтган,  
ҳашаротлар заиғлаган бўшлиқни  
калтакда — титкилаб юрган  
софдил тиламчи болалардай  
кўнгли тоза дунёнинг ярми.  
Бу кўчадир, дўзахмас.  
Бу ўлиммас, сабзавот дўконидир.  
Автомобил босиб кетган  
мушукнинг панжасида  
тинкаси қуриган дарёлар,  
одам оёғи тегмаган кенгликлар бор.  
Очқаган қизчалар юракларида  
чувалчанглар куйини эшитдим.

Бу ириган, занг босган замин титрогидир.  
Замин, сен-да оворасан  
рақамлару рўйхатларнинг ораларида.  
Энди нима қилайин? Безайми бу сувратни?  
Сиз саргарган сувратга айлантирган  
пишқ ҳақида куйлайинми?  
Силларнинг туфдонига  
айланган тобутларни куйлайинми?  
Иўқ, йўқ, айблагайман  
бўм-бўш маҳкамалар расталарини,  
Авлиё Игнасио де Лойола  
бир пайт қуён боласини сўйганди,  
ҳозиргача черков қуббаларидан  
эшитилар унинг оҳу зорлари.  
Иўқ, йўқ, айблагайман  
изтиробнинг талвасаси эшитилмаган,  
ўрмонларнинг ҳаволари кирмаган,  
бўм-бўш маҳкамалар қаторларини,  
Гудзон қорамойдан маст бўлган жойда  
фарёди водий жимлигини бузган,  
тинкаси қуриган сигирлар  
еб қўйсин менд.

## ИККИ ҚАСИДА

---

### РИМГА ҚАСИДА

(Крайслер Бильдинг минорасидаги  
бақриқ)

Ўткир кумуш пичоқлар  
тилган олмалар,  
олов мағзидан куйган,  
ёқут қўл йиртган булутлар,  
маргимуш балиқлар наҳангларсимон,  
оммани кўр қилган ёшдай наҳанглар,  
жароҳатловчи атиргуллар,  
шоҳтомирлар кушандаси — игналар,  
қурт-қумурсқа еб ташлаган  
адоватли дунёлар, ишқлар  
бошгинанга ёгилсин.

Нурдай кобутарга қарата сийган  
минглаб қўнгироқлар даранглаганда  
қоп-қора сўлагин туфлаган  
одам узра юксалган осмон —  
ҳарбий тиллар ялаб ташлаган  
осмонингга ёгилсин.

Чунки шаробу нонин бўлишгучи бир кае йўқ,  
қабрлар бошини кўкартиргучи,  
фил оёқлари топтаган майсаларга  
аза очадиган бирор одам йўқ.  
Ҳали туғилмаган чақалоқларга  
кишан қуядирган минглаб чигиртка бордир.  
Хочсиз тобутларни шоша-пиша  
михлаётган минглаб дурадгор бордир.  
Бордир, тўшларини очиб  
ўқ кутётган минглаб одам бор.  
Каптарни ёмон кўрган сўйлаши керак,

додламоғи керак ечиб бор либосини,  
мохов бўлиш учун  
заҳар ичмоғи керак,  
биллур телефонларини, шоҳонагини  
эритгудай қаттиқ йиглаши керак.  
Аммо оқ кийган бу одам  
билмас бошоқ сирини,  
тўлгоқдаги аёл ноласин билмас,  
Исо пайгамбари сув билан кун кечиринини,  
бўсалар мўъжизасини тангалар куйдиришини,  
бефаросат қирговул тумшуги  
ботганини билмас қўзи қонига.  
Тогдан тушиб келаётган мўъжизавий нурни  
дониллар кўрсатар болакайларга,  
аммо бу ёқларга етиб келар  
газаб илоҳларини бақиригига  
тўлиб кетган битта разиллик.  
Дониллар эҳтиром-ла кўрсатар  
бухўр тутундан қорайган гумбазларини,  
аммо ҳайкаллар тағида ишқ йўқ,  
ишқ йўқ шишага айланган кўзлар тағида,  
ташналик азоблаган бағирда ишқ бор,  
тошқинларга чидаган кулбада ишқ бор,  
ишқ бор очлик илоҳлари чатишган ҳандақларда,  
чағалай мурдаларини чайқаган ғамгин денгиз,  
болилларини тешгувчи қоронги бўсаларда.

Қўллари ёруғ бир чол  
ишқ, ишқ, ишқ, дейди,  
ишқ сўзини қайтарар минг-минглаб ўлётганлар,  
ишқ, ишқ, ишқ, дейди чол,  
назокатдан титрар кундал,  
тинчлик, тинчлик, дейди чол,  
ничоқлар гижирлаши, динамитлар орасида,  
ишқ, ишқ, ишқ, дейди чол,  
айтаверар лаблари кумушига айлангунча.

Ҳозир эса, ҳозир, ай, ҳозир эса  
туфдонларни обчиқётган мажорлар,  
бўғинга қорамой тикилган аёллар,  
дегреслар, гижжакчилар, булутларга тикилар,  
бақиринингиз керак  
бошингизни деворларга уриб ёрсалар ҳам,  
ўтдан жинни бўлиб бақиринг,  
қордан жинни бўлиб бақиринг,  
бақиринг бошингиз нажас тўла бўлсаям,  
бақиринг, юзта туи бақирганидай,  
юракларга ларза солиб бақиринг токим,  
болалардай чўчиб кетени шаҳарлар.  
Ёрилсин май, мусиқа тўла турмалар,  
чунки бизга ризқи рўзимиз керак,  
зирк гули, назокатининг яшнаган дони керак,  
ахир меваларни болаларга уланган  
замиянининг орзуси ушалсин, деймиз.

## УУЛТ УИТМЕНГА ҚАСИДА

Бронксада, Ист Риверда  
либосларин ечиб, ўсмирлар куйларди,  
атрофда — гилдираклар, қорамой, чармбандлар.  
Тўқсоннинг коччи бордир тоғдаги кумушконда,  
болалар чизарди ўрмону данит сувратин.

Аммо ҳеч ким ухламасди,  
ҳеч ким дарё бўлай демасди,  
ҳеч ким суймасди улкан барглару  
соҳилларнинг мовий тилларин.

Кенигсбергда, Ист Риверда  
ўсмирлар курашарди саноат билан,  
жуҳудлар сотарди сув илоҳига  
ҳатна атиргулин дарё бўйида,  
кўприклар, томлардан осмон қўйворган  
улкан буқаларни ҳайдарди шамол.

Аммо ҳеч ким тўхтамасди,  
ҳеч ким шамол бўлай демасди,  
ҳеч ким қирққулоқнинг буталарини,  
дўмбиранинг зард юзин изламасди.

Ой чиққан паллада  
осмонни тўнтариб,  
айлана бошлайди тишли паррақлар,  
хотирани қуршар игналар ғови,  
тобутлар обкетар бекорчиларни.



**Нью-Иўрк бақатўн, балчиқ дегани,  
Нью-Иўрк пўлат сымлар, ўлим дегани.  
Ичингда яширдинг қайси малакни?  
Бошоқ сирин очур кимнинг хўб саси?  
Нечун ёмон тушдай латифаларинг?**

**Бир лаҳзаям, оқсоқол, Уўлт Уитмен,  
капалаклар уймалашган соқолларингдан,  
ой нури ўнгитган чийбахмал елкаларинг,  
кул устунлар қаторидай овозингдан  
узолмадим нигоҳларимни,  
туманлардай хушрўй, оқсоқол.**

**Сен — фосиқ шайтону  
занглар душмани,  
дағал кўйлакдаги таплар ошиғи,  
игна баданингга санчилганида  
қушдай нола қилдинг, хушрўй оқсоқол.  
Бир лаҳзаям, камол эр,  
кўмиртоғлар, эълоннома, темирйўллар орасида  
бир гофил сиртлопнинг ушоққина огриғини  
кўкенингга қўядиган кимсалар-ла  
дарё бўлай демадинг, дарёдай ухламадинг.**

**Бирор лаҳзаям, кўҳнақон Одам,  
денгиз ўртасида ёлғиз турган, оқсоқол,  
томларда тинимсиз сакраган ҳақкалар  
уймалашиб майхоналар остонасида,  
оқова зовурлар ёқасида тўпланиб,  
шўпирлар оёқлари тагида титраб,  
уймалашиб шувоқлар орасида  
сенга ҳавас қилмай туролмас.**

**Мана, яна буям! Бунисиям! Ёрқираб  
товланган оппоқ соқолнингга ағдарвордилар  
оқсарик шимолликлар, соҳилдаги негрлар**

бақриқлар қуюнию чўзилган қўлларини;  
мушукдай, плондай — ҳақкалар,  
Уўлт Уитмен, ҳақкалар,  
хипчинлар измига бўйинсунгувчи,  
қамчиға ўрганган ҳақкалар.

Мана, яна тагин! Бунисиям! Бугдойранг  
бармоқлар

тушларинг соҳилларни кўрсатиб турар,  
олмангга жудаям ўхшаб кетадиган,  
қуёни, бензин ҳиди келган дўстинг эса  
кўприкнинг тагида ўйнаётган  
ўсмирларнинг баданини куйлар.

Аммо на тилинган кўзларин изладинг, на  
болаларни ютувчи қоп-қора ботқоқликни,  
на муздай сўлакларни,  
на бақалар қориндай —  
қоронғи кўчаларда оё қамчилаб қолганда  
автомобилдаги ё говларининг тагида —  
бўйинларин қисиб қуншиган ҳақкалардай  
изламовдинг майиб-мажруҳ ярадорларни.

Уйқу, буқа, сувўтлар илашган бир чархпалақ,  
талвасангининг аждоди ва ўлимингининг оқ гули,  
дарё каби бақувват, яланг танин изладинг,  
нолалар қилдинг сирли истивонинг ўтида.

Адолатданми излаш йўқ ҳузур-ҳаловатни  
келажак сабоҳларининг қоп тўла финжончдан,  
ҳаётдан тўйганларга самовий соҳиллар бор,  
эрта нури сўнгувчи яшнаган баданлар бор.

Талваса ва талваса, тушлар, фасод ва тушлар.  
Дунё дегани шудир — талваса ва талваса.  
Мурдалар чирир кентлар соатлари тагида,  
дод солиб ўтар уруш,  
сўнг милёнта каламуш,

порлаган ва чалажон кичкина одамларни  
бойлар совға қилар ўйнашларига,  
ҳаётнинг асерори йўқ, эзгулик, ҳиммати йўқ.

Агар одам истаса самовий ялангликда  
томирларида кезган ҳирени тўхтата олар.  
Эртага муҳаббат ҳам қояга дўнар шаксиз,  
вақт дўнар шохларда эркаланган шамолга.

Шунинг учун овозимни кўтармайман, Уўлт  
Уитмен,

ёстигига қизболанинг  
исмин ёзган болага,  
келиндяк кўйлагини кийиб кўрган ўсмирга,  
арзон муҳаббат сувин  
жирканиб ичган касга,  
эркак кишини сўйиб лабларин жим кўйдирган  
яшил кўзли касларга кўтармасман овозим.

Фақат сизга бақиргум, шаҳарнинг ҳаққалари,  
тапингиз босган фасод, дилингизни — бузуқлик.  
Сиз ким — шодлик тожини улашган муҳаббатнинг  
уйқусиз душманлари, малъунлик яратганлар.

Аччиқ заҳар, пфлос ўлим томчиларини  
ўсмирларга ичирганлар, сизга қаршимап,  
доим сизга қаршимап:  
амриқолик «гўзаллар»,  
гаваналик «қушчалар»,  
мехиколик «латталар»,  
кадислик «хонқизлар»,  
севиллалик «товоқлар»,  
мадридлик «тақсимчалар»,  
аликантеллик «гуллар».

Дунё содомитлари, каптарлар қотиллари!  
Хотинпараст, хўжайин қўлни ялаган итлар,

майдонларда елшайса елидан титраганлар,  
тиканлар панасига яшириниб олган пастлар.

Йўқ. Шафқат йўқ! Улим қуяр қўзларингизни,  
бақатўнли соҳилдан гулчамбар тўқир ўлим.  
Шафқат йўқдир. Эшитинг,  
дилипоклар, қўрқоқлар,  
майли, намояидалар, машҳурлар, тиламчилар,  
ёписанлар шайтонбазм эшикларин қаттиқроқ.

Сен эса, Уўлт Уитмен, ухла Гудзон бўйида,  
қўлинг ёзиб, соқолинг қутбга қаратиб қўй.  
Қор ёки оппоқ лой, тилинг барча дўстингни  
вужудсиз кийинингни боқиш учун чақирар.

Ухла. Яна нима қилардинг?  
Деворларнинг рақсидан сайхонлар ҳам безовта,  
мошинлар, кўзёшларга гарқ бўлар Америка.  
Қани бир кучли шамол қўзгалса тун қаъридан,  
юлса сен ётган тоқдан ҳарфлару гулларни,  
ер юзида бошоқлар даврони бошланди деб,  
оқликка хабар берса  
берса негрболалар.

## НЬО-ЙЎРҚДАН ҚОЧИШ

---

### КИЧИК ВЕНА ВАЛСИ

Сайрона ўп қиз бор Вена шаҳрида,  
ўлим йиғлайдиган битта елка бор,  
бор каптар ўрмон, яъни тулунзор,  
қировдан қурилган музей қаърида  
сабоҳнинг парчаси ноёб нарсадай.  
Яна бордир минглаб деразали зал,  
Ай, ай, ай, ай!

Олақол, сенки шу овозсиз валс.

Бу валс, бу валс, рақслар рақси,  
орқа бар пўтаси денгизга тушган  
ўлим билан шароб, ризолик валси.

Севаман, севаман, севаман жондан,  
жонсиз китоб билан ўтирганинг дам,  
қайгулар тўлқини босган айвонда,  
гүлсафсарпнинг камбар кўйларида ҳам.  
Ойдин тўшакларда севаман қандай,  
тошбақа тушига кирган рақеда.

Ай, ай, ай, ай!

Ол, сенки манов синиб кетган валс.

Вена шаҳрида бор тўрт дона кўзгу,  
уларда аке садо, лабларнинг ўйнар,  
бордир ўемирларни кўкрангга бўяб  
роял чалаётган тагин бир ўлим.

Гадолар томларда дайди Венада,  
мўлдирларнинг яшанг чамбарлари бор,

Ай, ай, ай, ай!

Қўлимда жон берган бу валсни ол.

Мен сени севаман, болапақирлар  
ўйнаган чордоқда севаман, ёрим,  
илмилик шомларнинг шитирларида  
тушимга кирганда мажор анвори.  
Хира пешонагнинг жимлиги барра,  
оппоқ бинафшага тўлиб кетган он,  
Ай, ай, ай, ай!  
«Мен сени севаман», деган валени ол.

Венада тушарман сен билан рақсга,  
рўйимга сой рўйин ниқоб этарман,  
қара, соҳилимда суибуллар яшнар,  
пойингга лабларим ташлаб кетарман  
оқ бинафшали дил расмлари-ла,  
қолмогин истайман қабртошларнинг,  
ғижжаклар, юракнинг тасмачалари  
қоп-қора тўлқинли равшларнингда.

## ШОИРНИНГ ГАВАНАГА КЕЛИШИ

---

### КУБАЛИК НЕГРЛАР РАҚСИ

Тўлин ой чиққанида Кубадаги Сантьяго,  
Сантьягога бораман.

Қора сувнинг дилижонида  
Сантьягога бораман.

Куйлаворар хурмолар авжи,  
Сантьягога бораман.

Дўнар маҳал хурмо лайлакка  
Сантьягога бораман.

Айни банан етилган чоғда  
Сантьягога бораман.

Сантьягога бораман.

Сочлари оқ Фонсека билан  
Сантьягога бораман.

Ромео, Жюлетта атиргули-ла  
Сантьягога бораман.

Бир дунё қоғозу кумуш тапгалар —  
Сантьягога бораман.

Ў, Куба! Ў, қуруқ уруглар кони!  
Сантьягога бораман.

Ў, қайноқ оғушлар, оғоч томчиси!  
Сантьягога бораман.

Шўх барглар, тимсоҳлар, тамаки гули!  
Сантьягога бораман.

Қора сувнинг дилижонида  
доим Сантьягога бораёй деганман.

Сантьягога бораман.

Шабада ва шароб гилдирагида  
Сантьягога бораман.

**Йилтираган зулмат қаъридан  
Сантягога бораман.**


**Саҳроларни ютган денгиздан  
Сантягога бораман  
Оқ жазира. Сўлгин мевалар.  
Сантягога бораман.  
Буқалардай таранг қампишлар!  
Ў, Куба! Сўлишларнинг бурилган жойи!  
Сантягога бораман.**



ИГНАСИО САНЧЕС  
МЕХИАСГА АЗА

---

(1935)



# I

## БУҶА ҶАМЛАСИ ВА ЁЛИМ

**Кечки пайт соат бешда.**  
**Кечки пайт соат беш эди.**  
**Чойшаб олиб келди бола**  
*кечки пайт соат бешда.*  
**Оҳактўрва ҳозир бўлди**  
*кечки пайт соат бешда.*  
**Кейин ёлим, ёлғиз ёлим —**  
*роппа-роса соат бешда.*

**Мос пахтани юлқиди бод**  
*кечки пайт соат бешда.*  
**Унди никел, биллурда доғ**  
*кечки пайт соат бешда.*  
**Ўзин отди барсга каптар**  
*кечки пайт соат бешда.*  
**Сон ёрилди мугузлардан**  
*кечки пайт соат бешда.*  
**Садо берар йўгон торлар**  
*кечки пайт соат бешда.*  
**Маргимушбўй, тутун босар**  
*кечки пайт соат бешда.*  
**Унда-бунда оломон жим**  
*кечки пайт соат бешда.*  
**Буқа нафас олар қаттиқ**  
*кечки пайт соат бешда.*

**Музлаганда тер томчиси**  
*кечки пайт соат бешда,*  
**саргайганда майдон ичи**  
*кечки пайт соат бешда,*

Ўлим қуртлар жароҳатда  
кечки пайт соат бешда.  
Кечки пайт соат бешда.  
Ропна-роса соат бешда.

Кат ўрнига — маргарава  
кечки пайт соат бешда.  
Садо берди суяк — найлар  
кечки пайт соат бешда.  
Калласида буқа саси  
кечки пайт соат бешда.  
Гулдай яшнар талвасаси  
кечки пайт соат бешда.  
Етиб келар қорасон ҳам  
кечки пайт соат бешда.  
Савсан бурни яшил човда  
кечки пайт соат бешда.  
Кундай ёқар жароҳатлар  
кечки пайт соат бешда.  
Деразалар ланг очилар  
кечки пайт соат бешда.  
Ай, даҳшатли соат бешда!  
Барча соат бешда эди!  
Ғира-шира кечки пайт соат бешда!

## II

### ТҰКИЛГАН ҚОН

Кўрмайин қон лужжасини!

Айтиб кўйинг, ой чиқсин кеч,  
чуки спра кўрмай дейман  
Игнасно қонини ҳеч.

Кўрмайин қон лужжасини!

Лангиллаган ой очилди.  
Будут оти этмас қимир,  
хоб майдони гардишига  
толчивиқлар суқилгандир.

Кўрмайин қон лужжасини!  
Хогирамни қон куйдирар.  
Бу ўлимдан оқиш ёсми  
нурларига берият хабар.

Кўрмайин қон лужжасини!

Кўҳна дунё сиғири ҳам  
гамгин тили билан шошмай  
майдондаги тўкилган қон  
башарасини ялай бошлар.  
У, Гиссандо буқалари,  
ярми ўлим, ярмиси тош,  
бўкирворар ерни мангу  
топтамоққа беролмай дош.  
Иўқ.  
Кўрмайин бу лужжани!

Ўз ўлимин кифтга ортиб,  
зиналардан тушар пастга.  
Бир саҳарни тонсам, дейди,  
йўқолганди энди саҳар.  
Излар дагал нимруҳини,  
адаштирар бироқ хоби.  
Излар гўзал андомин лек  
учратади очиқ қопин.  
Қон лужжасин кўрсатар ким!  
Қон ёлқини фаввор сувлар  
каби сачрар шийпонларга;  
қаторларда, печакгуллар,  
кимхоб кийган жунун авом  
юз-кўзида порлаб ўйнар.  
Ким бақирар қарагин, деб!  
Қон лужжасин асло кўрмай!

Яқинлашган мугузларга  
сипра киприк қоқмай қарар,  
бироқ вазмин даҳшат ила  
волидалар бош кўтарар.  
Яйловдан қир шамолида  
оқ булутлар подавони  
ҳам самовий буқаларга  
бир яширин садо борди.  
Севиллада бўлмаган ҳеч  
азал-абад бундай шаҳзод,  
на бир шамшир шамширидай,  
юрагидай юрак асло.  
Бундай вужуд қувватига  
арслонсойлар мисол бўлур,  
ўктам, мрамар андоми ҳам  
ақлига бир тимсол бўлур.  
Андалусий равшап ҳаво  
бошин белаб қўйди зарга,  
кулгуси ҳам туз, зиёдан



қоришган бир шаббўдандир.  
Қандай буюк рақиб жангда!  
Қандай буюк тоғлик тоғда!  
Бошоқларни кўрса — ювош!  
Қандай ёмон отлик чоғда!  
Қандай дилкаш шудринг ила!  
Қандай гўзал ҳайитларда!  
Қандай ёвуз зулмат сўнги  
намшир санчган пайтда ҳам!

Бироқ ухлаб қолди мангу.  
Энди йўсин, ўт-ғиёҳлар  
аста дағал бармоқларда  
бошкосасин гулни очар.  
Қўшиқ каби оқар қони  
қиргоқлару сайхонлардан,  
қотиб қолган шохлар узра,  
титрар айри тушиб жондан.  
Оқар узун, гамгин тилдай,  
туёқлардан тўзиб, сўлар,  
Гвадалнаҳр каби ўлим  
лужжасига дўнмоқ бўлар.  
У, оқ садли Испания!  
У, қайғунинг шум буқаси!  
У, ёвузқон Игнасио,  
шоҳтомирин булбуллари!  
Йўқ.  
Кўрмайин бу лужжани!  
Бу қон учун бир жом йўқдир,  
қон томчисин ичадирган  
қалдиргочу бир жон йўқдир,  
бир қиров йўқ музлатгани,  
йўқдир куйлар, сафсангуллар,  
ёпинга йўқ кумуш кўзгу.  
Йўқ.  
Кўрмайин бу лужжани!

### III

#### МАВЖУД ЖАСАД

Биланглаган сувларсиз, музлаган сарвлароғиз  
хоблар инграб ётган бир пешонага ўхшар тош.  
Мангулик томон вақтни дарахтлар кўз ёшлари,  
сайёралар, буржлар-ла кифтда олиб ўтар тош.

Қон ичмас, аъзоларни чилпарчин синдиргувчи —  
ётган тош тутволмасин деган хаёлда қўрқиб,  
позиккина қўлларин кўтарганча баландроқ,  
дарёларга қочётган сур ёмгирларни кўрдим.

Чунки уруғ, булутлар, қалдирғоч суяклари,  
зулматнинг бўриларни вужудига жамлар тош,  
аммоки садо бермас, на шиша, олов бермас,  
ёлғиз майдон беражак, теп-текис майдон холос.

Энди тошда ётибди олижаноб Игнасо,  
ўлди. Ўзи не бўлди? Қаранг, ўлим ҳалятдан  
жасадини белабди олтингугурт унига,  
берибди қоп-қорайган минотавр калласин.

У ўлди. Энди ёмгир кирар очиқ оғзига,  
пучайган кўкрагидан чиқар телба ҳаво ҳам.  
Ишқи ҳам, симирганча қорли кўз ёшларини,  
исинар пода юрган бир самовий маъвода.

Ким сўйлар? Бунда фақат жимлигу фано бордир,  
огир бугланиб ётган жасад бор кўз ўнгимда,  
кечагина булбуллар сайрарди бу жасадда,  
макон бўлмиш туби йўқ тешиқларга сўнгги дам.



Ким қафанив гижимлар? Унинг айтгани ёлгон!  
Бунда ҳеч ким куйламас, йигламас бир чеккада,  
отларга қабол урмас, илонларни ҳайдамас;  
тинсиз қарамоқ учун бу жасадга кап-катта  
очилган кўзлардан ҳам ўзга нарса керакмас.

Отларни совутгувчи, дарёларнинг соҳиби —  
даҳшатли овози бор касларни кўрсам бунда,  
қуёш, чақмоқтош тўла огиз билан куйлаган  
суякларни жарангдор касларни кўрсам бунда.

Уларни кўрсам бунда. Кўрсайдим тош ёнида,  
узилган жилов каби жасад ёнида кўрсам,  
токим ўлим боғлаган Игнасио даргага  
улар кўрсатиб қўйсин чиқадиган бир йўлни.

Улар менга ўргатсин дарёдай йигламоқни,  
йигимнинг бўлсин ҳарир тумони, қўш қирғоғи,  
токим гирям мавжида оқиб кетсин бу жасад,  
эшитмай буқаларнинг қўшнафас, ҳансирогини.

Сўнг жасад яширинсин молнинг жонсиз бошидай  
кўриноққа уринган тўлиной майдонда.  
Яширинсин балиқлар сайрамаган тунда ҳам  
музлаб қолган тутуннинг оппоқ бугазорида.

Ўзи олиб кетётган ўлимга кўникмасин,  
керакмас, Игнасио юзига ёпманг рўмол.  
Энди бор, Игнасио, есқанма садолардан,  
ухла, учгин, ором ол! Денгиз ҳам шундай ўлар!

## IV

### ИҶҶ ЖОН

Сени танимайди буқа ва анжир,  
ҳатто уйингдаги чумоли, от ҳам.  
Сени танимайди бола ва оқшом,  
чунки сен ўлгансан абадул-абад.

Сени танимайди тошнинг елкаси,  
жасадинг чиритган қора кафан — банд.  
Сени танимайди гунг хотиранг ҳам,  
чунки сен ўлгансан абадул-абад.

Куз билан келажак чиганоқлар ҳам  
туман шингиллари, бир тўда жабал,  
кўзларингга қарай демайди ҳеч ким,  
чунки сен ўлгансан абадул-абад.


Чунки сен ўлгансан абадул-абад,  
заминдан хору зор ўтганлар каби,  
ўлиб қолган бир тўп ит орасида  
қолиб кетган барча мурдалар каби.

Сени ҳеч ким билмас. Эрта кун учун  
қадду камолингни куйлаб ўтарман,  
камоли умрингни, ўлимнинг тотли  
лабига ўчлигинг сўйлаб ўтарман,  
куйларман ғуссага тўла ҳаётинг.

Дунё бир айланиб, жўшқин қисматли  
сендай андалуслик қайта келсайди,  
Зор сўзлар-ла куйлаб ғўзаллигини,  
зайтунзорнинг ғамгин бодин эслардим.

# ТАМАРИТ ДЕВОНИ

(1936)



F. D. G.

### I

#### КУТИЛМАГАН ИШҚ ХАҚИДА ҒАЗАЛ

Қорнингдаги қора моноюлиё  
хушбўйини ҳеч кимса тасаввур қилмас,  
ҳеч кимса севгининг полапонини  
тишингда азоблаб юрганинг билмас.

Юзинг саҳнасида ой билан бирга  
ухлади минг-минглаб эроний тойчоқ,  
қорлариниғ душмани — баданинг билан  
тўрт кеча қучоқлаб олишганим чоқ.

Ганжу сумаигуллар аро нигоҳинг  
ниш урган бир гиёҳ каби раиғнардир,  
кўксимдан сенга деб фил суягидан  
абадий деган бир сўзни ахтардим.

Абадий, абадий: абадиятга  
синаётган жисминг, талвасам боғи,  
томирларинг қони лабларимдаги,  
қазомга аталган нурсиз дудоғинг.

## II

### ДАҲШАТЛИ ТИМСОЛ ҲАҚИДА ҒАЗАЛ

**Истайманки, сув йўлидан айрилсин,  
истайманки, бод чўлидан айрилсин.**

**Истайманки, кўзсиз қолсин қора тун,  
қовжирасин юракдаги олтин гул.**

**Ҳўкизлар чўнг барглар ила гаплашсин,  
чувалчанглар ўлсин нурсиз, гафлатда.**

**Ялтилласин каллачаноқ тишлари,  
сариқ шуъла босиб кетсин ипакни.**

**Ярадор мор каби кунга ўралиб,  
тўлганётган тун ҳолини кўрайин.**

**Заҳар томар кунботардан чакиллаб,  
вақт чирийди равоқларнинг тағида.**

**Жисминг яшир, қамишзордан кўринган  
қора куманжирдай олма кўзимни.**

**Бергил қора сайёралар гуссасин,  
аммо яланг белларингни кўрсатма.**

### III

#### УМИДСИЗ ИШҚ ҲАҚИДА ҒАЗАЛ

Тун келишни истамас,  
келолмасин деб сени,  
боролмасин деб мени.

Барибир бораман,  
манглайимни чақса ҳам қуёш улкан чаёндай.

Барибир келасан  
тилингни шўр ёмғирлар куйдирса ҳам аёвсиз.

Кун келишни истамас,  
келолмасин деб сени,  
боролмасин деб мени.

Барибир бораман,  
бақаларга итқитиб сўлгин чиннигулимни.

Барибир келасан,  
зулмат қувурларига ёйиб титроқ гулунни.

Келишни истамайди атайлаб тун ва кун,  
ўлмогинг учун менсиз,  
сенсиз ўлмогим учун.

## IV

### БОТИН ИШҚ ҲАҚИДА ҒАЗАЛ

Фақат бир бор  
эшитай деб Вела жомини,  
сенга совга қилдим тизимгулдан тож.

*Қулмоқларга бурканган  
тўлин ойдаи Ғарнота.*

Фақат бир бор  
эшитай деб Вела жомини,  
Картахена богин айладим пайҳон.

*Пиртираклар орқасиде  
ол буғудай Ғарнота.*

Фақат бир бор  
эшитай деб Вела жомини,  
қайси огуш экапин билмай,  
огушингда тонггача ёндим.

## V

### ЎЛИК БОЛА ҲАҚИДА ҒАЗАЛ

Ҳар кечаси Ғарнотада,  
ҳар кечаси ўлар бир бола.  
Ҳар кечаси дўстлари-ла сув  
ҳасратланиб ўтириб қолар.

Мурдаларнинг қаноти лойдан.  
Минок узра учар — тоза, кир —  
икки шамол — икки қирговул.  
Кундуз эса ярадор ўсмир.

Сени май горида учратганимда  
зарра тўрғай йўқ эди ҳавода.  
Ерда қолмагани булут ушоғи  
чўкаётган пайтнинг дарёда.

Тоғлардан қулади баҳайбат бир сув,  
итлар, гулсафсарлар водийни босди.  
Қирғоқдаги танинг — муз малағийди —  
кафтларимнинг сафсар нури остида.



## VI

### АЧЧИҚ ИЛДИЗ ҲАҚИДА ҒАЗАЛ

Бир аччиқ илдиз бор,  
бордир мингта айвонли дунё.

Энг кичкина қўлчалар ҳатто  
бузолмас сув дарвозасини.

Қаерга, айт, қайдан; қаёққа?  
Бордир мингта дарчали осмон,  
— ариларнинг оппоқ тўзони —  
тагин битта аччиқ илдиз бор.

Аччиқ.

Юз ичида тўпланган оғриқ  
товонгача тушади сизиб,  
ҳозиргина кесилган туннинг  
танасида оғрийди юзим.

Севги, агёрим меним,  
аччиқ илдизинг кемир!

## VII

### ИШҚ ЕДИ ҲАҚИДА ҒАЗАЛ

Жудо этма хаёлингдан,  
юрагимда фақат қолдир

январь шомин азобида  
оқ гилоснинг титроғини.

Мурдалардан мени тўсар  
ёмон, совуқ тушлар сади.

Яшнаган тар савсан каби  
ганж юракка келар раҳмим.

Туни билан икки кўзим  
икки итдай изғиди жим.

Туни билан роса едим  
заҳар-заққум тўла беҳи.

Гоҳо шамол дўғиб қолар  
даҳшатнинг бир лоласига,

Сўлғин лола каби оқдир  
қишнинг рангпар сабоҳи-да.

Мурдалардан мени тўсар  
ёмон, совуқ тушлар сади.

Жимлик аро майса босар  
баданнингнинг бўз воҳасини.

Висол тоқи тағи, мана,  
тиканақлар ўсар яна.

Қолдириб кет хаёлингни,  
юрагимда фақат қолдир.

## VIII

### ҚОРА ҰЛИМ ҲАҚИДА ҒАЗАЛ

Олмалар сингари ухласам дейман,  
олислаб шов-шувга тўла мозордан.  
Ухласам дейман бир юксак денгизда  
юрагин тилмоқчи бўлган боладай.

Мурдада қон бор, деб айтманг, керакмас,  
приган дудоқлар сув сўрар, деманг,  
ғиёҳ бўлмоқ азоби,  
тонгда ишловчи  
илоногиз ой ҳақида гапирманг ҳечам.

Бир лаҳза,  
бирор соат, бир аср ухлай,  
аммо ҳамма билсин, ўлган эмасман,  
билсинлар, лабларим олтин охурдир,  
гуруб боди яқин огайним бўлур,  
томган кўзёшимнинг чўнг кўлкасиман.

Тонглаб юзимга тўр ёпиб қўй, токим  
бир ҳовуч чумоли юргандай бўлсин,  
совуқ сув-ла артгин бошмоқларимни,  
чаёнлар нишлари сирғалиб ўтсин.

Чунки олмалардай ухласам дейман,  
мени бу тупроқдан буткул ювгувчи  
бир йиги, бир фарёд ўргансам токи,  
денгизда юрагин тилмоқчи бўлган  
ўша бола билан қолайин доим.

## **IX**

### **АЖОЙИБ ИШҚ ҲАҚИДА ҒАЗАЛ**

**Евуз далаларнинг  
бор ганжи билан  
эдинг ишқ қамиши, намчил бир суман.**

**Евуз самоларнинг  
жануб самуми,  
қорнинг бир сурони эдинг юракда.**

**Самолар, далалар  
қўлларим боғлади занжирлар билан.**

**Далалар, самолар  
ярамни қонатди қамчилар билан.**

## **Ж**

### **ҚУТУЛМОҚ ҲАҚИДА ҒАЗАЛ**

Адашганман денгизда кўп бор,  
узилган гул тўла ёд билан такрор,  
севги, талвасага тўла тил билан.  
Адашганман денгизда кўп бор  
бола юрагида адашган каби.

Кеча йўқ, бўсалар сасидан кейин  
рўйсиз хандаларни сезиб турмаган,  
кимса йўқ, тўралган бувакни кўриб,  
отнинг бош чаногини эслаб турмаган.

Мана шунинг учун манглайдан оғир  
чаноқ чокларини ахтарар гуллар  
ва маъни қолмайди эр қўлларига  
ердаги ялдивизга дўнмоқдан бўлак.

Бола юрагида адашган каби  
адашганман денгизда кўп бор.  
Сув узра сўқирдай дайдиб излайман  
ўзимга ёруғ бир ўлимни бедор.

## **XI**

### **ЮЗ ЙИЛЛИК ИШҚ ҲАҚИДА ҒАЗАЛ**

**Тўртта пўрим ўспирин  
чиқиб борар кўчадан.**

**Ай, ай, ай, ай.**

**Учта пўрим ўспирин  
тушиб борар кўчадан.**

**Ай, ай, ай.**

**Икки пўрим ўспирин  
белин сириб боғлади.**

**Ай, ай.**

**Бир ўспирин ва шамол  
ўгирилиб қарар жим.**

**Ай.**

**Кўпирган бу миртазорни  
айланмас энди ҳеч ким.**

## XII

### ЭРТАЛАБКИ БОЗОР ҲАҚИДА ҒАЗАЛ

Элвира пештоқидан  
Ўтишинг кутдим, бедил,  
исмингни бир эшитиб,  
жимгина йиглай дедим.

Тўққиз ойнинг қайси бўзи  
сўлдирди ёноғингни?  
Ким теради энди қордан  
ўзлигинг — чўғ допини?  
Биллурингга қайси кактус  
санчади тиконини?

Элвира пештоқидан  
Ўтишинг кутдим, бедил,  
исмингни бир эшитиб,  
жимгина йиглай дедим.

Қандай садо қасд қилди  
бозорда бу жонимга!  
Порлаган чиннигулсан  
чўнг галла хирмонда!  
Оҳ, яқинсан йироқлардан,  
йўлаб бўлмас ёнинга!

Элвира пештоқидан  
Ўтишинг кутдим, бедил,  
исмингни бир эшитиб,  
жимгина йиглай дедим.

## ҚАСИДАЛАР

---

### I

#### СУВ ЯРАЛАГАН БОЛАГА ҚАСИДА

Кўргим келар қудуққа тушиб,  
Гарпотанинг садларидан келар қаргим,  
сувнинг қора бигизларидан  
таре ёрилган бола юрагин.

Нола қилар ярадор бола,  
бошида тож совуқ қировдан,  
фавворалар, ҳовуз, булоқлар  
шамширларини сирмар ҳавода.  
Ай, бу қайси ишқ қаҳри, қайси ёвуз тиг,  
қайси шабий сурондир, қайси оқ ўлим,  
қайси чўлдир, тонгнинг саҳналарини  
босиб кетган қай ёруғ чўлдир!  
Бола танҳо эди  
бўғзидайди ухлаган шаҳар,  
тушларида тўралган булоқ  
сувўтлардан болани асрар.  
Бола ва талваса келар юзма-юз,  
чирмашгандай икки кўк ёмғир,  
чалқанча ётарди ярадор бола,  
ёйдай эгилганди талваса оғир.



## II

### ИЙГИГА ҚАСИДА

Эшитмай деб йиғи садосин  
ёпиб қўйдим манзар эшигин,  
биноқ тўртта сад ичидаям  
олислаган фарёд эшитдим.

Озгинадир малаклар товши,  
оздир ҳатто итлар овози,  
бир қўлимнинг битта кафтига  
сигар минглаб гижжак садоси.

Аммо фарёд улкан бир итдир,  
битта улкан малакдир фарёд,  
битта улкан гижжакдир фарёд,  
йягламай деб, озин ёпар бод,  
йўқ фарёддан бўлак бир садо.

### III

#### ШОХЛАРГА ҚАСИДА

Тамаритнинг дарахтзорида  
пайдо бўлди қалайи итлар,  
бу шохларнинг солинмогини,  
бу шохларнинг синмогин истаб.

Тамаритда бир олма бордир,  
бир олмаси лиммолим зорга.  
Унинг зорин ўчирар булбул,  
қирғовулар кўмар губорга.

Аммо шохлар қувонар ҳали,  
худди бизга ўхшайди улар.  
Дарахтларга дўнгандай ҳар шох  
ёмғирларни ўйламай ухлар.

Сувга ботиб тиззасигача  
кузни кутар иккита водий.  
Дарахтларнинг сафларин ёриб,  
қоронгилик келар филодим.

Тамаритнинг дарахтзоридан  
равшан юзли болалар ўтар,  
шохларимнинг солинмогини,  
синмогини кутишар фақат.

## IV

### ЧАЛҚАНЧА ЁТГАН АЕЛГА ҚАСИДА

Ялангоч баданинг ерни эслатар,  
отларнинг ерни — тел-текис, бегард,  
қамишсиз бир ерни, бир соф шакли,  
келажак кўзидан пинҳон чегара.

Сени яланг кўрмоқ — нозик бир қомат  
излаган ёмгирнинг дардин тушунмак,  
тиришган юзимга юлдуз тушсин, деб,  
эзилган денгизнинг титроғин туймак.

Бирдан жаранглайди ётоқларда қон,  
шуъладор шамширин кўтарар азот,  
аммо бинафша ҳам бақа юрагин  
қаерда эканин билмассан асло.

Қорнинг олишётган илдизлар дузи,  
дудоқларинг эса тонгдир бесарҳад,  
тўшакнинг илмилик гуллари аро  
марҳумлар инграйди кутганча навбат,

## V

### ОЧИҚ ҲАВОДАГИ УЙҚУГА ҚАСИДА

Суман гули, сўйилган буқа.  
Чексиз тўшама. Зал. Қарта. Чилтор. Тонг.  
Қиз айланиб қолди суман буқага,  
буқа — қони оқиб, бўкирган оқшом.

Агарда бир гўдак бўлсайди осмон,  
кечанинг ярмиси бўларди суман,  
буқа — тореросиз мовий бир майдон,  
бир устун пойида ётган бир юрак.

Аммо филдир бу осмон,  
суман эса қонсиз бир сувдир,  
чексиз тўшамада чўзилиб ётган  
тунги бир шохдир қиз.

Суман ва буқанинг орасида бор  
филсуяк илмоқлар ё мудроқ каслар.  
Суман гулларида фил ва булутлар,  
сўйилган буқада бордир қиз шакли,

## VI

### ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИГАН ҚЎЛГА ҚАСИДА

Бир хаста қўл керак, гар илож бўлса,  
ҳеч нарса керакмас бир қўлдан бўлак,  
майли, минглаб тунни ўтказай бедор,  
ҳеч нарса керакмас бир қўлдан бўлак.

Токим у бир ганжий нилуфар бўлсин,  
юракка боғланган бир каптар бўлсин,  
жоним ҳам чиқар пайт тунда хонамга  
ойни қўймайдиган бир кампир бўлсин.

Жасадимни ювиб, кафанлагувчи  
битта қўлдан бўлак нарса керакмас.  
Ўлимимга лойиқ қанот бўлгувчи  
битта қўлдан бўлак нарса керакмас.

Утар бошқа нарсалар.  
Исмсиз анвору мангу юлдузлар.  
Қолгани бошқадир, нолиган шамол,  
гала-гала бўлиб хазонлар учар.

## VII

### АТИРГУЛГА ҚАСИДА

Атиргул  
излаган йўқ саҳарни,  
мангудайини шоҳида,  
излар бошқа нарсани.

Атиргул,  
вужуд, хаёл сарҳадн,  
зиё на риё излар,  
излар бошқа нарсани.

Атиргул  
атиргулга қарамас,  
қимирламас осмонда,  
излар бошқа нарсани.

## VIII

### ТИЛЛО ҚИЗГА ҚАСИДА

Тилло қиз, тиллогина,  
чўмилади ҳовузда,  
тиллога айланар сув.

Сув ўтлари, шохчалар  
қамраб олар баданин,  
опшоқ қизнинг кўйида  
оҳ урар бир андалиб.

Тун кўриниб келади,  
аста-секин ярқираб,  
кўринар яланг тоғлар  
қўнғир эпкин тағида.

Сув юзида оқариб  
чўмилар қиз ялангоч,  
сув ҳам гўё аланга.

Тонг келади покиза,  
минглаб мол суврати-ла,  
қировли гулчамбару  
оқ кафанга бурканиб.

Чўмилар алапгада,  
кўздан ёши қуйилар,  
фарёд қилар андалиб,  
қанотларин куйдирган.

Тилло қиз, тиллогина,  
ўхшар оқ қарқарага,  
сув ҳам эди тиллодай.

## IX


### ҚОРА КАПТАРЛАРГА ҚАСИДА

Дафна шохлари аро  
икки қора каптар бор,  
биттаси қуёш бўлса,  
бошқа бири эди ой.  
«Қўшнижонлар», сўрадим,  
«Қабрим бўлур қайси жой?»  
«Думимда», деди қуёш,  
«Томогимда», деди ой.  
Белимгача ерга ботиб  
йўл юрсам-да мўл юрдим,  
икки қор бургути ҳам  
ялангоч қизни кўрдим.  
Икки бургут эди бир,  
қизбола эса ҳеч ким.  
«Бургутжонлар», сўрадим,  
«Қабрим бўлур қайси жой?»  
«Думимда», деди қуёш,  
«Томогимда», деди ой.  
Бири эди бошқаси,  
иккиси эди ҳеч ким.



# ТУРЛИ ШЕЪРЛАР

---



## ҚОРАЧА ҚИЗЛАР БОҒИ

---

### ТРУНЖЗОР

Трунжзор.  
Тушларим  
лаҳзаси.

Трунжзор.  
Сариқ оғушлар  
маҳзани.

Трунжзор.  
Эмар шабадалар  
маммаларингни.

Трунжзор.  
Норанжзор ҳушсиз,  
норанжзор жонсиз,  
норанжзор қонсиз.

Трунжзор.  
Севгимни бир зарб-ла  
кесишганин кўргансан.

Трунжзор.  
Илк севгим,  
атиргулсиз, ҳассасиз севгим.

Трунжзор.

## **ҲАР ҚУШИҚДА**

**Ҳар қўшиқда  
тинмиш  
муҳаббат.**

**Ҳар юлдузда  
тинмиш  
вақт,  
тинмиш  
замон.**

**Ҳар сўлишда  
тинмиш  
фарёд.**

## **КУПРИК**

**Кумуш дафга  
тизиллаб  
урилади сув.**

**Огочлар  
тўқиган шамолга  
атиргуллар  
берар бўйини.**

**Бир анкабут  
эса  
айлантирар  
ойни юлдузга.**

## **УМИДСИЗ ҚЎШИҚ**

**Дарёлар қўшилур,  
майсалар эшилур.**

**Фақат мени  
тўзғитди шамол.**

**Қайлиқлар уйига  
кирар хушхабар.  
Қизлар саҳарлари  
яшил ипақдан  
чиройли кашталар  
тикар юракка.**

**Фақат мени  
тўзғитди шамол.**

**(ТЕРАК ВА МИНОРА)**

**Терак ва минора.**

**Жонли бир соя,  
мангулик соя.**

**Яшил овозли соя,  
бегам бир соя.**

**Юзма-юз тош ва шамол,  
соя ва тош.**

## **ҚҰШИҚ**

— Толгулның йигисини  
эштиб қолсанг агар,  
не қилардинг, суйгилим?  
— Хўрсинар эдим фақат.

— Кетётган нур агарда  
сени имлаб чақирса,  
не қилардинг, суйгилим?  
— Ўйлардим денгиз ҳақда.

— Боғда, зайтун тагида  
айтсам битта сўзимни,  
не қилардинг, суйгилим?  
— Пичоқлардим ўзимни.

## СОНЕТ

Айрилишдан қўрқаман, эй хур,  
кўзларингда порлаган нурдан,  
нафасингдан унган атиргул  
ёногимга тегмас бир тундан.

Макон бўлмиш бу сирли қиргоқ —  
шоҳсиз оғоч, бирор бус-бутун  
чечаги йўқ, бир оддий тупроқ  
дардларимнинг қуртлари учун.

Қўлларингда бўлсаям борим,  
бўлсанг ҳамки хочим, нам дардим,  
ит бўлсам-да келмайди орим.

Сўнг бошогим сўлмасин фақат,  
кетаётган кузим барглари  
оқимингга тўшалсин қат-қат.



## **ШОИР СЕВГИЛИСИДАН МАКТУБ ЁЗИШНИ СЎРАЙДИ**

**Тирик ўлим каби терап муҳаббат,  
бир оғиз сўзингни кутдим беҳуда,  
чечак-да сўлмишидир, ўзимни фақат  
йўқотиб яшамоқ мушкулдир жуда.**

**Фақат ҳаво ўлмас. Тош эса гофил,  
ёғду ва зулматни фарқламайди, бас,  
қийналган юракка ойлардан оқиб  
келгучи муз каби асал керакмас.**

**Мен сени йўқотдим. Очдим қонимни,  
йўлбарсу кабутар, позик белинга  
оқ бинафша билан илон олишар.**

**Тўлдир сўзларинг-ла жунун комини  
ё яшай оҳиста ором селида  
мангу зулмат учун руҳнинг шомида.**

## ҚОРА ОЙЛАР

Қора ойлар денгиз бүйида,  
сув товланар ақиқдай қирмиз.  
Туғилмаган чақалоқларим  
изларимдан йиғлайди биг-биг.  
«Кечма биздан, кетмагин, дада!»  
Кенжам қўли қовушиб қолган.  
Оқа бошлар қорачиқларим,  
хўрозларам бирдан жар солар.  
Мавжли кулги ниқобин кийган  
денгиз қотар кенгликлар аро,  
Дада, бизни ташлама!..

Бирдан  
атиргулдай тўкилар садо.

## **СОКИН СУВЛАР**

**Кўзларим дарё бўйлаб  
оқиб борар қуйиға.  
Гоҳ ёниб, гоҳо сўниб,  
оқиб борар қуйиға.  
(Фароғатли дамларни  
юрак санаб туради.)**

**Қуриган ўтлар йўлдан  
борар дарё бошиға.  
Бу йўл ёруғ, улугдир —  
борар дарё бошиға.  
(Йўлга тушмаймизми деб,  
юрак гамгин сўрайди.)**

## **ВИДОЛАШУВ**

**Видолашдим  
йўл ёқасида.**

**Дилим потраб шошилдим  
йинги келган ёқларга —  
йиплардилар бошимда.**

**Видолашдим  
йўл ёқасида.**

**Нотаниш ўзга йўлдан  
етиб борган заҳотим  
машъум он келди дея  
уйғотгум хомуш ёдни.  
Дўнмасман саҳардаги  
ҳўл юлдуз титроғига.**

**Қайтиб келдим овозсиз  
куйларнинг оқ боғига.**

## ИЗОҲЛАР

---

### ШЕЪРЛАР КИТОБИ

Бу китоб Лорканинг 1916—1919 йилларда ёзилган шеърларини жамлаган биринчи китоби, 1921 йили Мадридда босилган. Адабиёт аҳли, айниқса, ёши улур шоирлар, хусусан, Хуан Рамон Хименес бу китобни яхши баҳолаган. Китоб сўзбошисида шоир шундай деган: «Юрагим ва руҳиятимнинг ҳаққоний ифодаси сузиб юрган бу тартибсиз саҳифаларга болалигимда кўзимда яшнаган, жодулаган ҳаётнинг ранглари акланган. Ҳаётим куйлаётган дарахтнинг тар повдасидай, бу шеърларим ҳам... Ўша чашмадан сувлаган. Қиёмига етмаган бу китобнинг фазилатларидан бири — тоғлар ўраган водийдаги сайҳонда ялангоёқ чопиб юрган болалигимни эслатиб туришидир». «Шеърлар китоби»дан Лорканинг кейинги китоблари билан узвий боғлиқ ва табиатан енгил сайланма шеърлари таржима қилинди.

#### БИР ЎЗБОШИМЧА ШИЛЛИҚҚУРТНИНГ САЁҲАТИ ҲАҚИДА

«Мангу ҳаёт борми, айт?»— Руҳнинг мангулиги ҳақидаги насроний таълимотига ишонмаслик шеърлар китобидаги асосий мавзулардандир.

#### ИЮЛЬ КУНИ МАНЗУМАСИ

«Фавраларнинг бўйнида»— фавра — сув оқими. Испан халқ ижодида сувнинг оғир тўлганиб, эшилиб оққан оқими буқага ўхшатилади. Гарчи шеърдаги «фавраларнинг бўйнида / ялтирар қўнғироқлар» сатрларида буқа сўзи ишлатилмасаям, буқага нисбат берилган сув оқими ҳақида гапирилаётгани маълум.

*Граф Дафна* — машхур итолиён денгизчиси Роже де Лаурия (1250—1305) испан халқ қўшиқларида Граф Лавр, яъни Граф Дафна деб номланган.

*«Ай, сарвларга ўхшаган / саёҳатчи, жўмардим!»* — Сарв қабристон дарахти, азалдан испан шеъриятида қайғу тимсоли.

*Изида* — қадимги миср ривоятларида ишқ ва изтироб қувватли эри ва акиси илоҳ Озирисни тирилтирган сув ва шамол илоҳаси, садоқат тимсоли.

#### ҚУЕШ БОТИБ КЕТДИ

*«Бир қишлоқи ит / Зухрога суқланиб ҳадеб акиллар»* — шоир тасавурида ит билан ой бир-биридан ажралмас қиёфалардир.

*Пенелопа* — Одиссейнинг хотини, Одиссей сафарда йигирма йил дараксиз кетганда қайнотасининг тобутига ёнишга парда тўқиб бўлиши биланоқ бошқа эрга тегаман деб овоза қилган, аммо ўзи куня билан тўқиган пардасини кечаси ёзвораверган.

#### ҚАРИ КАЛТАКЕСАК

*Ламартин* — Алфонс де Ламартин (1790—1869), француз романтик шоири, шеърларида мусиқий товушларга алоҳида эътибор берган.

*«Илондан қаерим кам?»* — халқ орасида калтакесак (эл лагарто) эр кишига дўст ва кўмакчи бўлади, деган гап бор. Аксинча, илон (ла кулебра ёки ла серпиэнтэ) — эр кишига душман, аёл киши билан тили бирдир.

#### ПИНҲОНИЙ МАНЗУМА

*«Requiem aeternam»* — (лот.) — мангу ором.

## КАНТЕ ХОНДО ДОСТОНИ

*Поэма дел канте хондо* — канте хондо достони, андалус шевазида канте хондо, адабий тилда — канто ондо, канте (хониш), хондо (теран) — теран хониш, теран ашула маъносида. Минг йиллар давомида ўзида араб, испан ва лўли қўшиқларининг энг фоживий ва назокатли аломатларини омихта қилиб юборган канте хондонинг айрим турлари ўзимиздаги яккахон ҳофиз қўшигини эслатади. Канте хондонинг лўлиларгача бўлган даврга онд энг қадимий шаклларида канья ва солеадир. Канья арабча гани сўзининг испанча талаффузи, қўшиқ маъносида. Канья ва солеа бор нафас билан баралла айтилади, сўзлар ибодат калималаридай аниқ-равшан эшитилади. Канте хондонинг бошқа турлари ҳам бор, яъни андалус қуролсозларидан тарқаган огир ва фоживий мартинетэ, подачилар хпргойи қилиб айтадиган серрана. 1931 йили Мадридда алоҳида китоб ҳолида нашр этилган канте хондо достонини яратиш ғояси анча аввал, яъни 20-йиллардаёқ пайдо бўлганди, 1922 йили 13—14 июлда машҳур испан бастакори Мануэл де Фаля Гарнота қасабасида уюштирган канте хондо сайлигача дoston деярли ёзилган. Йигирманчи аср бошларидаёқ унут бўлаёзган бу ажойиб санъат турини сақлаб қолиш кўп испан зиёлилари қаторида Мануэл де Фаля ва Лорка чекига тушди. Андалус қасабаларида канте хондо ҳофизлари билан мулоқотда бўлиб, бир олам таассурот олган Лорка 1922 йил феввалида бу санъат ҳақида Гарнотада маъруза қилди. Аммо Лорка яратган дoston ҳофизлар ижро этадиган канте хондога тақлидан яратилмасдан, балки сўз ва шеър унсурлари воситасида бу санъат усуллари, ижро этиладиган муҳитни маълум бир қиёфага солган ва бу санъатга жон бағишлаган машҳур усталар, кантаорлар (ҳофизлар) сиймосини яратган.

*«Ғарнотанинг икки сойи»*—Ғарнота қасабасидан ўтадиган Дарро ва Хенил сойлари. Дарро сойи қуйи ўзанда Хенилга, Хенил эса Севилла қасабасини кесадиган суви мўл Гвадалнаҳрга қўшилади. Шакл жиҳатидан шеърнинг дostonга сира алоқаси йўқ, ammo водийдаги хушвақт Севилла қасабасига тоғдаги жиддий Ғарнота қасабасининг қарама-қарши қўйилмоғи билан яъни ички зиддият ва фожнавийлик билан канте хондо дostonига алоқадор.

*«Ҳовуз узра мисли ўлим / минорлардай Хенил, Дарро»*,— хушвақт Гвадалнаҳр нораишзор водийдаги ўктам минорага ўхшатилса, аксинча, Хенил ва Дарро сойлари ҳовуз, яъни ўлик сув узра турган ўлик минораларга ўхшатилган. Лорка ижодида ўлим ва турғун сув тунчалари ажралмасдир. Бундай қиёфаларни, яъни ўлим билан турғун сув қиёфасини «Телвакезик романида» ҳам, «Дон Педро ва унинг оти ҳақида уйдирма» романида ҳам, «Қудуққа чўккан қиз» шеърида ҳам кўриш мумкин.

*«Андалуся баҳрларингга / оқар тунж, зайтун гули»*— зайтун гули пард гулидай оний гўзаллик, муҳаббат ва ҳаётнинг фанийлиги тимсолидир. Дostonнинг «Дафн маросими» деб аталган шеърида: «Йўлда сўлгин / зайтунчамбарда / одимлар ўлим» сатрлари бор. Демак, Андалус «баҳрлари» ўша ҳовуз, яъни турғун сув, яъни ўлимдир.

## ЛУЛИ СИГИРИЙЯСИ ДОСТОНИ

*Сигирийя* — кантаор (ҳофиз), токаор (гитара созандаси) жўрлигида аста-секин ўйпаб туриб айтиладиган



қўшиқ тури. Диққат қилинса, ситғирійя достонида бошдан-оёқ ижрочи хатти-ҳаракатлари ифодаланади. Масалан, энг аввало, ситғирійя ижро этиладиган муҳит, манзара тасвири (Манзара), кейин тоқаор созада намойиши (Гитара), кантаор — ҳофиз фарёди (Фарёд), кейинги жимлик (Жимлик), унда кейин асосий сахна — ситғирійя рақси (Ситғирійя юриши), қўшиқ таасуроти ва акс садо тасвири (Ундан кейин) ва ниҳоят руҳий покланиш (Кейин эса). Бу лавҳадан кўринадики, Лорка Канте хоңдога кирган барча дoston турлари қиёфалаб, маълум мазмун асосида териб чиққан.

### МАНЗАРА

Ситғирійя ижроси учун фақатгина тун ва ёки эрталабки ғира-шира қоронғилик қулай вазият бўлиши мумкин. Бироқ бу шеърдаги манзара, яъни (Лусерос фриос, хунко ва пенумбра а ла орилла дел рио) ғира-шира совуқ нурлар, дарё қирғоғидаги қора босган қамишлар фақат фожиа муҳитини яратади, қиёфаларни тўқнаштиришга шароит ҳозирлайди.

### ГИТАРА

*Оқ камелиялар* — ўзбекча таржимасида камолгуллар деб берилди. Лорка поэтикасида оқ раиғ бегуноҳлик, поклик рамзimas, балки совуқлик, тумсалик, қайғу ва ўлим рамзида келади.

### СИГРИЙЯ ЮРИШИ

*Толгуллар*, яъни гулхайрилар — испан халқ оғзаки ижодида кўннича яширин, жавобсиз, қайғули ишқ тimsолидир.

### УНДАН КЕЙИН

*«Икки сўқир қизбола / ойга берар саволлар»* — кўрлик талқини дostonда асосий ўрнида туради. Ойга, яъни ўлимга савол берган қизларгинамас, балки ўлимнинг

Ўзи ҳам сўқирдир. Солеа дostonидаги «Кўзсиз ўлим / мақоши»га эътибор қилинг. Ўлим юборган ёйандозлар ҳам сўқирдир; «ёйандозлар / севги каби / сўқирсиз». Бу контекстда «Ламентасион де ла муэртэ», яъни «Сўнги илтижо» шеъридаги: «Кўзлар ила келувдим / сўқир кетгум дунёдан» сатрларига ҳамоҳанглик бор.

#### КЕЙИН ЭСА

«Ёлғиз чўл / қолди» — Лорка шеърларида қавснинг аҳамияти жуда катта. Кўпинча шоир қавс ёрдамида биринчи сатрга тамомила қарама-қарши сатрни айриб кўрсатади. Ушбу шеърда биринчи қавсга олинмаган сатрлар фонида пайдо бўлган қавсдаги / ёлғиз чўл / қолди / сатри тасалли сифатида келади.

#### СОЛЕА ДОСТОНИ

*Солеа* — андалус шевасида, ёлғизликни билдиради, гитара жўрлигида ўйнаб туриб айтиладиган ғамгин қўшиқ, кўпинча аёллар айтади.

#### ГОР

*Гор* — Ғарнота қасабаси яқинидаги Сакро Монте тепалигидаги горларда азалдан камбағал лўлилар истиқомат қилган.

#### ВИСОЛ

*Сан Кайтан* — аниқроғи, Сан Кайетан — (1480—1547) театинчилар жамоаси асосчиларидан, бу жамоа аъзоларининг вазифаси ўлимга ҳукм қилинганларни қатл майдонига кузатиб боришдан иборат бўлган.

#### САЭТА ДОСТОНИ

*Саэта* — айнан таржимаси — ўқ, камон ўқи, новак маъносини билдиради, мусиқасиз қисқа қўшиқ. Авваллари

арафа ҳафтасида тақводорлар ибодатхоналардан обчи-қилаётган хочга парчишланган Исо алайҳиссалом ва Биби Марям ҳайкаллариини сазта — қисқа қўшиқларни қичқириб айтиб қаршилаганлар. Бундай ҳайкаллар «пасос» деб аталган.

#### СЕВИЛЛА

*«Севилла ёйандозлар / яширинган қалъадир»*,— бу ерда Севилла қасабасининг ягона тимсоли бўлмиш деразалари кунгурадор Хиральда минораси кўзда тугилади.

*Дон Хуан* — Дон Жуан — асли севиллалик, саёқ, хотин-боз бўлган. Испан романсларининг қаҳрамони.

*Дионис* — юнон афсоналарида ҳосилдорлик, май плохи.

#### МАРОСИМ

*«Галати яккашоҳлар»*,— Лорка шеърлятида тез-тез тилга олинадиган афсонавий яккашоҳлар. Айни бу шеърда — учбурчак бошлиқ кийволган маросим қатнашчилари.

*Мерлин* — жодугар, кельт афсоналари, жўмардлик ҳақидаги романлар қаҳрамони.

*Одам боласи* — Исо алайҳиссалом.

*Дурандарт* — Испанияда жўмардлик ҳақидаги роман ва романслар қаҳрамониини шундай ном билан аташ одат бўлган.

*«Қаҳри қаттиқ Орландо»*— Лодовико Ариосто (1516—1532)нинг жўмардлик романи қаҳрамони «Қаҳҳор Роланд» орқали испан романсларига кириб келган қаҳрамон. Айнан бу ерда ниқобланиб, ҳайит маросимида қатнашади.

*Пасос* — Исо алайҳиссалом ва Биби Марям ҳайкаллари.

## НАМОЙИШ

«*Сузасан бу шаҳардан / кўчалар-сойлар бўйлаб*» — ҳайит намоёншида оломон боши узра баланд кўтариб олиб ўтиладиган Биби Марям ҳайкалига ишора.

## МАНЗАР

*Тореролар* — тореро — буқа билан олишувда буқанинг жаҳлини чиқарадиган вазифани ўтайдиган иштирокчи. *Албаакалар* — оқ ва тўққизил гуллайдиган хушбўй ўсимлик.

## ТОНГ

*Ейандозлар* — (испанчаси «саэтерос») — саэта қўшиғини айтадиган ҳофизлар.

## ПЕТЕНЕРА СУРОБИ

*Петенера* — Андалус-лўли қўшиқларининг бир гурупи. XVIII асрда канте хондо асосида яралган мусиқа жўрлигида ўйнаб айтилади. Бу қўшиқ турини Петенера исмли лўли аёли яратган, қўшиқнинг Петенера деб аталиши шундан.

## ЙУЛ

*Сувори* — Лорка шеърлятида энг кўп учрайдиган қиёфалардан, ўлим элчиси сифатида намоён бўлади. Сувори «Амарго билан гурунг»да, «Ой романси»да, «Сувори қўшиғи»да ҳам ўлим дарагини обкелувчи сифатида намоён бўлган.

«*денгизларни соғинган / Фарнотага*» — Фарнотанинг депгиздан узоқда жойлашганлиги Лорка шеърлятининг асосий мавзуларидан биридир.

## ФАЛЛСЕТА

*Фаллсета* — қўшиқ тўртликлари орасида тўлдириб турувчи гитара оҳанглари.

«*Қизларки, сочларини / совға қилган Исога*» — таомилга кўра ҳайит арафаси намойишларида Исо алайҳиссаломнинг оғоч ҳайкали янада жонли кўринмоғи учун қизлар ўз сочларидан кесиб, ҳайкални безашган.

«*Кул бўлгунча куйганлар*» — яъни, адоий тамом бўлган одамлар.

## DE PROFUNDIS

*De profundis* — (*де профундис*) — латинча теранликдан деган маънони билдиради, жапозада айтиладиган католик гимнининг бошлама сўзи.

## ФЛАМЕНКО БЕЗАҚЛАРИ

### СИЛВЕРИО ФРАНКОНЕТТИ СУВРАТИ

*Силверико Франконетти* — Силверико Франконетти Агилар, XIX асрнинг ўрталарида сигирийянинг энг машҳур ҳофизси сифатида танилган.

### ХУАН БРЕВА

*Хуан Брева* — XIX асрнинг 80-йилларида малагения қўшиқларини айтган машҳур ҳофиз.

### ЛА ПАРАЛЛА

*Ла Паралла* — Ла Паралла Долорес — XIX асрнинг иккинчи ярмида малагения ва солеанинг буюк ижрочиларидан бири.

## MEMENTO

*Memento* — латинча ҳикматнинг бошланиши *Memento mori* — ўлимни ёдла!

## ОЛТИ КАПРИЧЧО

*Каприччо* — каприз, яъни поз маъносида, айнан бу ерда ёқимли, ўйвоқи маъносида тушунилиши керак.

## ГИТАРА ФОЛИ

*Полифем* — афсонавий бир кўзли дев.

## КРОТАЛО

*Кротало* — қайроқтош, сафонининг бир тури.

## ЧУМБЕРА КУМАНЖИРИ

*Чумбера* — чумбера куманжири (кактус) ва агаванинг қўшиқ айтиладиган фонда пайдо бўлиши бежизмас. Шоир тасавурида бу ўсимликлар билан Гарнота қасабасидаги қадимги маврларнинг маҳалласи бўлмиш Албайсин оралиғида боғлиқлик бор. Чунки Сьерра-Невада этаклари каби бу ташланди маҳаллада ҳам дostonнинг асосий воқеалари содир бўлади.

*Лаокон* — баҳайбат илонлар бўғиб ўлдирган Троя кoҳини Лаокон ва ўгиллари ҳайкали.

*Дафна* — қадимги юнон афсоналарида дафна — лаврга айлантириб қўйилган илоҳа.

*Атис* — Аттис, табиат илоҳи, ўлиmidан сўнг қарағайга айланиб қолган ўсмир.

## АГАВА

*Агава* — жанубда ўсадиган зебу зийнат ўсимлиги.

## ЖАНДАРМЕРИЯ САРҲАШГИ ҚАТНАШГАН САҲНА

*Косорла* — Испания жанубидаги Хаэн вилоятига қарашли шаҳар.

*Кесада* — Хаэн вилоятидаги шаҳар.

*Бенамех* — Қурдоба яқинидаги шаҳар.

### АМАРГО БИЛАН ГУРУНГ

*Амарго* — испанчада «аччиқ», «шўрлик» маъносини билдиради.

## БИРИНЧИ ҚЎШИҚЛАР

Бу китоб биринчи марта 1936 йили Мадриддаги «Нерое» нашриётида босмадан чиққан. Китоб ноширларида бири Гарсиа Лорканинг дўсти Мануэл Алтолагирре бу китобга ёзган сўзбошида шундай дейди: «Гарсиа Лорканинг «Биринчи қўшиқлар»и қанчалик галати туюлмасин, шу пайтгача босилмаган, ҳалигача тартибга солилмаган, аммо шоир поэтик дунёсининг тадрижий такомилида муҳим аҳамият касб этган ёшлик мажмуаларининг бир қисмидир».

### ТҶРТ САРИҚ МАНЗУМА

*«Соғиниб Руф далаларин»* — Руф далалари — буғдойзор. Қадимий аҳднинг «Руф китоби»да ҳикоя қилинишича Руф ўз қариндоши Вооз даласида буғдой ўримида кейин бошоқ териб юрган экан.

### ПАЛИМСЕСТЛАР

*Палимсестлар* — қиртишланган маъносида. Қадимги замонларда ёзуви қиртишланиб янги ёзув босилган тери палимсест дейилган.

## ҚЎШИҚЛАР

Бу китобга кирган шеърлар 1921—1924 йилларда ёзилиб, шонринг дўстлари Хорхе Гильен, Педро Салинас ва Мельчор Фернандес Альмагроларга аталган бағишлов билан 1927 йили Малагада чиқадиган «Литорал» журнали иловасида босилган.

### ОТ ҲИНИ

*«Тезроқ, тезроқ, Марко Поло»*— машҳур итолийн сайёҳи Марко Поло (1254—1324). Бу ерда мангу ҳаракат ғоясининг ифодачиси.

### ҚАЙТАРМА

*Январь* — янги ой, биринчи муҳаббатнинг халқ ижодидаги талқини.

*Қабол* — тўпки, шпор.

### ОҒОЧ — ЭЙ, ОҒОЧ

*«Минорадан тушган шамол»*,—шамол Лорка ижодида кўпинча ошиқ қиёфасида учрайди.

### СОЯЛИ УЧ СУВРАТ

#### ВЕРЛЕН

*Верлен* — Поль Верлен (1844—1896)— машҳур француз символист шоири.

#### ХУАН РАМОН ХИМЕНЕС

*Хуан Рамон Хименес* — Буюк испан шоири (1881—1958) Нобел мукофоти лауреати. Бу шеър Хименеснинг «Оқ кўпиклар» шеърдан таъсирлашиб ёзилган.



## ДЕБЮССИ

*Дебюсси* — Клод Дебюсси (1862—1918) француз импрессионист бастакори.

## НАРГИС

*Наргис* — юнон афсоналарида айтилишича бир ўсмир сувдаги аксига ошиқ бўлганидан ўлиб қолган жойда наргис исмли гул унган экан.

## НОРАНЖ ВА ТРУНЖ

*Норанж* — (апельсин) Испан халқ оғзаки ижодида саодатли севги рамзи бўлса, *трунж* — (лимон) аксинча, саодатсиз, алданган севги, испан шеърлятида жуда кўп ишлатиладиган рамзлардир.

## СУВОРИ ҚЎШИГИ

«*Қора ойнинг тагида*» — қора ой, машъум ўлим, умуман Лорка ижодида ой қиёфаси ўлим қиёфаси билан боғлиқдир.

## ХУЛОСА ҚЎШИҚЛАРИ

### КЕТАЁТГАН КУН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

*Персей* — қадимги юнон ривоятларида денгиз махлуқига қурбонликка қоябанд қилинган Ариаднани озод қилган Персей қаҳрамон. Кечқурун кўринадиган юлдуз туркумига Персей номи берилган. Айнап бу шеърда юлдуз туркуми ҳамда қандайдир халоскор қаҳрамон ҳақида гап боради.

«*Қандай оғир, машаққат...*» — Гўдак Исо алайҳиссаломни елкасига миндириб дарёдан ўтаётган афсонавий дев Христофор: «Нега мунча оғирсан?» деб сўраганда, гўдак: «Мен келаётган кунман», деб жавоб берган экан. Бу шеърда шоир ўзини кунни елкасига миндириб кетаётган қиёфада тасвирлаган.

## ЛЎЛИ РОМАНСЕРОСИ

Романсеро, яъни романслар мажмуаси, жанр сифатида XVI—XVII асрларда халқ оғзаки ижодида шаклланган саккиз бўғинли, иккинчи ва тўртинчи сатрлари қофиядош шеър. Романснинг бошқа турлари ҳам бор, масалан, етти бўғинли романс — романсилло, яъни кичкина романс, ўн бир бўғинли романс эса романсе ероико, яъни қаҳрамонлик романси деб аталади. Романслар табиатан «тарихий», «жўмардлик», «маврона», яъни мавр романсларига бўлинади. Лорканинг саккиз бўғинли романслар мажмуаси 1928 йили Мадридда «Ревиста Оксиденте» нашриётида босилган. Аммо бу ғоят мураккаб ва гўзал асарни яратиш ғояси анча аввал, яъни 20-йилларда Лорка машҳур тилшунос Рамон Менендесга ғарноталик лўлилар айтадиган романсларни тўплашда кўмаклашганда пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам Лўли романсеросида халқ романсларининг таъсири катта, бу таъсир, айниқса, «Фамар ва Амнон» романсининг мазмунига тегишли. Нега бу китоб айнан «Лўли романсероси», деб аталади, Лорка дўстларидан бирига ёзган хатида бунга изоҳ берган: «Бу китоб лўли романсероси деб аталсаям, аслида, Андалусия достонидир. Лўли сўзига урғу берганимнинг сабаби шундаки, лўлилар ватанимнинг олов, қон ва тилини асраб келган энг олижаноб ва азиз зодагонларидир».

### ОЙ ҲАҚИДА РОМАНС

Лорка ижодида ой ўлимнинг ўзи ёки ўлим яқинлашганидан дарак берадиган бир аломатдир. Шу билан бирга ой ўлган ёки ҳалок бўлганларнинг маскапи, мисол учун «Амарго энаси айтган қўшиқ» шеърига эътибор қилинг. Бу романсда ҳам ой болани олиб кетгани темирчи лўлилар ғорига киради, темирчи эса қадимги ривоятларда марҳумларнинг ерости дунёси ҳукмрони

ё хизматкори қиёфасида келади, бола ҳам муздай сандопда жоп беради, барча совуқ металллар ҳам Лорка ижодида ўлим белгиларидир.

#### ПРЕСИОСА ВА ШАМОЛ

Бу романсини яратишда Лорка ривоятлардаги шамолнинг эрлик хусусияти ҳақидаги анъанавий мазмундан фойдаланган.

*Сан Христофор* — ибодатхоналар деворларида жудаям катта ҳажмда тасвирланадиган қиёфа. Мажусийлик тушунчасига кўра Христофор эрлик қувватининг тимсолидир.

*Сатур* — юпон ривоятларида ҳосилдорлик деви.

#### ДАСАРРА

*«Ёритворар лаҳзалик нур»*, — кунботарда унгурга тушган нур кўзда тугилади.

*«Ўари зайтун авжларида / икки кампир солади дод»*, — табиатнинг сирли кучларига ишора.

*«Альбасетнинг пичоқлари»* — Альбасете — пичоқчилиги билан машҳур вилоятлардан.

*«Карфагендан бешта одам / тўрттовлон ўлган Римдан»*, — Ўрта ер денгизига эгаллик қилиш учун эрамиздан аввалги III—II асрларда римликлар ва карфагенликларнинг ўзаро урушлари кўзда тугилади. Қози бу ҳикматни айтатуриб, ўзаро нифоқларнинг азалий эканлигини таъкидламоқчи. Шундан диний байрамларда бир-бирлари билан келишолмаган гуруҳлар римликлар ва карфагенликлар либосларини кийишни одат қилганлар,

## ТЕЛВАКЕЗИК РОМАНСИ

«Денгизда бўш сузар қайиқ»,— денгиз бу романсинг бошидан охиригача учрайдиган талқин, воқеа денгиздан узоқдаги Фарнотада кечади. Ой нурига гарқ бўлган Фарнота денгизга ўхшатилган.

*Кабра* — Қурдоба вилоятидаги шаҳар.

## ҒАР

«Сант Яго тунн эди»—25 июлга ўтар кечаси. Испаниядаги энг катта байрам арафаси. Испания ҳомийси — ҳаворий Сант Яго, яъни авлиё Иаков кунн.

## ҚОРА ҒАМ ҲАҚИДА РОМАНС

«Лўли романсероси»даги энг комил, асосий бу романс ҳақида Лорка бундай деган: «Ёзги осмон каби улкан ва қора яккаю ягона қаҳрамон — борлиққа сингиб кетган ҳасрат бор, бу ҳасрат ғам-ғуссадан, ҳоргинликдан, руҳий дарддан ўзгачароқ, ердан кўра самога яқинроқ туйғу бўлиб, идрок ва дилнинг англаб бўлмас сир билан кураши — Андалус ҳасратидир».

*Соледад* — аёл исми, ёлғизлик маъносиди.

## САН МИКОИЛ (ҒАРНОТА)

*Сан Микоил* — Ғарнотанинг ҳомийси бўлмиш малак Сан Микоил ҳайкали Ғарнотадан юқорироқда эски араб қалъаси ўрнида жойлашган Сан Микаэл дел Монте ибодатхонасидадир.

«Куйлар уч минг шом ўсмири»,— шарқ эртакларидаги ўсмирга ишора,

*«Денгиз эса ойли манзар / қўшиқларин айтар форм»,*— денгиз — тунги Ғарнотадир, юқоридан тунги Ғарнота чинданам денгизга ўхшатишган.

*«Сан Микоил бир қиролдир / тоқ рақамлар, самовот-га»,*— Микоил осмон қаватларини иблис тажовузидан асрайдиган малакдир.

#### САН РАФОИЛ (ҚУРДОБА)

*Сан Рафоил* — Қурдоба ҳомийси Сан Рафоил ҳайкалларини Қурдобанинг ҳамма жойида кўриш мумкин. Бу романсда тилга олинган ҳайкал эса XVIII асрда Гвадалнаҳр кўпригига ўрнатишган.

Қадимий аҳднинг «Товит китобида»ги ривоятда Сан Рафоил сўқир тақводор Товитнинг ўглига тутган балигининг зардобини отанг кўзларига суртсанг тузалади, деб айтган. Шундан кейин Товит тузалиб кетган. Шунинг учун ҳам Сан Рафоил ҳаммаша қўлида балиқ ушлаб турган қиёфада тасвирланган. Малак қўлидаги балиқнинг сувга тушган тасвири икки Қурдоба, яъни ҳақиқий Қурдоба ва Қурдобанинг сувдаги аксини бирлаштириб юборадиган бир тирик балиққа айланади.

#### САН ЖАБРОИЛ (СЕВИЛЛА)

*Сан Жаброил* — малак Сан Жаброил Биби Марямга Исо алайҳиссаломнинг туғилиши ҳақидаги хушхабарни айтган. Бу аслида Инжилларда бор мавзу. Аммо Лорка Севиллада бўладиган диний байрамларда бу мазмунни ифодалайдиган «пасос»ларни кўрган бўлиши мумкин.

*Алунсасьон* — хушхабар маъносини билдиради.

*«гунафша, оқ гунафша»,*— хушхабар рамзи.

*Хиральда* — аввал мусулмон мечити бўлган, кейинча-

лик католик ибодатхонасининг жомхопасига айлан-тирилган Севилладаги чорбурчак минора.

*«Сан-Жаброил, учта севинч / кўкрагимни паррон бузди».*— Исо алайҳиссалом учта миҳ билан хочга нарчи-ланган, уч рақамига ишора худди шу шеърда яна бир печа бор такрорланади, масалан: «Бўлур ўғлинг кўк-рагида / битта хоч ҳам учта яра», «Титрай бошлар ча-қалоқининг / оғзида уч бодом гўра».

#### СЕВИЛЛА ЙЎЛИДА АНТОНИТО ЭЛ КАМБОРОНИНГ ҲИБС ҚИЛИНИШИ

Бу романс қаҳрамонининг тақдирини қуёш ҳақидаги ри-воятлардаги тақдирлари ҳаракат тимсоли бўлмиш қаҳ-рамонлар тақдирини эслатади.

*Камборо* — қадимги лўли уругининг номи.

*«Зайтулар жад нафасини»*—21 дан 22 декабрга ўтар кечасида Қуёш Жад, яъни Козероғ юлдуз туркумига киради.

*«Беш учбурчак қуршовида»*— испан жапдармлари уч-бурчак шанка кийган.

#### АНТОНИТО ЭЛ КАМБОРО ЎЛИМИ

*«Қобон каби ёв пойларин / жон-жаҳди-ла тишлар қум-да / Кўпикланган делфин мисол / еир айланар сўнг ҳу-жумда»*— ҳайвон қиёфалари романс қаҳрамони билан қурбонликка сўйиладиган ҳайвон орасидаги ўхшаш-ликка ишора.

*«Ай, Федерико Гарсиа, ай / соғчиларга қилгин аён»*— Бу романс қаҳрамони ҳақида Лорка шундай деган: «Антонито Эл Камборо — хиёнатни билмайдиган асл лўлидир. Фақат угина ўлатуриб исминни айтиб чақи-ради. Бугун очликдан ўлатуриб ўзларининг минг йил-

лик овозларини пулга сотмайдиган Антонитодай одамлар қамчадан-қамча».

#### ИШҚИДАН ЭЪЛГАН ЭСМИР ХАҚИДА РОМАНС

«Иўлаклардан қандай ёлқин» — ичкари ҳовлига тутатишиб кетган ярим-очиқ, узун иўлаклар.

«Георгийнинг қаҳридай шан», — пасроний ривоятларида Георгийнинг айрича жағговарлиги қайд этилган.

Тоғ — ўлим, йўқлик белгиси бўлиб, Лорка шеъриятидаги доимий қиёфа, рамзидир.

#### ЭЛИМГА МАҲКУМ ЭТИЛГАН ХАҚИДА РОМАНС

«Сойнинг оғир новвослари...» — Андалусияда сойнинг оғир ва кучли оқимли жойини новвос дейишади.

«Ялтираган оқ шамширин / Сант Яго қиндан олди», — халқ таъбирича сомон иўлидан оқ от минган Сант Яго ўтармиш.

Цикута — соявоқсимон ўсимлик, цикута, толгул, газанду бу романсда машъум тақдир белгиларидир.

#### ИСПАН ЖАНДАРМЛАРИ ХАҚИДА РОМАНС

Херес де ла Фронтера — Андалусиядаги шаҳар, кантехондонинг кўҳна бешикларидан.

«Юсуф билан Биби Марям», — ҳайитлардаги Белен, яъни Вифлеем, яъни Байтуллаҳм нуҳасининг аъъанавий қаҳрамонлари. Байтуллаҳм нуҳасин бўйича бу гордан иборат бўлиб, бешикда чақалоқ Исо алайҳиссалом тасвирланган, ёнида Биби Марям, авлиё Юсуф, буқа, эшак, малаклар ва Исо алайҳиссаломга чўқинишга келган чўпошлар, сеҳргарлар, шарқлик султонлар кўришиб қолади. Белен шакллари қўғирчоқларга ўхшаган. Бундай саҳналар таомилга кўра диний байрам

арафасида кўчаларда намойиш этилган. Биби Марям билан ҳамроҳларининг лўли қасабаси кўчаларидан ўтиши ҳам «пасос»ни эслатади, яъни Биби Марям ҳайкали ясантирилиб, турли-туман тақинчоқлар билан безатилиб олиб ўтилади.

*Педро Домек* — коньяк ва ликер корхонасининг асосчиси.

## УЧ ТАРИХИЙ РОМАНС

### АВЛИЁ ОЛИЯНИНГ АЗОБИ

*Санта Олая* — авлиё Олая (Евлалия) — Олия Бадахос вилоятидаги Мерида қасабаси ҳомийсидир. Худди шу қасабада уни 304-йили римликлар қатл қилган. Гарчи бу тарихий романслар Лўли романсеросига унчалик сингишмай турган бўлсаям, мавзу ва романслардаги қиёфалар орасида боғлиқлик бор. Лорка Хорхе Гильенга ёзган бир хатида бу романсни авлиё лўли Олая изтироби деб атаган. Чиндана «Испан жандармлари ҳақида романс»даги воқеалар Херес де ла Фронтера кўчаларидан антиқвор Мерида кўчаларига кўчиб ўтган ва Роза Камборо азоби билан авлиё Олия тортган азоб деярли бир хил.

*Минерватор синдираркан / қуруқ дарахт шохларини* — Минерва — рим плоҳларининг умумий номи, уларнинг нураб кетган ҳайкаллари Мерида атрофларида сақланиб қолган.

### ДОН ПЕДРО ВА УНИНГ ОТИ ҲАҚИДА УЙДИРМА

*Дон Педро* — XIII асрга оид эпик достоннинг афсонавий қаҳрамони, бундан ташқари Лопе де Веганинг «Эл кабальеро де Олмедо» пьесасининг афсонавий қаҳрамони бўлиб, сойдап ўтаётган пайтда хоннона ўлдирилган. Лорка Лопе де Вега асарининг айрим жиҳатларини ўзгартишлар билан ўзлаштирган.



*Булбул* — испан шеърлятида булбул кўшнча сотқинлик ҳақида хабар келтиривчи ёки бевосита сотқинлик гувоҳи.

### ФАМАР ВА АМНОН

*Фамар ва Амнон* — Қадимий аҳддаги Фамар ва Амнон, яъни Довуд шоҳнинг ўғли ва қизи, яъни ўз синглиси Фамарга ишқи тушиб, зўрлаб қўйган, кейин юз ўнгирига, ўз укаси Авессалом ўлдирган Амнон ҳақидаги қисса. Халқ оғзаки ижодида бу романсинг турлари кўп.

### ШОИР НЬЮ-ЙЎРКДА

Лорка 1929 йили Америкага келиб, Нью-Йоркдаги Колумбия дорилфунунида яшаган, инглиз тилини ўрганган, асосан испаниялик тилшунос олимлардан Федерико де Опис, Анхел дел Рио, шоирлардан Дамасо Алонсо, Леон Фелипе, мусаввир Габриэл Гарсиа Марото ва Андрес Сеговия, Игнасио Сапчес Мехас билан мулоқотда бўлган. Икки ҳафтадан ортиқ Эдем Милс кўли яқинида яшайдиган дўсти Филипп Кемпнге қўрғошида турган, кейин Кэтсквил тоғига, Анхел дел Рио ҳовлисига келади. Сентябрь ойида Лорка Нью-Йоркка қайтади. Колумбия дорилфунунида «Тасаввур ва илҳом», «Аллалар» мавзунда маърузалар ўқийди. 1930 йил март ойида кубалик адабиётчилар таклифига кўра Гаванага келиб маърузалар ва шеърлар билан бир печа чиқишлар қилганидан кейин июнь ойида Испанияга қайтиб, Гапотадаги ҳовлиларида Америка сафаридан олган таассуротларини тартибга солиб, «Шоир Нью-Йоркда» китобини тугаллайди. У аввалига Америка ҳақидаги шеърларини иккита китоб қилмоқчи бўлган, бу китоблар «Шоир Нью-Йоркда» ва «Замин ва ой» деб аталиб, ўлимидан анча кейин, яъни,

1940 йили нашрдан чиққан, худди шу йили бу китобнинг инглиз тилидаги нусхаси ҳам Мехикодаги «Сенека» нашриётида нашр қилинган. Тушунилиши бир оз қийинроқ бўлган бу шеърлар ёзилган вақтига қараб олдинма-кетин тартибланган бўлиб, ўнта туркумдан иборат.

Бир қараганда «Шоир Нью-Йўркда» китоби сочма таассуротларнинг тартибсиз тўпламига ўхшайди. Бироқ китобда шоир кайфияти маълум бир композиция асосига қурилган, яъни Колумбия дорилфунуни, Нью-Йўрк манзаралари, Эдем Милс кўли, кейин яна «Нью-Йўрк» ва ниҳоят «Шоирнинг Гаванага келиши». Китобдаги биринчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи туркумларида оломондан ажралиб турган шоир ва шоирнинг дўстлари қатнашади. Яна тўртта туркумда шаҳар манзаралари асосий мавзудир. Тўққизинчи ва ўнинчи туркумларда қаҳрамоннинг Нью-Йўрдан қочиши тасвирланган. Китобдаги шеърлар «Лўли романсероси»да намоён бўлган дунёга бутунлай тескари дунёдир. Лорканинг аввалги китобларида одамийлашган табиат унсурлари бу китобда бузилган, парчаланган ёки бир ҳалокатли доирага ҳайдаб киритилганки, бу сюрреализмга хос бўлган аломатлардир. Сюрреализмдаги шаклларнинг ўзгариши рост дунёдаги ҳамма жисмларнинг бузилиши оқибатида келиб чиқади ва моҳиятни ялаңгочлаб кўрсатади. Лорка биринчи марта бу китобда қалбидagi уйғунлашган дунё — «Лўли романсероси»га «Нью-Йўрк» дунёсини қарама-қарши қўйиш учунгина шаклларни ўзгартириш усулини қўллаган.

### САЙРДАН ҚАЙТИШ

*«Довоғга ботиб қолган бир капалак мисоли»*— қийналган, бўғилган, парчаланган ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлар қиёфалари «Шоир Нью-Йўркда» китобидаги деярли ҳамма шеърларда учрайди. Бу қиёфалар ҳало-

катга маҳкум қилинган ҳаётнинг аянчли кўрinishларидир.

#### ИНТЕРМЕДИЯ (1910)

*«Бурчакларда ғира-шира ой ёғдусида / трукж пўчоғию қорамтир шишалар соясин кўрди»*,— китобга хос бўлган шакл ўзгаришига бир мисол. Лорканинг аввалги китобларидаги донмий қаҳрамонларнинг (шамол, ой, тонг, ўлик қушлар, болалар, отлар) «Шоир Нью-Йоркда» китобидаги шеърларда ўз шаклини ўзгартирганига бир мисол.

#### ХАРЛЕМ ҚИРОЛИ

*«Мусомизни маҳв айлагай тиканлар»*— Қадимий аҳд китобида айтилишича Мисрда Мусо найғамбарни туққан аёл фиръавн гумашталаридан чақалоқни саватга солиб қамишзорга яширган.

#### ТАШЛАНДИ ЖОМЕ

*«Битта қизим бор эди»*— испанларда баъзан ўғил боланиям қизим деб аташ расм бўлган.

#### ЭДЕМ МИЛС КЎЛИНИНГ АКСЛАНГАН ШЕЪРИ

*«Шундай дедим поездларни Зуҳал тўхтатган чоғи»*— Зуҳал (Сатури) қадимги рим ривоятларида экинзорлар плоҳи, ҳаминша оқсоқолли, қиш тимсолидай эсланади.

#### КИЧКИНА СТЭНТОН

*«Do you like me? Yes, and you? Yes, yes. Мен сенга ёқаманми? Ҳа, мен-чи. Ҳа, ҳа. (Инглизча.)»*

#### ИГНАСИО САНЧЕС МЕХИЛСГА АЗА

*Игнасио Санчес Мехиас* — (1887—1934) машҳур тореро, ўта маданиятли, испан халқ оғзаки ижодини чуқур билган, 27-йил авлодига мансуб бир қанча адаблар би-

лан яқин дўст бўлган, 20-йиллар охирида торерони тарк этиб, драматургия билан шуғулланади ва бирмулча муваффақиятларга эришади. Ўттизинчи йилларда тагин торерога қайтади. 1934 йилнинг 11 августида Мансанареседа буқа оғир жароҳат етказади, икки кундан кейин Мадриддаги касалхонада вафот этади. Достон август ойида ёзилиб, октябрь ойида журналда эълон қилинган ва 1935 йилнинг май ойида алоҳида китоб ҳолида нашр этилган.

### БУҚА ЗАРБИ ВА ЎЛИМ

*Буқа зарби ва ўлим* — айнан испанчаси: «Ла кохида и ла муэрте», яъни шохга илиб кўтарини ва ўлим маъносиди.

*«Кечки пайт соат бешда»*— Игнасио буқа билан олишиб, ярадор бўлганда соат рошна-роса беш эди.

### ТЎКИЛГАН ҚОН

*«Гиссандо буқалари»*— Авла қасабаси яқинидаги Гиссандо тешалигидан тошилган ва буқаларга ўхшаб кетадиган қадимги тош ҳайкаллар.

*«Севиллада бўлмаган ҳеч / азал-абад бундай шаҳзод»*— Игнасио севиллалик эди.

*«Қон томчисин ичадиган / қалдирғочу...»*— ривоятларда айтилишича Голгофда хочпарчин қилинган Исо алайҳиссалом қонини қалдирғочлар ичганмиш.

*Минотавр* — Юнон ривоятида Тессей исмли афиналик қаҳрамон ўлдирган одамбуқа махлуқ.

### ТАМАРИТ ДЕВОНИ

Лорка йигирманчи йилларданоқ қатъий анъанавий

шеърый шакллар устида ишлай бошлади. Бунга мисол қилиб унинг мадҳияларини, сонетларини кўрсатиш мумкин, аммо у фақат Оврупо шеъриятида мавжуд бўлган шакллар билангина чекланиб қолмай, ўрта ва яқин шарқ классик шеърияти, хусусан, андалус фольклорига ва андалус шоирлари ижодига таъсир кўрсатган араб шеъриятига ҳам қизиқди. Бу китобнинг девон деб аталиши ҳам бежизмас. Аммо девондаги ғазал ва қасидалар араб шеъриятига хос мажозийликнинг айрим белгиларини сақлаган ҳолда шартли равишдагина бу номга тўғри келади.

*Тамарит* — Ғарнота этагидаги жой номи, у ерда шоирнинг отасига тегишли қўрғон бўлган.

#### КУТИЛМАГАН ИШҚ ҲАҚИДА ҒАЗАЛ

*Мониюлиё* — магнолия гули.

#### БОТИН ИШҚ ҲАҚИДА ҒАЗАЛ

*Вела* — Ғарнотадаги қўнғироқ минори.

*Картахена* — Мурсия вилоятидаги қасаба.

#### ЭРТАЛАБКИ БОЗОР ҲАҚИДА ҒАЗАЛ

*Элвира пештоқи* — Ғарнотанинг марказида жойлашган қадимги маврлар қурган иморатлардан қолган тошдарвозалар.

### ТУРЛИ ШЕЪРЛАР

Бу туркум Лорканинг тугалланмаган ёки йўқолган китобларининг парчалари бўлиб, ушбу китобга фақат айрим намуналари киритилди.

## МУНДАРИЖА

Таржимондан . . . . .	3
-----------------------	---

### «ШЕЪРЛАР КИТОБИ» ДАН (1921)

Бир ўзбонимча шиллиққуртнинг саёҳати ҳақида	10
Сант Яго (Содда манзума)	16
Июль кунини манзумаси . . . . .	20
Олмос . . . . .	23
Уйқу . . . . .	25
Соқини хиёбон манзумаси . . . . .	26
Қуёш ботиб кетди . . . . .	29
(Бир дилларки, диллар)	30
Қари калтакесак . . . . .	31
Бузилган томоша . . . . .	34
Пинҳоний манзума . . . . .	35
Денгиз суви манзумаси . . . . .	37
Оғочлар . . . . .	38
Тунги шамол . . . . .	39

### КАНТЕ ХОНДО ДОСТОНИ (1921)

Уч дарё манзумаси . . . . .	42
-----------------------------	----

#### *Лўли сигирийяси достони:*

Мапзара . . . . .	44
Гитара . . . . .	45
Фарёд . . . . .	46
Жимлик . . . . .	47
Сигирийя юриши . . . . .	48
Ундан кейин . . . . .	49
Кейин эса . . . . .	50

#### *Солеа достони:*

(Ҳадсия) . . . . .	51
Қишлоқ . . . . .	52

Ханжар . . . . .	53
Чорраҳа . . . . .	54
Ай! . . . . .	55
Кутилмаган ҳодиса . . . . .	56
Солеа . . . . .	57
Ғор . . . . .	58
Висол . . . . .	59
Тонг . . . . .	60

*Саъта достони:*

Ёйандозлар . . . . .	61
Туп . . . . .	62
Севила . . . . .	63
Маросим . . . . .	64
Намойиш . . . . .	65
Саъта . . . . .	66
Манзар . . . . .	67
Тонг . . . . .	68

*Петенера суроби:*

Қўпғироқ (Наҳарот) . . . . .	69
Йўл . . . . .	71
Олти тор . . . . .	72
Рақс (Петенера боғида) . . . . .	73
Петенера ўлими . . . . .	74
Фаллсета . . . . .	75
De profundis . . . . .	76
Дафн маросими . . . . .	77

*Икки қиз:*

Лола . . . . .	78
Ампаро . . . . .	79

*Фламенко безаклари:*

Силверпо Фрапкоетти суврати . . . . .	80
Хуан Брега . . . . .	81
Каптанте майхонаси . . . . .	82
Сўпғи илтижо . . . . .	83
Афеун . . . . .	84
Memento . . . . .	85

*Уч шаҳар:*

Малагения . . . . .	86
Қурдоба маҳалласи ( <i>Оддий кўриниш</i> ) . . . . .	87
Ўйин . . . . .	88

*Олти каприччо:*

Гитара фолл . . . . .	89
Шам . . . . .	90
Кротало . . . . .	91
Чумбера кумапжирн . . . . .	92
Агава . . . . .	93
Хоч . . . . .	94

Жандармерия сарҳанги қатнашган сахна: (Бай-роқхона) . . . . .	95
Калтакланган лўли айтган қўшиқ . . . . .	100
Амарго билан гурунг ( <i>Дашт</i> ) . . . . .	101
Амаргонинг эпаси айтган қўшиқ . . . . .	112

*БИРИНЧИ ҚЎШИҚЛАР (1922)*

*Ўрамалар:*

Ўрама . . . . .	114
Сўнгги қўшиқ . . . . .	115
Тўляной . . . . .	116

*Тўрт сариқ манзума:*

I . . . . .	117
II . . . . .	117
III . . . . .	118
IV . . . . .	119

*Палимпсестлар:*

I. Шаҳар . . . . .	120
II. Йўлак . . . . .	121
III. Биринчи саҳифа . . . . .	122
Соат . . . . .	123
Асира . . . . .	124



## ҚҰШИҚЛАР (1921—1924)

### Назариялар:

Етти расида қўшиғи (Камалак назарияси)	126
Умумий манзара	127
Ҳамманнинг қўшиғи	128
(Қўшиқ ёғду бўлмоқчийди)	129
От ўйини	130
Тарози	132
Қайтарма	133
Овчи	134
Моҳият	135
(Асад ойи)	136
Масхаравоз	137
Кесилган уч оғоч	138

### Деразадан кўринган манзаралар:

I	139
II	140
III	141
IV	142

### Болаларга аталган қўшиқлар:

Оврупода айтилган чин қўшиғи	143
Севилла қўшиқчаси (Норанжзорда)	144
Чиганоқ	145
(Қалтакесак инграйди)	146
Манзара	147
Тентак қўшиқ	148

### Андалус қўшиқлари:

Сувори қўшиғи (1860)	149
Сайрона Аделина	150
(Чанг босган маймунжон)	151
(Қизим кетди сапамоқ учун)	152
Оқшом	153
Сувори қўшиғи	154
Бу рост	155
(Оғоч-эй, оғоч)	156

### *Сояли уч суврат*

I. Верлеп . . . . .	158
Вакх . . . . .	158
II. Хуан Рамон Хименес . . . . .	160
Зухро . . . . .	160
III. Дебюссн . . . . .	161
Наргис . . . . .	161

### *Ўйинлар:*

Ирена Гарснага ( <i>Оқсочга</i> ) . . . . .	163
Қизболанинг қулоғига . . . . .	164
(Одамлар кетар маҳзуни) . . . . .	165
Қўшиқ оғочи . . . . .	167
(Норанж ва тунж) . . . . .	168
Гунглар кўчасида . . . . .	169

### *Ой қўшиқлари:*

Ой чикқанда . . . . .	170
Тушнинг икки ойи . . . . .	171
I . . . . .	171
II . . . . .	171
Тонгда ўлган . . . . .	172
Биринчи йил . . . . .	173
Иккинчи йил . . . . .	173
Гул . . . . .	174

### *Чивикли Эрот:*

Лусия Мартинес . . . . .	175
Серенада . . . . .	176

### *Дуёнинг парёғида:*

Саҳна . . . . .	177
Лоҳаслик ва тун . . . . .	178
Гунг бола . . . . .	179
Пинкоҳ . . . . .	180
Видо . . . . .	181
Қасди жон . . . . .	182

## Муҳаббат:

Илк истақ қўшиғи . . . . .	183
Кичкина мадригал . . . . .	184
Акс садо . . . . .	185
Роҳатнома . . . . .	186
Ғарнота ва 1850 . . . . .	187
Муқаддима . . . . .	188
(Яшил осмон тубида) . . . . .	189
Сонет . . . . .	190

## Хулоса қўшиқлари:

Бошқача оҳангда . . . . .	191
Ноябрь ва апрель ҳақида қўшиқ . . . . .	192
(Сув, қаерга борасан?) . . . . .	193
Сохта кўзгу . . . . .	194
Март боғи . . . . .	195
Соҳилдаги икки денгизчи . . . . .	196
I . . . . .	196
II . . . . .	196
Қуриган поранж қўшиғи . . . . .	197
Кетаётган кун ҳақида қўшиқ . . . . .	198

## ЛУЛИ РОМАНСЕРОСИ (1924—1927)

Ой ҳақида романс . . . . .	200
Пресиоса ва шамол . . . . .	202
Дасарра . . . . .	204
Телвакезик романси . . . . .	206
Лўли роҳиба . . . . .	209
Ғар . . . . .	211
Қора қайғу ҳақида романс . . . . .	213
Сан-Микоил (Ғарнота) . . . . .	215
Сан-Рафойл (Қурдоба) . . . . .	217
Сан-Жабронл (Севила) . . . . .	219
Севила йўлида Антонито Эл Камборонинг ҳибс қилиниши . . . . .	222
Антонито Эл Камборо ўлими . . . . .	224
Ишқдан ўлган ўсмир . . . . .	226
Ўлимга маҳкум этилган ҳақида романс . . . . .	228
Испан жандармлари ҳақида романс . . . . .	231

*Уч тарихий романс:*

Авлиё Олия азоби

Мерида манзараси . . . . .	235
Қатл . . . . .	236
Жаҳаннам ва ҳамду сано . . . . .	237
Дон педро ва унинг оти ҳақида уйдирма . . . . .	238
Фамар ва Амноп . . . . .	241

*ШОИР НЬЮ-ЙУРКДА (1935)*

*Колумбия дорилфунундаги ёлғизлик ҳақида шеърлар:*

Сайрдан қайтиш . . . . .	246
Интермедвя (1910) . . . . .	247

*Негрлар:*

Уйғушлик ва негрлар жаннати . . . . .	248
Харлем қироли . . . . .	250
Ташланди жоме ( <i>Буюк уруш ҳақида манзума</i> ) . . . . .	255

*Кўчалар ва тушлар:*

Рақси марг . . . . .	257
Ўқчиган оломон манзараси . . . . .	260
Гудзонда ҳайит . . . . .	262
Уйқусиз шаҳар ( <i>Бруклин кўпригининг тунги тасвири</i> ) . . . . .	264
Нью-Йўркнинг хира манзараси . . . . .	266
Тонг . . . . .	268

*Эдем Милс кўли шеърлари:*

Эдем кўлининг аксланган шеъри . . . . .	269
Тирик осмон . . . . .	271

*Фермер уйида:*

Кичкина Стэнтоп . . . . .	273
Сигир . . . . .	276
Қудуққа чўккан қиз. ( <i>Ғарнота ва Ньюбург</i> ) . . . . .	277

### *Ұлимға жуқаддима:*

Туганмас достонча . . . . .	279
Бўшлиқ тасвири . . . . .	281
Замин ва ой . . . . .	283
Вайрона . . . . .	285
Ой ва ҳашаротлар манзараси . . . . .	286

### *Нью-Йўркка қайтиш:*

Нью-Йўрк (Айбнома) . . . . .	290
------------------------------	-----

### *Икки қасида:*

Римга қасида (Крайслер—Бильдинг минораси-дан бақприқ) . . . . .	293
Уўлт Уитменга қасида . . . . .	296
Нью-Йўрдан қочини . . . . .	301
Кичик Вена валси . . . . .	301

### *Шоирнинг Гаванага келиши:*

Кубалик негрлар туши . . . . .	303
--------------------------------	-----

### *ИГНАСИО САНЧЕС МЕХИАСГА АЗА (1936)*

Буқа ҳамласи ва ўлим . . . . .	306
Тўкилган қон . . . . .	308
Мавжуд жасад . . . . .	312
Йўқ жоп . . . . .	314

### *ТАМАРИТ ДЕВОНИ (1936)*

#### *Ғазаллар:*

Кутилмаган ишқ ҳақида ғазал . . . . .	316
Даҳшатли тимсол ҳақида ғазал . . . . .	317
Умидсиз ишқ ҳақида ғазал . . . . .	318
Ботин ишқ ҳақида ғазал . . . . .	319
Ўлик бола ҳақида ғазал . . . . .	320
Аччиқ илдиэ ҳақида ғазал . . . . .	321
Ишқ ёди ҳақида ғазал . . . . .	322
Қора ўлим ҳақида ғазал . . . . .	323
Ажойиб ишқ ҳақида ғазал . . . . .	324
Қутулмоқ ҳақида ғазал . . . . .	325
Юз йиллик ишқ ҳақида ғазал . . . . .	326

Эрталабки бозор ҳақида ғазал . . . . .	327
--	-----

*Қасидалар:*

Сув яралаган болага қасида . . . . .	328
Йиғига қасида . . . . .	329
Шохларга қасида . . . . .	330
Чалқанча ётган аёлга қасида . . . . .	331
Очиқ ҳаводаги уйқуга қасида . . . . .	332
Эршиб бўлмайдиган қўлга қасида . . . . .	333
Атиргулга қасида . . . . .	334
Тилло қизга қасида . . . . .	335
Қора каптарларга қасида . . . . .	336

**ТУРЛИ ШЕЪРЛАР**

*Қарача қизлар боғи:*

Трунжзор . . . . .	338
Ҳар қўшиқда . . . . .	339
Кўприк . . . . .	340
Умидсиз қўшиқ . . . . .	341
(Терак ва мишора) . . . . .	342
Қўшиқ . . . . .	343
Сопет . . . . .	344
Шоир севгилисидан мактуб ёзганини сўрайди . . . . .	345
Қора ойлар . . . . .	346
Сокни сувлар . . . . .	347
Видолашув . . . . .	348

<i>Изоҳлар*</i> . . . . .	349
---------------------------	-----

---

\* *Изоҳларни* тузишда Ф. Г. Лорканинг (Moscu, EDITORIAL PROGRESO, 1979) испан тилида чиқарилган китобига илова қилинган изоҳлардан қисман фойдаланилди. (Тарж.)

Литературно-Художественное издание

Ф. Г. ЛОРКА

САМАЯ ПЕЧАЛЬНАЯ РАДОСТЬ

Стихи

Художники С. Цведков, В. Немировский

Ташкент, издательство литературы и искусство  
им. Гафура Гуляма, 1989

*На узбекском языке*

Адабий-бадний нашр

Ф. Г. ЛОРКА

ЭНГ ҚАЙГУЛИ ИЮДЛИК

Шеърлар

Редактор А. Қутбиддин  
Расомлар С. Цведков, В. Немировский  
Расмлар редактори А. Бобров  
Техн. редактор М. Мирражабова  
Корректор У. Сайдуллаев

Китоб бўлимларида Ф. Г. Лорка чизган расмлар берилди

ИБ № 4128

Босмахонага берилди 25.05.88 Босишга рухсат этилди. 13.02.89 й  
Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона қоғози № 2. Янги оддий  
гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л 14.04 Шартли  
кр. — отгиск 14,18. Нашр л 10,94. Тиражи 25000. Буюртма 1142.  
Баҳоси; 4-муқовада (10.000)—95т.; 5-муқовада (15.000)—1с. Шарт  
нома № 76-88.

ФафУР Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.  
700129. Тошкент Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси  
ишлари Давлати комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқар-  
иш бирлашмасининг Бош корхонасида терилди, 3-босма-  
хонасида босилди. 700194, Тошкент, Юнусовод,  
Муродов кўчаси, 1.